

78  
285

ҲАЕТИЛЛО ИСАКОВ  
УЛУҒБЕК ҲАКИМЖОНОВ



# ЖАҲОН ВА ОСИЁ ЙЎЛБАРЛАРИ



Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллиги ҳамда  
«Соғлом авлод йили»га бағишланади

ҲАЁТИЛЛО ИСОҚОВ  
УЛУҒБЕК ҲАКИМЖОНОВ

# ЖАҲОН ВА ОСИЁ ЙЎЛБАРСЛАРИ

NAHONG AVLAT  
UNIVERSITETI  
Axborot-resurs markazi



Тошкe  
«Янги аср авлоди»  
2000

*Юртимизда спортга бўлган эътибор туфайли бу мавзудаги асарлар, қўлланмалар сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Ушбу китобдан ҳозирги кунда нафақат элимизда, балки хорижий давлатларда ҳам маълуму машҳур бўлган боксчиларимиз билан бўлган мулоқотлар ўрин олган. Эътиборга молик томони шундаки, суҳбатлар асосида ўқувчига спортчилар ҳақида тўлиқ тасаввур берилади. Қолаверса, боксинг пайдо бўлиши, ўзбек боксининг шонли тарихий зарварақлари ўрин олган ушбу китоб бокс мухлисларида катта қизиқиши уйғотади, деган умиддамиз.*

Тақризчи Р.Д. ХОЛМУҲАМЕДОВ

Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институти, бокс кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

Масъул муҳаррир О.ЮНУСОВ

Ушбу китобни юзага келишида ёрдамларини аямаган Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига, Ўзбекистон Олимпия қўмитасига, Ўзбекистон бокс федерациясига, «Sport» газетаси таҳририятига, Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятига, Андижон шаҳар «Дилфайз-Сулнодира» кичик корхонаси ҳамда Чирчиқ шаҳар «Химстим» илмий-техник маркази раҳбариятига чин юракдан миннатдорчилик изҳор этамиз.

Муаллифлар

## ФАРМОНИ

*ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМПИА ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАМЛАКАТ СПОРТЧИЛАРИНИ  
СИДНЕЙ ШАҲРИ (АВСТРАЛИЯ)ДАГИ XXVII ОЛИМПИА  
ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРЛАШ Тўғрисида*

*(Қисқартирилган ҳолда олинди)*

Мамлакатда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларининг Сидней шаҳри (Австралия)даги XXVII Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишларини рағбатлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашда, ёш авлодни миллий гурур ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек спортчилари эришган ютуқларнинг гоят катта аҳамиятини эътиборга олиб:

1. Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси Халқаро Олимпия Қўмитаси томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг расмий вакили деб ҳисоблансин.

2. XXVII Олимпия ўйинларида совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, Ватанимизнинг спортдаги шон-шухратини кўпайтиришга улар қўшган муносиб ҳиссани эътироф этиш мақсадида, қуйидаги миқдорларда бир йўла бериладиган мукофотлар белгилансин:

Олтин медал учун

— 100000 АҚШ доллари;

Кумуш медал учун

— 50000 АҚШ доллари;

Бронза медали учун

— 25000 АҚШ доллари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан бирга юқорида кўрсатилган пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри, 2000 йил 7 июн*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, МАЪРИФАТ,  
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ СОҶАЛАР ХОДИМЛАРИДАН  
БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

**МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТНИ, МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЮРТИМИЗНИНГ ҲАЛҚАРО НУФУЗИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ИШИГА ҚЎШГАН САЛМОҚЛИ ҲИССАСИ, ЎЗ ИЖОДИ, ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ, ВАТАНПАРВАРЛИГИ БИЛАН ОБРУ-ЭЪТИБОР ҚОЗОНГАНИ, ФАН, ТАЪЛИМ, АДАБИЁТ, САНЪАТ, МАДАНИЯТ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ ВА БОШҚА ИЖТИМОИЙ СОҶАЛАРДА КЎП ЙИЛЛАРДАН БУЁН САМАРАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАНИ, ЭЛ-ЮРТГА ҲАЛОЛ ХИЗМАТИ СИНГГАНИНИ ЭЪТИБОРГА ОЛИБ ҲАМДА ЖАМОАТ ИШЛАРИДАГИ ФАОЛИШТИРОКИ УЧУН ҚЎЙИДАГИЛАРГА ФАХРИЙ УНВОНЛАР БЕРИЛСИН:**

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

**АБДУЛЛАЕВ МАҲАМАТҚОДИР МАҲАММАТЁҚУБОВИЧ** — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний ва спорт қўмитаси бокс бўйича спортчи-йўриқчиси.

**МИХАЙЛОВ СЕРГЕЙ ЕГОРОВИЧ** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Андижон вилояти бошқармасининг спорт ва жисмоний тайёргарлик бўйича йўриқчиси.

**ТУРҒУНОВ ТЎЛҚИНБОЙ БУЛТУРАЛИЕВИЧ** — «Динамо» спорт жамяти бокс бўйича йўриқчиси.

**ҲАЙДАРОВ ЎТКИРБЕК АБДУЖАЛИЛОВИЧ** — «Динамо» спорт жамяти бокс бўйича йўриқчиси.

**ЧАГАЕВ РУСЛАН ШАМИЛЬЕВИЧ** — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, бокс бўйича спортчи-йўриқчиси.

**ЁРБЕКОВ ДИЛШОД АХМАДОВИЧ** — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг бокс бўйича спортчи-йўриқчиси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

**РОМАНЧУК МИХАИЛ МИХАЙЛОВИЧ** — Чирчиқ шаҳар Республика олимпия уринбосарлари билим юртининг бокс бўйича катта мураббийси.

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И.КАРИМОВ.*

*Тошкент шаҳри, 2000 йил 25 август  
(«Халқ сўзи» газетасининг 2000 йил  
29 август сонидан қисқартириб олинди)*

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕВАСИДИР БУ

*Собир РУЗИЕВ,  
Миллий Олимпия қўмитаси президенти*

Ватанимиз мустақиллиги бошқа соҳалар билан бир қаторда жисмоний тарбия ва спорт тараққиёти учун ҳам кенг йўл очиб берди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуслари, катта эътибор ва ғамхўрликлари туфайли мамлакатимизда жуда қисқа вақт ичида спорт давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу соҳани ривожлантиришнинг қонуний асослари яратилди. Натижада спортнинг Олимпия таркибига кирувчи бир неча турлари бўйича Ўзбекистон нафақат Осиё қитъасида, балки жаҳонда юқори ўринларга чиқиб олди. «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди», дегандилар муҳтарам Президентимиз.

Атланта (АҚШ) XXVI олимпиада ўйинларини ёдга олайлик. 1996 йил 19 июл... Дарҳақиқат, бу саналар юртимиз учун жуда қадрли ва унутилмасдир. Худди шу куни 197 давлатнинг ўн бир мингга яқин спортчилари орасида биринчи маротаба **ЎЗБЕКИСТОН** ёзувини кўтарган 76 спортчи ҳам саф тортди. Спортнинг 13 турида иштирок этган спортчиларимиздан дзюдочимиз Армен Богдасаровнинг кумуш, боксчи Карим Тўлагановнинг шундай улкан мусобақада бронза медалига сазовор бўлиши кўнгилларни шод этди. Бу сафарги Сидней (Австралия, 15 сентябр — 2 октябр. 2000 йил) шаҳрида бўладиган XXVII Олимпиадаги ҳам спортнинг 13 туридан 77 спортчимизнинг йўлланма олгани қувонарлидир. Улар 200 дан ортиқ мамлакат спортчилари орасида бўладиган мусобақада Она Ватанимиз шухратини муносиб ҳимоя этишига шубҳа йўқ. Зеро, Атланта олимпиадасидан кейинги қисқа вақт мобайнида спортчиларимиз эришган ғалабалар бунга ёрқин мисолдир. Бу борада айниқса, боксчиларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари алоҳида таъ-

синга лойиқ. Машҳур спортчимиз, бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисқиевнинг оламшумул ғалабасидан роппа-роса 25 йил утгандан сунг Ўзбекистон бокси яна узини намоён эта бошлади. Муҳаммадқодир Абдуллаев, Уткирбек Ҳайдаров, Тўлқин Турғунов, Руслан Чагаев... Бугун булар Ўзбекистон боксининг ёрқин юлдузларидир. Яна бир юртдошимиз Артур Григорян профессионал бокс оламида чинакамига жасорат кўрсатди. У ўн икки мартаба жаҳон чемпиони бўлиб, дунёни лол қолдирди.

Ижодкорлар Ҳаётилло Исоқов ва Улугбек Ҳакимжоновларнинг ушбу китобини ўқир экансиз, унда халқаро рингларда элу юртимиз доврўғини дунёга дoston этиб, давлатимиз байроғини олам узра сарбаланд қилиб келаётган 10 нафар Сидней олимпиадасига йўлланма олган боксчиларимиз билан яқиндан танишасиз. Бундан ташқари бокс ва унинг тарихи тўғрисида қизиқарли маълумотларга эга бўласиз. Ўйлаймизки, бу китоб бокссевар ўқувчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотади. Шу билан бирга юзлаб, минглаб ёш авлодни бокс дунёси сари етаклайди, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

# СИДНЕЙДА ТАШЛАНГАЙ ТАРИХИЙ ҚАДАМ

*Гофур РАҲИМОВ,  
АИБА ижроқуми аъзоси,  
Осиё олимпия қумитасининг вице-президенти,  
Ўзбекистон бокс федерацияси вице-президенти*

Дунё саҳнасида Ўзбекистон номли мамлакат борлиги ҳозирда барча миллат вакилларига аён ҳақиқат. Бу ҳеч шубҳасиз юртимиз мустақиллиги, Президентимиз Ислом Каримовнинг барча соҳада ўзига хос тараққиёт йўлини танлаш билан бирга, жисмоний тарбия ва спортга улкан меҳри, эътиборлари туфайлидир.

Дарҳақиқат, спортни ривожлантириш сайёранинг энг олди спортчилари билан тенгма-тенг беллаша оладиган йигит-қизларни етиштириш бу эндигина мустақил бўлган мамлакатни жаҳонга танитишнинг энг мақбул ва энг тўғри йўлидир. Зеро, голиб шарафига кўтарилган байроқ, янграган мадҳия шу халқнинг, шу миллатнинг куч-қудратидан, ўзлигидан нишонадир. Шу ўринда юртимизда истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ бошқа спорт турлари билан бир қаторда боксга берилаётган алоҳида эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик дунё рингларига тўғридан-тўғри ташланган мустаҳкам қадам бўлди. Айтиш жоизки, бу одимлар тасодифий бўлмай эгилган ҳақиқатнинг қайта қад ростлашидир. Бу борада сўнгги беш йилда эришилган ютуқлар, айниқса ўтган йили Хьюстонда бўлган X жаҳон чемпионатида спортчиларимиздан Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаровларнинг олтин медалга, Тўлқинбой Турғуновнинг кумуш медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида мамлакатимизнинг бокс ривожланган саксон учта етакчи давлатлар орасида учинчи ўринни забт этиши спортимиз тарихида улкан воқелик бўлди.

Спортдаги ҳар бир беллашув, хоҳ у турнир бўлсин, хоҳ жаҳон чемпионати у шу соҳа тараққиётини кўрсатувчи кўзгудир. Боксчиларимиз шу йилнинг 12-17 апрелида Туркияда ўтган Аҳмед Комерт халқаро хотира турнирида гарчи юқори кўрсаткичларга эришсаларда, бўлажак Сидней олимпиадаси олдидан терма жамоамизда яна талай ишлар амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, ҳакамлар ҳайъати режасига мувофиқ спортчиларимиз эндиги ўқув машғулотларини ҳар



доимгидек Янгиобод спорт базасида эмас, балки бокс мактаблари билан дунёга машҳур бўлган Америка, Франция, Москва, Алушта шаҳарларида ўтаб қайтди. Ўз навбатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Чарм қўлқоп» усталаримиз Австралия иқлимига мослашиш учун бу улкан мусобақага ўн беш кун аввал юборилади. Ўйлайманки бу амалга оширилаётган режалар ўз самарасини бериб, Ўзбекистон бокс ривожланган Куба, Россия, Америка каби давлатлар орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Бўлажак XXVII ёзги Олимпиада ўзбек боксининг дунё рингидаги энг қутлуғ ғалабаси сифатида юртимиз ҳамда жаҳон спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилади.

## НОМИНИ ҚАЛБГА ЖО ЭТИБ...

*Муҳаммадали КАРИМОВ,*

*АИБА аъзоси,*

*Ўзбекистон Олимпия қўмитаси Бош котиби,*

*Ўзбекистон бокс федерацияси вице-президенти.*

Бу кун дунё бокси ҳақида сўзланганда, албатта, ўзбек бокс мактаби ҳам тилга олинади. Бу сўзсиз юртимиз мустақиллигининг ва айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг спортга, қолаверса боксга кўрсатаётган ғамхўрлигининг мевасидир. Собиқ Иттифоқнинг етмиш йиллик ҳукмронлиги даврида мамлакатимиздан биргина жаҳон чемпиони чиққан бўлса, Истиқлолнинг қисқа — тўққиз йилидаёқ бир неча жаҳон чемпионлари етишиб чиқди. Яна шуни алоҳида қувонч билан таъкидлаш лозимки, спортчиларимиз ўзга юртларда уюштирилган мусобақаларда қатнашиб, шоҳсупанинг тўрларини эгаллабгина қолмай, бундай нуфузли халқаро мусобақаларга мезбонлик ҳам қилишмоқда. Бу борада 1999 йилнинг 23-30 октябрида иккинчи марта Тошкентда ташкил этилган навбатдаги Осиё чемпионатининг юксак савияда ўтгани билан барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Унда 20 давлатдан 150 га яқин боксчининг иштироки ҳамда Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон республикалари спортчиларининг тўлиқ таркибда қатнашиши мусобақа «жанг»ларини қизиқарли, мурасасиз ўтишини таъминлади. Боксчиларимизнинг юртимиз шонини муносиб ҳимоя этиб, ҳеч қандай ён босишларсиз етти олтинни қўлга киритгани ҳолда жамоалар орасида биринчи ўринни эгаллаб, Сидней Олимпиадасининг етти йўлланмасини нақд этиши мухлислар қувончига қувонч қўшди.

Моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳар бир соҳа тараққиётининг калитидир. Шу боисдан Ўзбекистонимиз куч-қудратини, шуҳратини дунёга дoston этаётган «чарм қўлқоп» усталаримиз доимо халқимиз ва давлатимиз ардоғида. Хьюстон шаҳрида ўтказилган X жаҳон чемпионатининг олтин медалини олган М.Абдуллаев, У.Ҳайдаровларга Президентимиз томонидан биттадан «Нексия» автомашинаси ва ҳар бирига қўшимча 10 000 АҚШ доллари, кумуш медал соҳиби Т.Турғуновга «Дамас» автомашинаси ҳамда 5 000 АҚШ доллари берилиши бу-

нинг ёрқин далилидир. Боксчиларимиздан М.Абдуллаев, Р.Чагаев «Ўзбекистон ифтихори» ва «Эл-юрт ҳурмати» фахрий унвонлари, Ў.Ҳайдаров, Т.Турғунов, Т.Тулаков, Л.Зокировлар «Ўзбекистон ифтихори» унвони соҳиби ҳамдир. Қолаверса, Президентимизнинг 2000 йил 7 июндаги фармонига мувофиқ Сидней Олимпиадаси олтин медали соҳибига 100.000 АҚШ доллари, кумуш медали учун 50.000 АҚШ доллари, бронза медали учун 25.000 АҚШ долларининг тайинланиши спортчиларимизга бўлган ғамхўрликнинг яна бир кўринишидир.

1998 йил Туркияда ўтган Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциациясида ҳамюртларимиз Ғ.Раҳимовнинг АИБА ижроқўми аъзолигига, шу йил Осиё олимпия қумитасининг вице-президентлигига сайланиши, В.Шиннинг АИБА техник комиссияси аъзоси ҳамда ФААБ вице-президенти, М.Каримовнинг АИБА илмий тадқиқот комиссиясига аъзо бўлиши бу — дунё бокс уюшмаларининг ўзбек бокс мактабини тўла-тўқис эътироф этишидир. Мураббийлардан Т.Фуломов, М.Қўчқоров, С.Бутаев, Р.Тиллаев, Б.Жуманиёзовларнинг АИБА ҳакамлигига, Ш.Бадалов, А.Бекмуродовларнинг ФААБ ҳакамлигига муносиб кўрилиши ҳам боксимиз келажагининг порлоқлигини кўрсатади. Шу ўринда 2003 йил бўладиган бокс бўйича XII жаҳон чемпионатини ўтказишга тавсия қилинган мамлакатлар орасида Ўзбекистонимизнинг ҳам борлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. АИБА президенти Анвар Чаудри Тошкентда XX Осиё чемпионатига ташриф буюрар экан, шундай деганди: «Мен ўзбек заминига яна бир бор қадам кўяр эканман, ўзимни бугуни ва келажаги буюк бокс Ватанида эканимни ҳис этдим...»

## БОКСНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Бокс азал-азалдан ҳамма даврларнинг етакчи спорт тури саналган. Унинг ривожланиш тарихи қарийб беш минг йилга яқин муддатни ўз ичига олади. Бу спорт тури билан қадимда Африкадан то Юнонистонгача бўлган кўплаб миллат ва элатлар шуғулланишгани тарихдан маълум. Айниқса, қадимги Юнонистонда кўл жанги жуда оммавийлашган бўлиб, ҳатто XXIII Олимпиада (эрамиздан аввалги 688 йил) ўйинлари таркибига ҳам киритилган.

Ёзма ёдгорликлар, суратлар қадимги Юнонистондаги кўл жанги қоидалари ҳақида маълумот берибгина қолмай, машғулот услубларидан ҳам хабардор этади. Маълум бўлишича, спортчилар жангга кириш олдидан муштларини юмшоқ хом тери ёрдамида ҳимоялаганлар. Боксчилар тик ҳолатда куч синашар эканлар улардан, асосан тез ва чаққон ҳаракат талаб этилган. Юнонлар жангчиларни вазнига қараб эмас, балки қуръа ташлаш орқали жувфтликларга ажратганлар. Энг қизиғи, жанг вақти ҳам чегараланмаган бўлиб, то бир иштирокчи ютқазиб ё ҳолдан тойиб йиқилмагунча давом этаверган. Реферилар (Гелландиклар) 40 ёшдан кам бўлмаган, жанг техникаси ва услубларини пухта ўзлаштирган мутахассислар ичидан танланар эди. Реферилар жангни айри шаклдаги заранг ёрдамида бошқаришган. Спортчиларга назарий ва амалий машғулотлар етук мутахассислар томонидан махсус мактаб-палестраларда ўтилган. Палестраларнинг тўрт томони девор бўлиб, усти очиқ, ости тупроқдан иборат эди. Унинг қошида маданий ҳордиқ чиқариш учун махсус хоналар ва ўз навбатида тиббий назорат масканлари ҳам бўлган. Спортчилар машғулотларни бошларига юмшоқ теридан тайёрланган махсус ниқоб кийиб олиб бажарганлар.

Машғулот корикос (қоп, мешок)лари кўй терисидан тайёрланган бўлиб, терининг жун томони ичкарига олиниб, хурмо данаги билан тўлдирилган. Корикослар спортчиларнинг бўйи баробар осилгани ҳолда, маҳорат оширишга хизмат қилган.

Кўл жанги билан курашнинг тик ҳолатдаги усуллари умумлашуви асосида XVIII асрнинг биринчи ярмида Англияда ютуқли бокс тури жорий қилинди. Бу тур ўша даврдаги яккакурашларнинг усуллари асосида ташкил этилган. Жанглар махсус майдонларда деярли қонун қоидаларсиз, ўта кўпол тарзда ўтка-

иларди. Буни тўғри англаган цирк бошқарувчиси Ж.Браутон 1743 йили биринчи бокс қоидаларини ишлаб чиқди. Бу қоида етти қисмдан иборат бўлиб, жанг жараёнига деярли таъсир этмасди. Қоидага асосан жанг «скрэтч» ичида бошланган. «Скрэтч» — ринг маркази бўлиб, квадрат шаклда унинг томонлари 1 ярд (91 см)га тенг эди. Боксчи кучли зарб оқибатида йиқилса ёки мувозанатини йўқотса, у ярим дақиқа мобайнида секундант ёрдамида бўлса-да, «скрэтч» ичига кириб, жанговар ҳолатда туриши лозим бўлган. Акс ҳолда унга мағлубият ёзилган.

Бу қоидага бир асрга яқин бирон-бир ўзгаришсиз амал қилинди. Замонавий бокс билан унинг техникаси орасида умумийлик кам эди. Кураш элементлари, чалиш ва жангга зўр бериш асосий характерли хусусият эди. Шунинг учун ҳам рингда ҳаракатланиш тезлиги чекланарди.

Бу эса ўз навбатида боксчиларни нафақат зарбалардан, балки исканжага тушишдан ҳам эҳтиёт бўлишга чорларди.

1838 йили янги «Лондон ютуқ рингининг қоидалари» ишлаб чиқилди. Бу қоидалар 29 банддан иборат бўлиб, асосан жангни юридик томонларини, тўғрироғи жангни бошқарган шахсларнинг манфаатини ҳимоя қиларди.

Боксчилар машғулоти ҳозиргидан анча фарқ қилиб, улар унча самарали бўлмаган ютуқли бокс қоидалари хусусиятларини намён қилар эди. Одатда машғулотлар мусобақаларга уч ой қолганида бошланар ва ҳар кунги оғир меҳнатни талаб қиларди. Уларнинг асосини чидамлилиқни ошириш бўйича машқлар ташкил этар, спортчилар муштларини қотириш учун сирка, спирт, лимон шарбати каби эритмалардан унумли фойдаланганлар.

Оммавий томошалар ривожланиши билан Англия ютуқли бокси тўлиқ тадбиркорлар қўлига ўтган профессионал боксга ўрнини бўшатишга мажбур бўлди. Катта даромад олишга хизмат қилувчи томоша сифатидаги бокс эса эски қоидалар асосида ривожлана олмасди.

Устига устак қўлқопларсиз муштларнинг ўзида азобланиб, жанг ўтказиш спортчиларни ўзига кўп ҳам жалб қилмас эди. Шунинг учун 1867 йилда янги қоидалар (Квинсберри қоидалари) қабул қилинди. Бу қоидалар «ёввойилик»ларга чек қўйган ҳолда боксни спортнинг алоҳида тури сифатида тараққий этишига асос солди.

Жанг қоидаларига қатор ўзгартиришлар киритилди. Энди жанглар раундларга бўлиниб, танаффусда боксчилар дам олиб, бир оз нафас ростлаш имконига эга бўлдилар. Бу қоидаларга асосан, бокс курашнинг айрим услублари аралашуvidан ҳам халос этилиб, томошабинларни зериктирувчи суcт ҳаракатлар барҳам топгани ҳолда жанговарлиги ошди.

Биринчи мартаба юмшоқ қўлқопларнинг боксга жорий этилиши эса хавфли ҳужумлардан сақланиш, самарали зарбалар қўллаш имконини берди. Илгари яқин масофада туриб жанг олиб боришда боксчиларнинг қўллари қаттиқ лат еган бўлса, «чарм қўлқоп»ларнинг «иш»га тушиши билан бунинг олди олиниб, зарбалар салмоғи ортди. «Чарм қўлқоп» спортчиларга очколар ҳисобида ютиш имконини ҳам берибгина қолмай, оғир вазндаги кучли боксчиларнинг рингдаги якка ҳоқимлигига-да барҳам берди. Квинсберри қоидалари замонавий бокснинг профессионал ва ҳаваскор турларини ривожланиши учун асос бўлди.

## ИФТИХОР ЭТСАНГ АРЗИР

Тақдир ҳукми гоҳо нақадар бешафқат бўлса, ўз ўрнида «одамгарчилик» мезонларини ҳам унутмайди. Юртимиз бокси тарихига назар ташлар эканмиз, кимдир, қачондир, албатта бажариши лозим бўлган шарафли вазифа Сидней Ловович Жаксонга насиб этганининг гувоҳи бўламиз. Асли Американинг енгил вазндаги машҳур боксчиси бўлган бу зот биринчи жаҳон урушидан сўнг Россияда қолишга мажбур бўларкан, давр талотўплари унинг қолган умрини Ўзбекистонда утказишга мажбур этади. Ва ўз навбатида бутун бир ўзбек миллатида Бокс деган спорт турининг вужудга келишига сабабчи бўлишда олийжаноб ишни қисмат айнан унга раво кўради.

Айни кунда ўзбек бокс мактаби Жаксон бошлаган хайрли ишнинг давомчилари етук мураббийлар, доврўғи дунёга дoston боксчилари билан бемалол фахрланса арзийди. Шунинг учун ҳам 80 йилга яқин вақтни ўз бағрига олган боксимиз тарихига назар солишдан олдин унинг равнақига бевосита ҳисса қўшган фидойи инсонларни ҳам эслаб ўтишни фарз деб билдик.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳар бир мураббий учун СССРда хизмат кўрсатган устоз унвонидан юксак мартаба бўлмаган. Бундай фахрли унвонга дастлаб Сидней Жаксон муносиб кўрилган бўлса, кейинчалик юртимиздан яна уч бокс мураббийи — Юрий Бухман, Борис Гронаткин ва Алексей Дин сазовор бўлди.

Ёши улуғроқ бокс мутахассиси ва мухлислари дастлаб бокс саҳналарида истеъдодларини намойиш этиб, кейинчалик муносиб ўринбосарлар тайёрлаган ва тайёрлаётган ушбу соҳа устозларини яхши билишади: тошкентлик Боту Газизов, Михаил Франк, Борис Норкин, Найим Хуснитдинов, Алишер Қодиров, Ҳасан Муҳамедов, самарқандлик Анатолий Понарин, андижонлик Вячеслав Бойченко, Владимир Золотарев, Марс Қўчқоров ва Александр Размахов, Чирчиқдан Михаил Романчун, олмалиқлик Владимир Башкиров, Жиззахдан Шароф Худойбердиев, Фарғонадан Шавкат Қосимов, Ҳамид Турсунов, Хоразмдан М.Китобов, М.Қурбонов, қўқонлик Ф.Тожибоев, ангреник А.Цой, Хўжайлидан Маннон Очиллов...

Тошкент кадет билим юртининг мураббийи П.Машковец юртимизга биринчи мартаба 1915 йили Англиядан бир неча жуфт бокс кўлқопларини олиб келади.

1921 йилги II Урта Осиё олимпиадасида бокснинг биринчи кўргазмали жанглари намойиш этилган бўлса, бир йил ўтиб, Самарқандда худди шундай бокс «премьераси» уюштирилди.

Тошкентда биринчи мартаба 1922 йил С.Жаксон раҳбарлигида умумий кўринишдаги бокс тўгараги очилган бўлса, 1924 йилдан спортнинг барча турлари қатори бокс клуби ҳам ташкил этилди. Ўзбекистонда 1928 йил биринчи бокс федерацияси ташкил этилиб, унга 20 йилдан ортиқ Сидней Жаксон раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон боксчилари Собиқ Иттифоқ миқёсидаги дастлабки галабага 1926 йили эришди. Худди шу йили Константин Никитин (тиббиёт фанлари доктори, профессор) иттифоқ чемпионатида ярим ўрта вазнда қатнашиб, кумуш медални қўлга киритди.

Биринчи спорт усталигига Ўзбекистондан ака-ука Илья ва Рубен Давидовлар иттифоқ чемпионатининг совриндорлари бўлишгач эришдилар. Илья уч марта (1944, 1946, 1947 йиллар), Рубен эса 1945 йил, М.Франк, Т.Гороховский, А.Зисман рингга чиққан пайтда чинакамига ўзларини кўрсатишди. 1956 йили ҳарбий хизматчи В.Рязанцев энгил вазнда финалгача бориб, фа-

қатгина у ерда Санкт Петербурглик В.Стольниковга ютқазиб, Ўзбекистонга спартакиаданинг биринчи медалини олиб келди. Орадан уч йил ўтиб, ана шундай натижани Рязанцевнинг клубдоши М.Вайнштейн такрорлади. У иккинчи ярим ўрта вазн финалида Литванинг таниқли боксчиси Р.Тамулисга имкониятни бой берганди. Аммо сал олдинроқ, 1958 йили, ўзбек бокси мактаби тарбиясини олган Н.Будман ва В.Агаронов собиқ СССР чемпионати финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиб, тилга тушгандилар. Будман кейинроқ 1961 йили собиқ Иттифоқ чемпионатининг кумуш медалига, 1963 йили эса III халқаро Спартакиаданинг бронза медалига сазовор бўлди.

1963 йилги Спартакиада медалларга янада бой бўлди. Е.Шеретнев кумуш, Т.Гуломов ва А.Баранов бронза медали олди, Ўзбекистон терма жамоаси фахрли бешинчи ўринга кутарилди. Турт йил ўтгач, ўзбек боксчилари Москва Спартакиадаси рингида яна бешинчи ўринни эгаллашди. Финалда Олимпия чемпиони О.Григорьевга ютқазган Б.Ниёзов кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Н.Хромовга бронза насиб этди. Худди ана шу муваффақиятлардан кейингина ўзбек бокс мактаби чин маънода тан олинди.

1969 йил эса Р.Рисқиев, А.Қодирохунов, А.Лининг ёшлар ўртасидаги собиқ Иттифоқ биринчилигида эришган ажойиб ғалабаси билан ёдда қолди. Бир йил ўтиб, ёшлар ўртасидаги Европа чемпионатида Николай Анфимов ғолиб чиқди.

Ёш истеъодлар авлоди ичида энг порлоғи Руфат Рисқиев бўлиб чиқди. У рақибларини аниқ ва шиддатли зарбалари билан тор-мор қилиб, катта рингга мисоли бўрондек кириб келди. 1971 йили V халқаро спартакиадасида чемпион бўлди. Ушанда, финалда у россиялик В.Абрамовичдан устун келади, бунгача эса уч нафар рақибини, жумладан, бўлғуси Олимпия чемпиони В.Лемешевни ҳам муддатидан олдин мағлубиятга учратган эди.

Николай Анфимов ҳам олтин медал учун курашда украиналик М.Крахмалнийни енгди. 1970 йили собиқ СССР чемпиони деган унвонга эга бўлган тажрибали Н.Хромов (1971 йили бу натижасини яна такрорлаган) эса яна Спартакиаданинг бронза медалига эришди. Бундан ташқари Анфимов ва Қодирохунов ўша йили мамлакат чемпионати финалида рингга тушади.

Рисқиев 1972, 1974 ва 1976 йилларда мамлакат чемпионатининг олтин медали соҳиби, 1975 йилда эса Спартакиада чем-



пиони бўлди. 1974 йили Гавана рингида ўтган Жаҳон чемпио-  
натидаги иштироки унинг спорт фаолиятидаги энг баланд чўққи  
ҳисобланади. Қўли жароҳатланганига ҳам қарамай, юксак ма-  
ҳорат ва ўзига қатъий ишончи туфайли Руфат мусобақада му-  
ваффақиятли қатнашди ва жаҳон чемпиони деган шарафли ун-  
вонни олди. Унинг устозлари Сидней Жаксон, Алексей Баранов,  
Борис Гронаткинлар Руфатга: «Боксда энг муҳими зарба кучи  
эмас, балки ўйлай олишдир», деб бежиз уқтиришмаган экан.  
Финал учрашувида Руфат ўзини аямади. Ҳал қилувчи ўша жан-  
гда Рисқиевнинг шиддатли зарбаларидан сўнг руминиялик Алекс  
Нестак ҳам бу ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлди. Яна бир  
чўққи — 1976 йилги Олимпиада шоҳсупасининг юқори поғона-  
сига бир қадам қолганди. Аммо Монреалдаги финал учрашу-  
вида тошкентлик боксчи америкалик Майкл Спинксга имкони-  
ятни бой бериб қўйди. Шунга қарамай, Руфатнинг бу кумуш ме-  
дали собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон боксчиларининг Олим-  
пия ўйинларидаги энг юқори натижаси бўлиб қолди.

Тўғри, бироз воқеалардан ўзиб кетдик. Эслатиб ўтиш жоиз-  
ки, етмишинчи йилларда деярли ҳар спорт мавсуми ўзбек бокс-  
чиларига шода-шода медалларни ҳада этди.

1972 йили Н.Анфимов собиқ СССР чемпиони, И.Муллаев  
кумуш, В.Юдин ҳамда В.Куришко бронза медали соҳиби бўлди.

1973 йили В.Юдин, Р.Рисқиев кумуш, Н.Анфимов бронза  
медали билан қайтди.

1974 йилги мамлакат чемпионатида В.Куришко кумуш,  
И.Муллаев ҳамда А.Қодирохунов бронза медали олди.

1975 йили республикамиз бокс мактабининг эътирофи белги-  
си сифатида VI Спартакиада, бир вақтнинг ўзида мамлакат чем-  
пионати ҳам Тошкентда ўтказилди.

Мана ўша мусобақалар натижаси: Руфат Рисқиев — чемпи-  
он! Финалда ўзининг азалий рақиби Вячеслав Лемешевни мағ-  
луб этди; Ф.Пак ва Н.Анфимов кумуш, И.Муллаев, А.Қодиро-  
хунов ҳамда В.Юдин бронза медал совриндори. Ўзбекистон тер-  
ма жамоаси фақатгина россияликлардан кейин иккинчи ўринни  
эгаллади.

Феликс Пак 1976 йили мамлакат чемпионати шоҳсупасининг  
учинчи поғонасига кўтарилди, бир йил ўтгач эса Тошкентда буту-  
ниттифоқ миқёсида биринчилиكنи қўлга киритди. Ўз рингларида  
В.Щин ва Д.Грубовлар ҳам бронза медали соҳиби бўлишди.

Владимир Шин Тошкентда қўлга киритилган ўша медал чемпионатни юқори савияда ўтказган ташкилотчиларга совға эмаслигини жуда тез вақт ичида исботлади. 1978 йили у кумуш медал олди, 1979 йилги Спартакиадада иккинчи бўлди ва Жаҳон кубогида ғолиб чиқди. 1980 йили яна собиқ Иттифоқда иккинчи ва ниҳоят 1981 йили Владимир мамлакат чемпиони бўлди. Шунингдек, ўшанда С.Василенко ва З.Абдуқодировлар ҳам олтин медалга эришганди. Г.Могилин эса учинчи ўринни эгаллаганди. 1982 йилги жаҳон чемпионатидан В.Шин бронза медали билан қайтди, 1983 йили Спартакиада чемпиони бўлди, 1984 йили эса Лос-Анжелес Олимпиадаси бокс мусобақаларининг «муқобили» — «Дустлик» турнирида (Кубада ўтган) ғолиб чиқди.

VII Спартакиададан У.Омаров республикамизга бронза соvrинини олиб келди. VIII Спартакиадани эса С.Пинчукнинг кумуш ва С.Василенконинг бронза медали билан эслаш мумкин.


Тошкентда ўтган 1984 йилги мамлакат чемпионатида Р.Тришев чемпионлик унвони билан, Ф.Пак кумуш, О.Зокиров ҳамда С.Василенко бронза медали билан тақдирланди.

1985 йили Г.Пинчукнинг мамлакат кубогидаги зафари билан, 1986 йили эса Т.Исроиловнинг Спартакиадада қўлга киритган кумуш медали, И.Раҳимжонов ҳамда К.Раҳимовлар бронза соvrинлари билан нишонланди.

1986 йили мамлакат чемпионатида Р.Тришев иккинчи, Ф.Яковлев учинчи ўринни банд этди. 1987 йили мамлакат кубоги учун баҳсларда Х.Матчоновга тенг келадиган рақиб топилмади. Кейинги икки йил давомида у собиқ Иттифоқ чемпионатининг бронза медаллари соҳибига айланди.

Шундан сўнг саҳнага Артур Григорян чиқди. Бу янги истеъдод Л.Аҳмеджонов томонидан кашф этилди ҳамда В.Шин мураббийлигида шоҳсупанинг юқори чўққисига етиб борди. 1990 йили у мамлакат чемпионатида кумуш медал олган бўлса, И.Бунин бронза медали билан қайтди. Артур кейинги йили «Яхши Ният Ўйинлари»нинг бош соvrинига эгалик қилди. 1991 йилги мамлакат чемпионати И.Бунинга олтин, А.Григорян ва О.Маскаевга кумуш, Э.Каримовга эса бронза медалини тақдим этди.

1991 йили Минскда ўтказилган охириги Спартакиада мусобақасида Григорян чемпион бўлиб, Маскаев яна иккинчи, Х.Турсунов, Н.Султонов, Н.Отаев, М.Китобов, И.Бунинлар учинчи ўринни эгаллашди. Жамоамиз эса тўртинчи поeонадан жой олди. Григо-



1991 йили 17

8461

ряни 1991 йилни ажойиб натижа — Австралияда ўтган Жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритиш билан якунлади.

1992 йили Григорян МДХ чемпионатида муваффақият қозонди, Б.Белосаровга эса бронза медали насиб этди. Бу пайтга келиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақилликни қўлга киритиб, турли халқаро мусобақаларда ўз миллий терма жамоаси билан иштирок эта бошлаганди. 1993 йили Хельсинкидаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашган Х.Аҳмедов Мустақил Ўзбекистон жамоасига кумуш медални туҳфа этди.

«Жаҳон кубоги — 94» (Бангкок) мусобақаларида Н.Отаев, О.Маскаев иккинчи, Т.Ибрагимов учинчи совриндор бўлди. Ўша йили ўтказилган XII Осиё ўйинларида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Херосима рингида О.Маскаев ҳамда А.Авезбоев шоҳсупанинг энг баланд поғонасига чиқди, Д.Ёрбеков ва Н.Отаев бронза медали билан кифояланишди.

1995 йилги Берлинда ўтган Жаҳон чемпионати Д.Ёрбековнинг кўксига бронза медалини тақди. Худди ўша йили Осиё чемпионати биринчи марта Тошкентда ўтказилди ва қитъа чемпионатида ҳамюртларимиз илк бора қатнашишди. Унда Н.Отаев, Д.Ёрбеков, Р.Чагаевлар олтин, М.Абдуллаев кумуш ва Т.Тўлаков, К.Тўлагановлар бронза совриндори булишди.

«Атланта-96» Олимпиадасида К.Тўлаганов бронза медали ила мухлисларни шод этди.

Малайзияда бўлиб ўтган XIX Осиё чемпионати (1997 йил) ҳам ўзбек бокс мактаби нималарга қодирлигини яна бир карра исботлади. Ушбу мусобақаларда Т.Турғунов, М.Абдуллаев, С.Михайлов олтин медални қўлга киритди. А.Раҳимов, Н.Отаев, И.Бердиев, Д.Ёрбековларга кумуш медал насиб қилган бўлса, Ф.Бакиров, Т.Ибрагимов, Л.Зокиров бронза медали билан тақдирланди.

Худди шу йили Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Руслан Чагаев 19 ёшида Жаҳон чемпиони бўлганди. Бироқ профессионал жанглarda қатнашгани боис кўп ўтмай унвони бекор қилинди.

1998 йили Хитойда ўтган Жаҳон Кубоги баҳслари вакилларимиз учун совринларга бой бўлди. М.Абдуллаев ҳамда Л.Зокиров бош совринга эгалик қилди, Т.Турғунов эса финал иштирокчиси бўлди. Д.Йўлдошев, Д.Ёрбеков, Н.Отаев шоҳсупанинг учинчи поғонасига чиқишди. Ўзбекистонлик чарм қўлқоп уста-

ларининг зафарли юриши «Яхши Ният Уйинлари» (Нью-Йорк)-да ҳам давом этди. Т.Тўлаков океан ортидан олтин медал олиб қайтган бўлса, Д.Ёрбеков бронза медалини қўлга киритди.

Бангкокда ўтган XIII Осиё уйинлари чоғида эса боксчиларимиз совринлардан ажойиб «гулдаста» ясашди. Терма жамоамиз аъзолари қитъанинг энг нуфузли спорт анжуманида 3 та олтин, 4 та кумуш ва 2 та бронза медаллари соҳиби бўлиб, умумий ҳисобда иккинчи ўринни эгаллашди. Мурасасиз жангларда барча рақибларидан устун келган М.Абдуллаев, С.Михайлов, Р.Чагаев олтин медал билан мукофотланди. Финалгача мағлубиятсиз борган Т.Тўлаков, Т.Турғунов, Т.Сулаймонов, Д.Ёрбековларнинг кўксида кумуш медал жилва қилди. Н.Отаев, Л.Зокировлар эса юртимизга бронза медали билан қайтишди.

Ниҳоят, 1999 йили ўзбекистонлик бокс мухлисларининг чорак асрга тенг орзуси ушалди. АҚШнинг Хьюстон шаҳрида ўтказилган навбатдаги Жаҳон чемпионатида икки боксчимиз — Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳамда Ўткирбек Ҳайдаровлар олтин медалга сазовор бўлишди. Бу ғалабалар шарафига дунё ринги узра икки марта Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Финал иштирокчиси Турғуновга эса кумуш медал насиб этди.

Шу ўринда айтиш керакки, ўзбек бокс мактаби октябр тўнтаридан сўнггина ғойибдан пайдо бўлмаган. Унинг асослари бир неча асрдан буён мавжуд. Ўрта Осиё халқларида қўл жанги қадимдан оммалашганди. X асрнинг буюк олими Абу Али ибн Сино ўзининг «Қонун» асарида уни жисмоний машқларнинг алоҳида бир тури сифатида эътироф этаркан, инсон саломатлиги учун аҳамияти беқиёслигини таъкидлайди. Қўл жанги бўйича ҳозирги Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикаларининг шаҳар, туманларида қизиқарли мусобақалар уюштирилганини буюк саркарда, шоҳ ва шоир З.М.Бобур ҳам «Бобурнома» мемуар асарида эслаб ўтаркан, «Ўш баҳодирлари» биринчиликлари ҳам уюштирилганини таъкидлайди. Бобурнинг хотирлашича ўша давр одамлари орасида бир зарб билан отни йиқитувчилар ҳам бўлган. Шу ўринда кекса оқсоқолларнинг сўзлари ҳам эътиборга молик бўлиб, уларнинг сўзларига қараганда қўл жанги бўйича маҳаллалараро мусобақалар ҳам ўтказилган. Ғолиб «Маҳалланинг зўри» деб аталган. Ҳозир ҳам бу анъана Тошкентнинг айрим туманлари ва маҳаллаларида сақланиб қолган.

*Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ:*

## «МЕН ҲАМОН УША МУҲАММАДҚОДИРМАН»

*Муҳаммадқодирни жаҳон чемпиони,  
Муҳаммадқодир Абдуллаев қилган одам —  
отаси Муҳаммадқуб ака буладилар.*

*(Ўткирбек Ҳайдаров,*

*бокс буйича жаҳон чемпиони)*

Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ 1973 йил 15 ноябрда Андижон шаҳрида туғилган.

Вазни 63,5 кг, бўйи 171 см. «Динамо» спорт жамияти аъзоси.

Андижон Давлат Университетининг мураббийлар тайёрлаш факультети 4-курс талабаси.

1993 йилда уйланган. Умр йўлдоши Марҳабохон.

Икки қизи бор: Маҳлиёхон, Юлдузхон.

Устозлари: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий»лар Марс Қўчқоров ва Александр Размахов.

Ёқтирган боксчиси: Сеул олимпиадаси чемпиони Вячеслав Яновский.

Жаҳон ҳаваскор боксчилар ассоциацияси таснифида биринчи ўрин соҳиби (63,5 кг вазнда).

«Йилнинг энг яхши спортчиси» (Тошкент, 1999 йил) мукофоти соҳиби.

«Ўзбекистон ифтихори» (1998 йил), «Эл-юрт ҳурмати» (1999 йил) фахрий унвонлари нишондори.

15 йилдан буён бокс билан шуғулланади.

260 дан ортиқ жанг ўтказган.

Маълумот учун:

1. Усмирлар орасида собиқ Иттифоқ чемпиони (Иркутск, Саратов, 1990-1991 йиллар).

2. Ўзбекистон чемпиони (1993, 96-97-98 йиллар).

3. Жаҳон чемпионати иштирокчиси (Финляндия, 1993 йил, Таиланд, 1994 йил).

4. Осие ўйинлари иштирокчиси (Хиросима, 1994 йил).

5. Халқаро мусобақа ғолиби (Истамбул, 1994 йил).

6. Марказий Осие ўйинлари совриндори (Тошкент, 1995 йил).

7. Олимпиада иштирокчиси (Атланта, 1996 йил) 2-ўрин, Алматы, 1997 йил, 1-ўрин).
8. «Олтин Камар» халқаро мусобақаси ғолиби (1996 йил, 2-ўрин).
9. «Қирол кубоги» (Таиланд, 1997 йил, 2 -ўрин, 1998 йил 1-ўрин) ҳамда «Энг яхши боксчи» мукофоти соҳиби.
10. Халқаро мусобақа ғолиби (Эрон, 1997 йил).
11. Осиё чемпиони (Малайзия, 1997 йил).
12. Жаҳон чемпионати иштирокчиси (Венгрия, 1997 йил)
13. Жаҳон кубоги ғолиби. «Энг яхши боксчи» мукофоти соҳиби (Хитой, 1998 йил).
14. Осиё ўйинлари ғолиби (Таиланд, 1998 йил, 3-раунд нокаут).
- 15 Халқаро мусобақа ғолиби (Франция, 1999 йил, 1-раунд нокаут).
16. Жаҳон чемпиони (Хьюстон, 1999 йил).
17. XX Осиё чемпионати ғолиби (Тошкент, 1999 йил. 1-раунд).
18. Халқаро мусобақа ғолиби (Туркия, 2000 йил).
19. Ўзбекистон чемпиони (Гулистон, 2000 йил).
20. Халқаро турнир ғолиби. «Энг яхши боксчи» (Москва, 2000 йил).

Муҳаммадқодир тилёғламаликни билмайдиган тўғри сўз, дангалчи йигит. Ноҳақликни, айниқса, кундай равшан оқни қора дейишса, оловланиб кетади. Бу хислатлар унга отасидан «юққан»...

Ҳозир барча бокс мухлислари у рингга чиққанда хотиржам ўтирадилар. Қалбларидаги аввалги «Ишқилиб ютсин-да...» хавотирини «Албатта, ютади!» деган ишончга алмаштиришган. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Финалда Муҳаммадқодирга қарши бокс саҳнасига кўтарилган корейлик Сунг Бум Хванг биринчи раунднинг бошидаёқ моҳирона берилган икки-уч аниқ зарбага нишон бўлгач, устозлари унинг унсиз тилагини ҳис этиб, рингга оқ сочиқ иргитишди...

Ғалабадан қувонган ишқибозлар корейсдан бир оз норози ҳам бўлишди. Ахир у мухлисларни чиройли ғалабани кўришдан эрта «маҳрум» этганди-да. Муҳаммадқодир ғолиблик удумларини бажаргач, ҳар галгидек ринг уртасига чуккалаганча Яратганга сажда қилди.

*Муҳаммадқодир, ажойиб галабангиз билан табриклаймиз.*

— Раҳмат.

— *Айтинг-чи, чет элдаги мусобақаларга қараганда буниси энгил кечдимми? Ҳар қалай уз юртингиз, ота-онангиз, дуст-ёрларингиз шу ерда. Айтишади-ку. «Ҳа деган, туяга мадад», деб.*

— Албатта, уз ватанингда куч синашишга нима етсин. Ҳар жангдан сўнг улар билан бирга бўласан. Бироқ бунинг нозик томони ҳам борки, уларнинг «Ҳа, ҳа, Муҳаммадқодир», «Ўзбекистон» дея далда берганидан руҳланиб кетиб, гоҳо ҳужумга уринсиз зўр бериш оқибатида «очирилиб» қолишингиз ҳам мумкин. 1995 йил Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида шундай «Ҳа, ҳа»лар ҳамда ўзимга бироз ортиқча ишонишим оқибатида Мўғулистон боксчисига ютқазиб, бундай далдалардан озроқ чўчиб ҳам қолганман. Четда бўлса, бундай «кўзлар», «овозлар» йўқ. Ақлни пешлаб ишлайверасан.

— *Қатор йиллардан бери голиб булаяпсиз. Сизнинг-ча галабаларингиз сири нимада?*

— Аввало омад, яна ўз устимда тинимсиз изланиб, меҳнат қилишимда, бузуқ йўллардан юрмай, пок юриб, ибодатни канда қилмаслигимда, деб биламан. Шу ўринда бизнинг Андижон бокс мактабига ёрдамини аямаётган АИБА ижроқўми аъзоси, Осиё Олимпия қўмитасининг вице президенти Ғофур ака Раҳимовга чуқур миннатдорчилик билдираман.

— *Боксчилар ҳам шоҳмат донасидек оқ ва қора йўллардан утади. Сизнинг бокс фаолиятингиздаги «энг ойдин» ва «энг қора» кунлар қайси?*

— Биринчи устозларимдан Турдиали Ўзғуновнинг «Сендан боксчи чиқади», деган башоратини ойдин йўлларимнинг учқунни деб ўйлайман. Хитойда 1998 йил ўтказилган Жаҳон кубоги учун олиб борган жангимни эса омадли юришларимнинг биринчиси деб биламан. Бу ерда голиб бўлиш билан бирга, «Энг яхши боксчи» соврини эгаси ҳам бўлдим. «Қора кун»га келсак, тўғриси у кунни эсласам асабим бузилади. Жаҳон биринчилигига саралаш мусобақасида фарғоналик Тошматовни ютсамда, галабани беришмаган. Аламимдан йиғлаб: «Э, боксниям...» деб ташлавормоқчи бўлган эдим ўшанда.

— *Юртимизда ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг барчасига эга бўлиш, яна Жаҳон чемпиони ва қатор унвонлар булгач, Муҳаммадқодир «ўзгариб» кетмаяптими? «Пул, мол-дунё одамни бузади» дейишади.*

— Эҳтимол кийинишим ўзгаргандир, яна машинангиз туриб велосипедда юрмайсиз-ку. Кимларгадир ўзгаргандек туюларман. Илгари сўкинсанг ҳам эътибор беришмасди. Ҳозир сал овозингни кўтарсанг, «Чемпион бўлиб керилиб кетган» дейди. Манманликни ёқтирмайман. Эртага одам нима бўлишини билмайди-ку. Бугунги омад эртага борми, йўқми, Худо билади. Асосийси, элнинг назаридан қолмаслик керак. Орзуларим ушалиб турса, қўлимдан келганича ночор оилаларга ёрдам бериш ниятидаман. Бу борада, қадрдон дўстим Илҳомжон Қодиров (Айтишларича, булар Ҳасан-Хусандек эканлар) менга мададкор бўлади. Хуллас, мен ҳамон ўша Муҳаммадқодирман.

— *Купчилик ёшлар шаҳарга шошиладилар. Тошкентга келиш ниятингиз борми? Ҳар қалай имкониятингиз етарли...*

— Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганман. Сабаби, битта ўғилман. Ота-онамнинг олдида, уларнинг розилигини олиб яшашим керак. Онанинг биргина, «ўғлим» деган сўзига ҳеч нарса етмайди. Бу қайтар дунё-ку. Мен ўзимни ўйлаб, уларни ташлаб кетсам, вақти келиб фарзандларим мени ҳам ташлаб кетиши аниқ.

— *«Аёллар йили» сиз учун омадли келди дейиш мумкин. Умуман, қандай аёлларни ёқтирасиз? Сизга ҳавас қилиб, Муҳаммадқодир деб исмлланган болаларга тилакларингиз?*

— Гапингиз тўғри. Аёллар йилида мусобақага кетиш арафасида, Тошкентда эканимда қизим Юлдуз туғилди. Унинг қадими қутлуғ келиб, Франциядаги халқаро мусобақанинг финалида 1-раунддаёқ ғолиб чиқдим. Кейин Хьюстонда, ушбу XX Осиё чемпионатида... Ёқтиришимга келсак, шарқликларга хос ҳақиқий ўзбекона кийинган, илмли, юзидан нур ёғилиб турган аёлларни, қизларни ҳурмат қиламан. Уларнинг алоҳида хрилатларини ажратиб кўрсата олмайман. Гўё бунда камситиб кўядигандай бўламан. Улар ҳар томонлама мукамал аёллардир. Шунинг учун машинада кетаётганимда бу каби аёлларни кўрсам, (пул учун эмас) манзилига элтиб кўяман.

Адашларим — менга ҳавас қилган укаларимга эса соғ-саломат улғайиб, юртимизнинг иймонли, эътиқодли фарзандлари бўлишини тилайман.

— *Сунгги савол: Сир бўлмаса, келажакдаги режаларингиз қандай?*

— Бир вақтлар Сеул олимпиадаси чемпиони Вячеслав Яновскийга ҳавас қилгандим, вазни ҳам мен каби 63,5 кг. Насиб этса,



ўшандек 2000 йилда Сидней Олимпиадаси чемпиони бўлиб, Ўзбекистонимиз байроғини дунёга кўз-кўз қилиш. Қолаверса, Франциядан таклифлар бор. 2000 йилдан сўнг профессионал боксга ўтиш ниятим ҳам йўқ эмас.

**Муҳаммадқуб Абдуллаев.** 1948 йил 18 июнда Андижон шаҳрида туғилган. Касби ҳайдовчи.

**Маҳфиратхон Абдуллаева.** 1953 йил 20 январда Андижон шаҳрида туғилган. Уй бекаси.

5 фарзандлари бор: Муътабархон, Муҳаммадқодир, Муқаддамхон, Раънохон ҳамда Донохон. Етти набиранинг суюкли бува ва бувиси.

— *Муҳаммадқуб ака, аксарият ота-оналар оилада ёлғиз ўғил бўлса, еру-кукка ишонмай, эркалатиб катта қиладилар. Сиз эса аксинча, спортнинг бир оз «ваҳшийроқ» турини ёлғиз ўғлингизга раво кўрибсиз?*

— Менимча бу, аввало тақдир, Яратганнинг иродаси. Эҳтимол, дадам раҳматли (иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Чўянқори ота)нинг сўзига фаришталар «омин» дейишгандир. У киши Муҳаммадқодирни гўдаклигида биринчи марта қўлига олиб: «Полвон йигит бўлади, кўрасан», деганди. Қолаверса, ўзим ҳам ёшлиқдан боксга қизиқардим. Латта қўлқоплар кийиб, кўчаларда болалар билан мусобақа қилардик. Ҳеч эсимдан чиқмайди. 1974 йил Муҳаммадқодир бир ёшга тўлган, телевизорда Руфат Рисқиев қўли синган ҳолда жаҳон чемпиони бўлган эди. Ҳамюртимизнинг матонатига, жасоратига қойил қолиб, ўшанда ният қилдим: «Ўғлимни катта бўлса, албатта боксчи қиламан», деб. Ун ёшдан ўтгач, «Спартак» (ҳозирги «Наврўз») бокс тўғарагига қатнай бошлади. Кейин 1987 йили Андижон спорт билим юртига (РОЎБЮ)га олиб бордим.

— *Айтишларича, сиз ҳам ота, ҳам устоз экансиз. Тайёргарликни қандай олиб борасизлар?*

— Ўғлимни ёшлигидан мусобақаларининг аксариятини кузатгани борардим. Уйга келгач, камчиликларини, ким билан қандай усулда жанг олиб бориш кераклигини уқтирардим. У бу даражага етгунча қанча кўрпа-тўшакларнинг бошига етганмиз. Уйимизда неча йилги бокс ёзилган видео кассеталардан тортиб, янгиларигача бор. Биз ҳар бир боксчининг услубларини таҳлил қилиб, янги услублар ишлаймиз. Шу кунларда ҳам Муҳаммадқодир янги усулимизни икки бор қўлади.

— *Халқимизда: «Устоз бўлиш осон, уни сақлаб қолиш қийин» деган нақл бор. Сизнинг-ча, бокс мураббийи қандай бўлиши керак?*

— *Ўз ўрнида қаттиққўл, ўз ўрнида юмшоқ, яъни руҳшунос бўлиши керак. Машқ жараёнида, албатта қаттиққўл бўлгани маъқул. Бироқ мусобақада омад деган нарса ҳам бор-да. Омадингиз келиб, ютсангизу мақтовчилар истаганча топилади. Лекин бой берсангиз-чи? Худди шу пайт мураббий: «Ҳе, ютқазиб ўтирибсан, ундоқ қилиш керак эди, бундоқ қилиш керак эди», демасдан юмшоқлик билан шогирдининг кўнглини кўтариши керак. Чунки боксчи шусиз ҳам тоғнинг остида қолди-ку. Ким ҳам ишлаб-ишлаб, мағлуб бўлишни истайди. Ахир, «Йиқилганни тепма» дейдилар.*

— *Муҳаммадқодир бир думалаб чемпион бўлгани йўқ. Вақтида мағлубиятлардан ҳам «бенасиб» қолмаган. У бу икки қарама-қарши «қутбда» ўзини қандай тутади?*

— *Ҳақиқатан ҳам, ҳалол мағлуб бўлса, гарчи ичида эзилса ҳам, гашида унча билдирмайди. Фақат ўша йўл қўйган хатоси устида қайта-қайта ишлайди. Тайёргарликни олдингидан-да уйда ҳам, залда ҳам кучайтиради. Аммо бир гал — 1995 йили Фарғонада ўтказилган Жаҳон биринчилигига саралаш мусобақасида ноҳақ қақшаб, йиғлаганди. Ўшанда бунинг ютгани аниқ бўлса ҳам, рақибининг қўлини кўтаришгач, бир зумда Муҳаммадқодир залда йўқ бўлиб қолди. Хавотир олиб ташқарини изласам, боғнинг бир четида йиғлаб ўтирган экан. Гарчи ютса-да, икки пул қилиб, оқни қора деганидан менинг ҳам ичиб йиғларди. Начора, ўзимга ҳам, унга ҳам далда бердим: «Ҳе, ошна (бир ўғил бўлгани учун ҳазиллашиб ошна дейман) нега йиғлайсан, сен ахир ютдинг-ку. Келаси йил энди, бутунлай ҳаромга йўл қўймайдиган қилиб, чўзилтириб қўясан». Ютганда эса умуман кеккаймайди. Ҳавойилликнинг оқибатини ёшлиқдан яхши тушунган. Жаҳон чемпиони бўлса ҳам илгаригидек ёшу қарига бир хил муомала қилади. Шунинг учун ҳам маҳалла болалари уни яхши кўриб, уйимиздан аримайди. Бир куни қизиқ воқеа бўлди. Уйга келсак бир дўхтир ўғли билан келган экан. Меҳмондорчиликнинг расм-русумини қилдик. Муҳаммадқодир қўлига сув қуйди, анча гаплашиб ўтирдик. Сиздек бўлиб юрсин, дея ирим қилиб, Муҳаммадқодирга ўғлининг пешонасини бир силатгани келган экан. Кетар чоғи ёрилиб қолди: «Тўғриси, ўғлингизни қўлимга сув қуйиши тугул бизни менсимайди ҳали, Жаҳон чем-*

пиони бўлса... деб минг хил хаёл билан таваккал қилиб келавергандик. Соддалигига қойилман».

— Устоз, бир бокс мухлиси сифатида айтинг-чи, ўглингиз муваффақиятларининг боиси нимада, деб ўйлайсиз?

— Аввало, юртимизнинг мустақил бўлганида. Сабаби, минг иқтидорли бўлса ҳам собиқ Иттифоқ даврида Москвадан нарига ўтолмасди. Қолаверса омад, ўз устида тинимсиз ишлаши, чемпионман деб ўзига бино қўймаслигида деб биламан.

— *Муҳаммадёқуб ака, сизнингча бокс нима?*

— Илгари бокс ўғил болани мард, оғир, босиқ қилади деган хулосада эдим. Энди яна шуни билдимки, бокс турли миллатларни дўст қилувчи бир восита ҳам экан. Одам айниқса, ўғил болалар урушиб дўстлашса, жуда қалин дўст бўлади. Шу кунларда бунга яна гувоҳ бўлиб турибман. Ринг ортида турли миллат боксчилари жуда бир-бири билан иноқ дўст экан. Бизни Муҳаммадқодирнинг ота-онаси эканлигимизни билиб, худди эски қадрдонлардек кўришиб, тайвандликлар эсдалик нишон, малайзияликлар эса дўппи совға қилишди.

— *Маҳфиратхон ая, дастлаб боксга боришга қаршилик қилмаганмидингиз? Ҳар қалай битта ўғил.*

— Дадаси боксни яхши кўргани учун қаршилик қилмаганман. Унинг устига ёлғиз ўғил, ҳар кимдан туртки емасин, тетик бўлсин дегандим.

— *Ўглингизнинг ҳар бир жангини кўриб бордингиз. Жангда Муҳаммадқодирга ҳам уз навбатида зарбалар тегади. Онасиз, қийин эмасми?*

— Ҳозир кўниқиб қолдим, олдин зўрга кўрардим, лекин барибир қийин. Кўрмай десам ўғлим, ғалаба қилишига ишонганим учунми, ўтираман. Менинг ҳолимни ўғли боксчи бўлганлар яхши тушунадилар. Қолаверса, шундай ўғлим борлигидан хурсандман.

Чемпионат давомида Муҳаммадқодир («Ўзбекистон» меҳмонхонасининг 0818-хонасида Т.Тургунов иккаласи яшади) билан бир неча марта суҳбатлашдик. У оғир-босиқлиги, вазминлиги, дунёга, одамларга қарашлари ҳамда чемпионликнинг «Совуқ ҳавосига» бепарволиги ила бизни «аср» этганди. Амир Темур хиёбони аро сарғайиб тўкилган хазонларни аста эзиб борар эканмиз: «Инсон ҳам бир дарахтдай экан. Бир кўкарасан, бир сарғаясан, лекин одамларнинг рангинга қараб муомала

қилишидан хафа бўлиб кетаман. Йигитчилик, бир қизни ёқтириб қолгандим... Хуллас, пул топилар экану кўнгилда алам, армон қолар экан», дейди у бир гал ўйчан. Гаплашиб борар эканмиз бир таниш боксчи ёдимга тушди. У анча иқтидорли, бақувватгина эди. Бир-икки вилоят, республика голиби бўлди-да, оёғи ерга тегмай қолди. Кейин бир мусобақада қаттиқ жароҳат олдию, бутунлай боксдан кетишга мажбур бўлди. Эҳтимол, Муҳаммадқодирнинг боксдаги муваффақиятларининг бир томонига шу характери сабабдир. Бобомиз Ҳазрати Алишер Навоий айтганидек, «Эл ичра юқори турмоқдин, эл ичра турмоқни юқорй билганидир». Инсон туғилганида унинг пешонасига ким бўлиши аввалдан ёзиб қўйилади дейдилар. Биз тақдири азалнинг Муҳаммадқодирга атаган ёзмишини бандан ожизлик ила бундай бўлишини жуда-жуда истадик: **«ФОЛИБ БОКСЧИ БУЛАСАН ВА БУ ФОЛИБЛИКДА МУҚИМ ТУРАСАН».**

*Ўткирбек ҲАЙДАРОВ:*

**«ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ»**

*Ўткир меҳнаткаш, ўз устида излашидан қочмайдиган йигит. Бу фазилатлар уни жаҳон чемпиони деган юксак мақомга элтгани шубҳасиздир.*

*(Муҳаммадқодир Абдуллаев,  
бокс бўйича жаҳон чемпиони)*

**Ўткирбек ҲАЙДАРОВ** 1974 йил 25 январда Андижон шаҳрида туғилган. Вазни 75 кг, бўйи 178 см. «Динамо» спорт жамияти аъзоси. «Ўзбекистон ифтихори» (1999 йил) фахрий унвонни соҳиб. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Андижон Давлат Университетининг мураббийлар тайёрлаш факультети 3-курс талабаси.

Устозлари: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» (1999 йил)лар Марс Қўчқоров ва Александр Размахов.

Ёқтирган боксчиси: Жаҳон чемпиони Муҳаммад Али.

Оилада: Ферузахон, Умиджон, Нозимжон, Мунираҳонларнинг суюкли акаси.

1981 йилдан бокс билан шуғулланади.

Маълумот учун:

1. Ўзбекистон чемпиони (1996-98 йиллар. 1997 йил, 2-ўрин).
2. Халқаро мусобақанинг кумуш медали соҳиби (Бишкек, 1996 йил).
3. Ўзбекистон мустақиллиги кубоги ғолиби (1997 йил).
4. Ўрта Осиё чемпионатининг кумуш медали соҳиби (Алмати, 1997).
5. «Қирол кубоги» (Таиланд, 1997 йил, 3-ўрин совриндори)
6. Халқаро мусобақанинг бронза медали соҳиби (Махачкала, 1998 йил).
7. Кучлилар турнири ғолиби (Тошкент, 1999 йил).
8. Жаҳон чемпиони (Хьюстон, 1999 йил).
9. Халқаро мусобақа ғолиби (Таиланд, 2000 йил).

Унинг бир одати бор: қаерда муҳтож одам кўрса, албатта кўнглидан чиқариб пул беради. Қизиқсангиз, шундай жавоб оласиз: «Яратган бизни қўллапти, биз ҳам ночорни сийлайлик-да».

Ҳадисда Оллоҳ таоло ҳимматли одамни улуғлажаги кўп бор таъкидланади. Эҳтимол, кўпчилик ўйламаган бир пайтда Ўткирбекнинг момақалдироқдек гулдурас солиб, Жаҳон чемпиони бўлиши шу хислати боисдир.

Шу ўринда бокс мухлислари Хьюстон шаҳридаги Жаҳон чемпионатининг финалида рўй берган ушбу воқеани ҳам яхши эслашади...

Биринчи раундда устунлик қилган Ўткирбек иккинчи раундда рақиби билан тенглашиб, ҳатто айрим вазиятларда сустликка ҳам йўл қўя бошлади. Бу ҳолдан устознинг хуноби ошди: «НАҲОТКИ, ЮТДИМ ДЕГАНДА... ЙЎҚ. АСЛО...»

Иккинчи раунд тугади. Марс Қўчқоров унинг ёнига чиқаркан, бутун қалб тугёнларини бир сўзга жамлаганча Размахов назоратидаги шогирдига таҳдидли овозда бақирди: «ЎТКИР!!!» У мураббийига қараганча қотиб қолди. Устозининг кўзларига ушбу сўзлар ўйилганди: «НИМА, ЮТҚАЗМОҚЧИМИСАН?... НЕГА?... НИМАГА?... АХИР...» Охири таъна-да қилди: «СЕНИ ҚИЙНАШГАНИНИ, ТЎККАН ЁШЛАРИНГНИ, НАҲОТКИ УНУТДИНГ, ЎТКИР?!!» Шогирд ерга боқди. Мусобақага келиш олдидан кўрган ноҳақликларини бир-бир кўзи ўнгидан ўтказар экан, терларига кўшилиб оёғи остига тушаётган кўз ёшларини-да сезмади...

Гонг чалинди. Ўткирбек ўрнидан тураркан, ёшли кўзларини устозига тикди-да, кўлқопларини бир-бирига қаттиқ уриштирди. Устознинг қайғуга ботган юзларида синиқ табассум сезилди. Чунки Ўткирбек унга шундай деганди: «ЎЛСАМ ҲАМ ЮТАМАН, МАРС ГАЛИЕВИЧ!!!»

— *Ўткирбек, суҳбатимизни боксга кириб келишингиздан бошласак.*

— Дадам раҳматли (Абдужалил акани Оллоҳ ўз марҳамати-га олган бўлсин) боксга жуда қизиққан одам эди. Дадам туфайли мен бокс дунёсига кириб келдим десам тўғри бўлади. Эсимда, 1-синфда эканимда 11-мактабдаги бокс тўғарагига ўзи етаклаб борганди. Кўп ўтмай ёш болалигим сабаблими тўгаракка бормаи кўйдим. Дадам буни тушунгани учун бўлса керак, 3-синфга ўтганимдан сўнг ҳақиқий бокс манзили ЖУИ-2 га, ажойиб инсон, биринчи устозим Раҳим ака Каримовга олиб борди. Мен бокснинг илк сирларини шу ерда ўргандим. У даврларни эсласам устозимнинг сабр-қаноатига қойил қоламан. Чунки мен ёшлигимда жуда шўх бола бўлгандим. Раҳим ака барча шўхликларимга чидаб, эҳтимол чиндан боксчи бўлиб етишишимга кўзи етганидандир шахсан ўзи 1988 йили Андижондаги спорт билим юрти (РОЎБЮ)га олиб борганди. Бу ерда Валентин Антонович Золотарёв кўлида машғулотларни давом эттирар эканман, бокснинг ҳақиқатда нима эканлигини тушуна бошладим.

— *Сиз Тошкентдаги XX Осиё чемпионатида жароҳатингиз сабаб қатнаша олмадингиз. Ҳозирда соғлигингиз қандай? Умуман, чемпионатдан кўнглингиз тўлдими?*

— Сал асоратини айтмаса, соғлигим яхши, машғулотларни давом эттираяпман. Чемпионатга келсак, жуда кўтаринки руҳда ўтди. Илгариги Осиё чемпионатида биригина бизнинг Андижондан икки киши юрган бўлса, бу сафар тўрт кишининг ғолиб бўлиши қувонарли ҳолдир. Фақат ўзимнинг шундай ажойиб мусобақада қатнаша олмаганим армон бўлди.

— *Кечирасизу сиз кўлаб бокс мухлисларининг назарига Хьюстондаги чемпионатдан сўнг «ярқ» этиб кўзга ташландингиз?*

— Албатта, ҳар бир нарсага нисбатан поғонама-поғона қарасак; боксчи ва умуман спортчи учун жаҳон чемпиони деган унвон энг юксакларидандир. Шунинг учун мухлисларга танилишимдан ажабланмаса ҳам бўлар. Қолаверса, гарчи эрта боксга бориб, анча-мунча (ўсмирлар орасида Ўзбекистоннинг икки

марта кумуш медали, катталар ўртасида бронза медали соҳиб-би) натижаларга эриша бошлаганимда 1993 йил дадам тўсатдан оламдан ўтдилар. Мен оиланинг катта фарзанди бўлганим учун вақтинча боксдан кетиб, оила юмушлари билан машғул бўлишга мажбур бўлдим. Бу орада укаларим Умиджон ва Нозимжонлар (дарҳақиқат, улар ҳам спорт мактабини бокс мутахассислиги бўйича битириб, ака изидан бормоқдалар) ҳам катта бўлиб, оқ-қорани ажрата бошлагач, 1996 йилдан устозим Марс Галиевич қўли остида машғулотларни бошладим ва шу йилпёқ Ўзбекистон чемпиони бўлдим.

— *Айтишларича, жаҳон чемпионатиغا қийинчилик билан кетган экансиз?*

— Чемпионатга қийинчилик билан кетганлигим рост. Жаҳон чемпионатиغا саралаш мусобақасида биринчи ўринни олсамда, яна илгаригидек қолаётгандим. Бормасам яна икки йил кутишим керак. Кетувчилар сафар олди машғулотларини давом эттираётган бир пайтда бокс раҳбарларидан бири мени асосий боксчилар шуғулланаётган жойдан, «Сен формада эмассан» дея тушириб, заҳирага қўшиб қўйди. Мен ҳақимда: «Домашний боксёр» (Уй боксчиси) деган гап ҳам чиқарибдилар. Хуллас, ҳафсалам пир бўлиб, бир кўнглим бу сафар ҳам қолсам, боксдан бутунлай кетаман дердим. Бахтимга тоғам Остонақул Мирзаевнинг, АИБА ижроқўми аъзоси Ғофур Раҳимовга, ҳомийларимиз Ме-васабзавотузумчилик саноати директори Миробид Маҳмудовга мурожаати туфайли чемпионатга 10 кун қолганда борадиган бўлдим. Лекин бир нарсдан жуда-жуда хурсандманки, менинг вазнимда кучли боксчилар кўп бўлишига қарамай, ярим финалда россиялик Евгений Казанцевни, финалда руминиялик Адриан Дианковларни енгиб, «дўстларимга» улар ўйлагандек боксчи эмаслигимни кўрсатиб қўйдим. Шу ўринда уларга ўз миннатдорчилигимни билдиришни ҳам истардим. Аввало омад, қолаверса уларнинг менга нисбатан тутган йўлидан газабланиб, кўнглимда: «Албатта, чемпион бўламан!» деган ўт ёнарди. Шунинг учун ярим финалга йўлланма олиш учун италиялик боксчи билан олиб бораётган жангимда чап қўлимнинг суяги ҳамда чап қулоғимнинг пардаси ёрилиб азобласа-да, минг бир қийинчиликка чидаб, юртимга ёруғ юз билан қайтдим.

— *Ўтқирбек, сизнингча боксчини қайси хусусиятлар галабага етаклайди?*

— Аввало, галаба бу омаднинг келгани, омад эса ўз-ўзидан келмайди. Тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, унга бир томондан тинимсиз меҳнат, изланиш, яхши ниятлар ила Яратгандан имон тилаб, эътиқод орқали эришилса, иккинчи томондан эл-юрт, маҳалла-кўй билан ҳамжиҳат бўлиб, уларни, ота-онани ҳамда устозларнинг дуосини олишликда деб биламан. Халқимизнинг: «Олтин олма, дуо ол» мақоли мен учун шиор. Бу борада, айниқса, онанинг дуосини олиб юришлик, муҳимлардан муҳимидир. Қаранг, мен жаҳон чемпионатига бормайдиган бўлиб, кўчадагилар тугул уйдагиларнинг ҳам бир оғиз гапи ёқмай юрган пайт... Бир кун онам нонушта қилаётиб, секин гапириб қолди: «Болам, кўп сиқилаверма, Худо хоҳласа мусобақангга борасан, ютасан ҳам. Тушимда эшигимизнинг олдида иккита янги машина турганмиш. Бу кимники десам, менга беришди депсан. Калити йўғ-у десам, калитини энди беришади дермишсан».

Мен онамнинг тушига бир оз шубҳа билан қарасам-да, кўнглимнинг бир чеккасида умид учкунлари пайдо бўлди. Балки, онамни қаттиқ ҳурмат қилиб, унинг розилигини олиб юрганым учун фарзандининг тақдири тушида аён бўлгандир. Хуллас, фарзандларнинг ким бўлишидан қатъий назар, униб-ўсиши учун ота-она розилигининг аҳамияти беқиёс.

— *Устоз ва шогирдлик муносабатларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз?*

— Устозим Марс Галиевич билан ота-боладекмиз. У киши ҳам, аёли Сония опа ҳам мени ўзларининг катта фарзанди деб биладилар. Кўп вақт уларнинг уйида бўламан. Марс Галиевич билан ҳаётдаги муаммоларни ҳам биргаликда ҳал этамиз. Ноҳақ қаршиликка учраб, руҳим тушган пайтим, меҳрибонлик билан: «Ўтқир, сен яхши ният билан меҳнат қиляпсанми, албатта ниятингга етасан», — дейди.

Устозим нафақат уста мураббий, у ажойиб инсон ҳамдир.

— *Бу дунёда ҳеч ким мукамал эмас. Сиз ўзингизни ҳаётда ҳамда боксда қандай камчиликлари бор деб ўйлайсиз?*

— Саволингиз ўринли. Инсон яралибдики, унинг табиатида қарама-қаршиликлар мавжуд. Фақат одам ўзига нисбатан танқидий кўз билан қарасагина мукамаллашиб боради. Табиатимда бир оз қайсарлигим бор. Бир нарсани қиламан дедимми, қилишим керак. Боксда эса рақибимга зарбани берибоқ, яна ортимга тез қайтолмай, баъзан қучоқлаб оламан.



— *Кўзга кўринган боксчи, бунинг устига бўйдоқ йигитсиз. Телефонингиз қизларнинг дастидан «қийналиб» кетмаяптими?*

— Албатта, телефонлар бўлиб туради. Агар самимий муомала қилиб мен, боксчи дўстларим ва умуман, бокс ҳақида бирор нарса билмоқчи бўлса, бажонидил жавоб бераман. Афсуски, баъзан кам бўлса-да, бўлиб турадиган енгил қиз-жувонларнинг гапига чегарадан ўтмаёқ нуқта қўяман. Гарчи йигит кишига (айниқса, бўйдоққа) қизларнинг қўнғироқ қилиши ёқса-да, бу борада халқимиз қизларининг ўзини тута билишлигидан хурсанд бўламан.

— *Ўтқирбек, қандай қизни умр йўлдошингиз бўлишини истайсиз?*

— Ўқиган, диний ҳам дунёвий илмли, пазанда, айнақса, ширинликларга уста қизларни ёқтираман. Оилада фарзанд тарбияси билан кўпроқ оналар машғул бўлгани учун маълумотли қизлар бола тарбиялашда тажрибалироқ бўлишади деб биламан. Тикип-бичишни билиш ҳар бир қиз учун шарт деб ҳисоблайман. Мол-дунё, машинадан нарини кўрмайдиган қизлардан Худо сақласин!

— *Хорижий давлат бокс уюшмаларидан таклиф бўлса кетармидингиз?*

— Хитой ҳаваскор боксчилар уюшмасидан таклиф этишиб уй, машина, яхшигина пул ваъда қилишди. У ерга борсам, уларнинг юрти шарафини ҳимоя қилишим, уларнинг байроғини кўтаришим керак бўлади. Ниятим, Сидней-2000 Олимпиадасида юртимиз байроғини кўтариш. Шунингдек, Канада, Франция, Германия давлатларидан профессионал бокс клубларига таклиф қилишган. Насиб этса, кейинроқ ўтиш ниятим бор.

— *Бокс мухлисларини жаҳон чемпиони бўлганингиздан кейинги даромадингиз қизиқтириши табий.*

— Чемпион бўлганим учун мукофот тариқасида вилоят ҳокимияти томонидан «Нексия» автомобили ҳамда Президентимиз томонидан 10000 АҚШ доллари берилди, қолаверса Олимпиадчилар тайёрловчи марказ (ЦОП)дан, ҳомиймиз Мевасабзавот узумчилик саноати (директор Миробид Маҳмудов)дан моддий рағбатлантирилганман.

— *Мана шу кунларда Ҳизр бувани учратиб қолсангиз нима ни тилардингиз?*

— Биринчи бўлиб юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик сўрардим. Ва албатта, ўзимни, қолаверса ҳар биримизни ий-

монли-эътиқодли инсон бўлишимизни, онамнинг ва бутун Ўзбекистонимиз оналарининг фарзандлари бахтига соғ-саломат бўлиб юришларини ўтиниб-ўтиниб сўрадим.

— *Маълумингизким, 9 январь Ўзбекистон Президентлигига сайлов куни. Сир бўлмаса, қайси номзодга овоз бермоқчисиз?*

— Сўзсиз Президентимиз Ислоҳ Каримовга овоз бермоқчиман. Мана ўн йиллардан буён юртимизни бошқариб келаётган Президентимиз қандай сиёсат олиб бораётгани барчамизга аён. Юртимиз равнақини ўйлаб, юракдан куюниб айтаётган сўзлари ақли расо, онгли фикрловчи ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига у кишининг номзодини ёқлаб овоз бериши учун етарли деб ўйлайман.

— *Сўнги савол. Ўткирбек, биз сизга соҳангиз юзасидан ҳар хил саволлар бердик. Сизнинг бизга, қолаверса барча спорт журналистларига қандай саволингиз бор?*

— Мен сизларга ва сизлар орқали барча спорт журналистларига савол эмас, саломатлик тилайман. Сиз билан кечадан бери бирга юриб билдимки, бу касб мен ўйлагандан ҳам қийинроқ экан. Турли кишилар билан уларнинг кўнглига қараб, кайфиятига мос тарзда муомала қилиш осон эмас. Сизларга бу йўлда сабр-тоқат, омад тилайман.

**Хосиятхон Ҳайдарова**, 1956 йил Андижон шаҳрида туғилган. Уй бекаси. Беш фарзанднинг онаси ва бир набиранинг бувиси.

— *Хосиятхон ая, одатда ўзбек оиласида фарзанд туғилса, исмини кўпинча кимгадир ҳавас қилиб қўйишади...*

— Дадаси раҳматли троллейбус ҳайдовчиси бўлса-да, адабиётга кўнгил қўйган одам эди. Ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг асарларини, гапиришини яхши кўргани учун унамаслигимга қарамай Ўткир қўйди. «Эпчил, ушлаган жойини кесадиган бола бўлсин», деганди раҳматли.

— *Боксга ҳам ўзлари олиб борган эканлар...*

— Ҳа, дадаси боксга жуда қизиқар эди. Ўзи қизиқса-да, имкони йўқ учун боксчи бўлолмаганидан армонда экан. Бунинг устига Ўткирбек туғилган йили Руфат Рискўев жаҳон чемпиони бўлиб, кўпчилик қатори бу воқеа дадасининг қизиқишини янада ошириб юборди. Ҳали Ўткирбек юриб-юрмай кафтларига туфлаб: «Бокс, бокс» дея ҳар куни эркалатиб қўяр эди. Баъзан бу кунларни олдиндан билгандай: «Катта бўлсанг, Руфат Рискўевдай чемпион бўласан-а, ўғлим?» деярди. Тақдирни қаранг-

ки, орадан 25 йил ўтиб, айнан Руфат Рисқиевнинг ёшида Ўткирбек ҳам чемпион бўлди. Ўткирбекнинг ютганини эшитдим-у, кўзимга ёш келиб, дадасини ўйладим. Ўғли чемпион бўлганини бир кўрганда эди...

— *Ўткирбек оилада катта ўғил экан, келин туширишига оши-қайтгандирсиз?*

— 3-4 йилдан буён ана-мана деб, тўйни орқага суриб келади. Насиб этиб, Олимпиадада ютиб келса, уйланишга ваъда берган. Қизни ҳам мўлжаллаб қўйганмиз. Худо хоҳласа, ҳаммангиз тўйга келасизлар.

«Одамгарчилиги зўр» (Руслан Чагаев сўзи) бу йигитнинг бокс фаолияти билан танишар эканмиз, улуғ адибимиз А.Қаҳҳорнинг бўлажак ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг илк асарларидан бўлган «Чўл ҳавоси» қиссасига ёзган хати ёдимизга тушди: «...Бирдан лов этиб, аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади». Эҳтимол, бу ўхшатиш ғалати туюлар. Кимдир боксчи қаёқдаю ёзувчи қаёқда дер: Лекин бокс ҳам ўзига хос ижоднинг бир тури эмасми?! Иккисининг ҳам замирида изланиш, машаққатли меҳнат ётади. Кўпинча боксчилар ғолиб бўлиб, шоҳсупада нишону олқишлар куршовида қолганида, ҳамюртимиз эканидан қалбимиз ғурурга тўлар экан, беихтиёр: «Боксчиларга ҳам мазза, бирпас жанг қилади-да, кейин ўйнаб юраверади», деймиз. Ринг ортидаги қора меҳнатни эса хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ана Муҳаммадқодир, Руслан, Тўлқин, Сергей, Қувонч ва яна ўнлаб боксчилар қатори Ўткирбек ҳам терга ботган ҳолда (бу оддий ҳар кунги машқ кунлари, бу тайёргарлик мусобақа олдидан янада кучайтирилади) қопни урмоқда. Шу пайт Ўткирбек зарбининг заптидан тўрт томонидан занжирга осилган қопнинг бир измаси узилади-да, эзгу ниятлар ила олис йўлга чиққан карвоннинг кўнғироқлари мисол оҳанг зал узра янграй бошлайди...

Сафаримиз охирлаб, Ўткирбеклар хонадонидан чиқаётганимизда дарвозахонада рамазончи болакайлар пайдо бўлди. Ўткир болаларни эркалаб, айтганидан ҳам икки ҳисса кўп пул берар экан, «Қани, бир дуо қилинглар-чи, сиздек бегуноҳ болаларнинг дуоси ижобат бўлади-да», деди. Мен ҳам болажонларнинг дуосига чин дилдан қўшилдим: «Илойим, яна чемпион бўлинг».

Машинада Тошкентга қайтар эканман, юртимизнинг кучқудрати янглиғ олислардан-да савлат тўкиб турган тоғларга

қараб, Ўткирбекнинг: «Дунёда Ўзбекистон номли буюк юртнинг ўзбек деган енгилмас ўғлонлари борлигини кўрсатмоқчиман», деган сўзлари қулоғим остида жаранглар экан, беихтиёр шивирладим: «Дунё, эшигингни оч, Ўткирбек келаяпти...»

### **Тўлқинбой ТУРҒУНОВ:**

## **«МАҚСАДИМ БИРИНЧИ БЎЛИШ»**

*Тўлқин мард йигит. Мардлар майдони эса рингдир.  
(Ў.Ҳайдаров. Бокс бўйича жаҳон чемпиони)*

**Тўлқинбой ТУРҒУНОВ 1977 йилнинг 6 февралда Андижон вилояти Қорасув шаҳрида туғилган. Вазни 57 кг, бўйи 172 см. «Динамо» спорт жамияти аъзоси.**

**Андижон Давлат Университети мураббийлар тайёрлаш факультетининг 2-курс талабаси, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби (1999 йил).**

**Халқаро тоифадаги спорт устаси.**

**Устозлари: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий»лар Марс Қўчқоров ва Александр Размахов.**

**Ёқгирган боксчиси: Майк Тайсон.**

**Оилада 9 нафар фарзанд: Мадаминжон, Муҳаммадали, Мухторжон, Рустамжон, Санобархон, Машраббой, Тоҳиржон, Салтанатхон, Тўлқинбой.**

**1991 йилдан буён бокс билан шуғулланади.**

**Маълумот учун:**

- 1. Ўзбекистон биринчилиги (Қўқон, 1991 йил, 3-ўрин).**
- 2. Ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ғолиби (Андижон, 1995 йил).**
- 3. Президент кубоги ғолиби (Андижон, 1997 йил).**
- 4. Марказий Осиё ўйинлари ғолиби (Алмати, 1997 йил).**
- 5. Қирол кубоги ғолиби (Индонезия, 1997 йил).**
- 6. Осиё чемпионати ғолиби (Малайзия, 1997 йил).**
- 7. Жаҳон чемпионати қатнашчиси (Венгрия, 1997 йил).**
- 8. Жаҳон кубоги (Хитой, 1998 йил 2-ўрин).**
- 9. Осиё ўйинлари (Таиланд, 1998 йил, 2-ўрин).**
- 10. Жаҳон чемпионати (Хьюстон, 1999 йил, 2-ўрин).**

11. XX Осиё чемпионати ғолиби (1999 йил).
12. Ўзбекистон чемпионати (Гулистон, 2000 йил)
13. Халқаро мусобақа (Туркия, 2000 йил, 2-ўрин)

— Тўлқинбой, хорижий мусобақаларнинг руҳи ўзгача? Бу ҳолат сизга қандай таъсир этади?

— Азалдан бошқа мамлакатларда чиройли жанг қилиб, ғалабага эришишни ният қилардим. Биз спортчилар учун Ватанда бўйин эгишлик қанчалик оғир бўлса, ўзга юртларда мағлубиятга учраб, бош эгиб қайтишдан ҳам ёмони йўқ. Юртбошимизнинг сўзлари доимо ёдимда. «... Биз ҳаммамиз, бутун эл-юртимиз катта ҳаяжон, катта орзу-умид билан доимо ортингизда бўламиз».

— Ҳозир сизларга эргашиб, боксчи бўламан деганлар истаганча топилади. Бу ҳол сизлар шугуллана бошлаган кезларда қандай эди?

— Илгари ҳам, гарчи ҳозиргига нисбатан кам бўлса-да, ҳар қалай қизиқишар эди. Бугун шубҳасиз, болалар «Чарм қўлқоп» сирларини ўрганишга бениҳоя ошиқмоқдалар.

— Йигитчилик, гоҳо кўча-кўйда уришиб қолган пайтларингиз бўлганми?

— Бокс билан шугулланишдан мақсадим бировлар билан уришиш эмас. Маҳаллада бировга озор бериш кўнглимга ёд қилиқлардан бири. Мабодо шундай ҳолат юз берган тақдирда ҳам, айб менда бўлмаса-да, узр сўраб, можарони тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилардим. Эсимдан ҳеч чиқмайди, иложсизликда бир бола билан жанжаллашгандим. Шунда уришга уриб қўйиб, қўлларим ёмон оғриганди. Шундан кейин билдимки, бировнинг дилини оғритсам Худога ҳам хуш келмас экан. Мен боксчиман, демак фақат рингда ўзимни қўрса-тишим керак.

— Сизни қизлар кўнглига осон йўл топади дейишади. Қачон уйланмоқчисиз?

— Ўша гапирганлар биров кўпиртириб юборишибди. Биласиз, кўпинча мусобақаларда, учрашувларда бўлишимизга тўғри келади. Ўз навбатида қизлар билан ҳам гаплашамиз. Фақат бу суҳбатларнинг бари самимий кечади. Қолаверса, Олимпиададан сўнг уйланмоқчиман. Бўлғуси келин кўнглимга, оиламизга мос бўлиши керак. Шунинг учун гаплашганда унинг табиатига эътибор бераман. Бир умрга ҳамжиҳат бўлиб яшаш осон эмас. Вақти келса аёлингиздан ҳам маслаҳат сўрашга тўғри келади.

Умр йўлдошингиз билан сиз фақат эр-хотинмас, балки чин дўст бўлиб қолишингиз зарур.

— *Тўлқинбой, энди бевосита боксга кириб келишингиз ҳақида гаплашсак.*

— Оиламизнинг аксарият фарзандлари ўғил бола бўлганлигидан, ҳамда Мухтор акамнинг бокс билан шуғулланганидан уйимизда мўъжазгина ринг қуриб, мусобақалар қилардик. Кейинчалик Қорасув шаҳридаги спорт устаси, биринчи устозим Тўлқин ака Хўжамбердиев қўлида илк бокс сабоғини олдим. 8-синфга ўтгач, акам ва устозим мени вилоятимиздаги РОЎБЮ га олиб келиб, етук спортчи бўлишимга умид билдирдилар.

— *Жаҳон чемпионатида кумуш медал олиш осон эмас, лекин ўтган сафардаги мулоқотда бу кўрсаткичдан кўнглингиз тўлмагандек гапиргандингиз.*

— Аввало, Худога шукур, жаҳон чемпионатидан қуруқ қайтмаганим учун. Лекин Осиё ўйинларида, Жаҳон кубогида, энди эса Хьюстонда ҳам шундай натижа олиб юртга, ота-она, ёр-дўстларнинг олдига қайтиш ноқулайроқ бўларкан. Ўйлаб қоламан, нега шундай бўлаяпти? Ахир, ҳамма нарсада ўсиш бўлиши керак-ку. Менимча, финалга ўзимни руҳан, жисмонан яхши тайёрлай олмаяман. Хьюстонда ҳам эртаси финал деган куни чемпион бўламанмикан деган ўй туни билан менга уйқу бермаган эди.

— *Мураббийингиз Марс Қўчқоров Жаҳон чемпионатининг финали чогида қаттиқ сўккан экан. Бундай муносабат сизга оғир ботмайдими?*

— Асло. Мана 9 йилдан буён Марс Галиевичнинг қўлида шуғулланаётган бўлсам, нафақат менга, балки барчамизга қайси вазиятда қандай муомала қилишни яхши билади. Марс Галиевични ҳамда Саша ака (Александр Размахов)ни ҳам жанг пайтида сўкишлари мен учун даво кабидир. Чунки жанг пайти яхши гап менинг қулоғимга кирмайди. Бунини устозларим яхши билганидан қандай мусобақада бўлмайлик, қаттиқроқ муомала қилишади. Лекин ҳаётдаги муносабатимизга ҳавасингиз келади.

— *Устозингиз ҳақида ҳам икки оғиз...*

— Боксда қаянча ютуққа эришган бўлсам унда устозимнинг хизматлари беқиёс. Деярли ҳар куни биргамиз. Биз бир-биримизни жуда яхши тушунамиз. Ҳаётда ҳам, юриш-туришда ҳам яқин сирдош, маслаҳатчи.

— Сиз бокс орқали нималар орттирдингиз?

— Моддий томондан галабаларим эвазига уй-жой, машина совға қилишди. Лекин асосийси мен халқимизнинг ҳурмат-этиборини қозондим. Америкадаги чемпионатдан сўнг эса Президентимизнинг ажойиб туҳфаси — «Ўзбекистон ифтихори» нишондори бўлдим. Жияним 5-синф ўқувчиси Музаффар эса менга атаб шеър ёзибди:

Жаранглади хушхабар,  
Қойил қолди эл-жаҳон.  
Келтирганди Тўлқинбой,  
Ватанга шараф-шон!  
Мушти мисли гурзидай,  
Довдирайди рақиб.  
Зарбасига чидолмай,  
Қулади-ку рақиб...

— Сиз ўзингизга моддиятнинг таъсири бўляпти деб ўйлайсизми?

— Менимча, йўқ. Менинг ҳам кўп қатори яқин дўстларим, ота-онам, акаларим бор. Ўзгарсам: «Пулинг, машинанг, уй-жойнинг бўлиб, ўзгариб кетдинг» дея юзимга айтишади. Колаверса, нимага эришган бўлсам, меҳнат билан қийналиб қўлга киритдим. Тўғрироғи, Худо берди. Эл-юрт, маҳалла олдида биз ҳам бир банди оғизлигимизни унутмаслигимиз лозим. Буларнинг бари инсоннинг ўзига, продасига боғлиқ.

— Келажакдаги режаларингиз қандай?

— Мақсадим фақат боксда эмас, бошқа соҳаларда ҳам халқимизга нафим тегса. Олимпиада, Жаҳон чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтарсам.

— Спортда ҳам гоҳо ноҳолислик бўлиб туради, сизга нисбатан ҳам шундай йўл тутмишганми?

— Афсуски, бундай воқеалар оз бўлса-да, учраб туради. 1998 йил Хитойдаги Жаҳон кубоги финалида таиландлик Кам Сунг Самлакни ютсам-да, унинг қўлини кўтаришган. Алам қиладигани, таиланддаги «Қирол кубоги»нинг иккисида ҳам шу рақибга тўғри келиб, яна ҳайъат аъзолари эски ноғораларини чалишди. Аммо ҳақиқат синмас экан, жаҳон чемпионатида ундан муносиб «ўч» олдим.

— Сидней олимпиадасида асосий рақиб Самлак билан хьюстонлик Жаҳон чемпиони бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Улар ҳақида фикрларингиз?

— Менимча ҳам шундай. Самлакка келсак, рингда ўзини жуда эркин тутади. Анча чаққон ва айёр. Рўбарў келсам, фақат ҳужумда бўлиб, оёқда алдамчи ҳаракат билан, «тулкига тулкича» муомалада бўлишим шарт. Устозимнинг шундай хулосаси бор: «Ўзингга кўпроқ жалб қил-да, бостириб ҳужумга ўт». Хьюстонлик эса яқиндан кучли ҳужумга эга. Уни масофада ушлаб, жанг олиб борсам натижаси кўнгилдагидек бўлади.

— Ўзбек бокси нуфузини янада кўтариш учун сизнингча, кўпроқ нималарга эътибор бериш зарур?

— Катта мусобақалар олдидан бўладиган йиғинларни бошқа мамлакат боксчилари билан олиб борсак мақсадга мувофиқ бўларди. Сабаби юртимиздаги спортчиларнинг бари таниш — услубидан тортиб зарбигача. Кейин халқаро мусобақаларга имкони бориша иккинчи, учинчи рақамли келажаги бор болаларни ҳам олиб бориш зарур. Токи, кўриб кўзи пишсин ўринбосарларнинг. Мана яқинда бўлган Туркиядаги мусобақага кубаликлар фақат ёшларини туширишди.

**Марс Қўчқоров, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий».**

— *Марс Галиевич, боксчи ҳам бир эл, бир миллатнинг фарзанди. Демокчиманки, Тўлқинбой...*

— Саволингизни тушундим. Олиб қочаяпти демангу тўғриси, Тўлқин — тилла бола. Қаерда бўлмайлик, қайси миллатнинг фарзанди эканини унутмайди. Бирор мусобақага боришини билдими, тамом, барча ишларини йиғиштириб, машғулотларга қаттиқроқ шўнғийди. Юрт шаъни, масъулиятини юракдан ҳис этади.

— *Мутахассис ҳамда мураббий сифатида фикрингиз: шогирдингиз Жаҳон чемпиони бўлишига нима монелик қилди?*

— Умуман, ҳар томонлама жойида бўлган. Йўқса, Аргентина ва Руминиянинг ўсмирлар бўйича Жаҳон, Таиланднинг Олимпия чемпионини ютармиди? Фақат унинг ичи куйиб кетди. Бизда заҳирадаги куч деган тушунча бор. Шу куйиб кетди унда. Ўтқир, Муҳаммадқодир, булар биласиз, ака-ука. Улар чемпион бўлгандан сўнг ҳавас қилиб, кечаси билан тузук дам оломай ўйланиб ётди. Мияси чалғиб, дам олсин деб, бокс руҳшуносларига учрадим. Улар ҳам ҳозирча ароқдан бошқа восита йўқлигини айтишди. Тўлқин эса эътиқодли йигитлардан бўлга-



ни учун умуман ичмайди. Бунинг устига финалдаги рақибни хюстонлик... Ўз уйингда деворлар ҳам ёрдам беради деганларидек... Яна жисмонан, ҳам руҳан яхши хордиқ чиқара олмаслик, буларнинг бари унга панд берди.

Мазкур мулоқотимиз Андижон бокс мактабининг шундоққина ёнидаги Осиё ўйинларидан сўнг мукофот тариқасида Тулқинбойга берилган «дом»да бўлиб ўтди. Суҳбатлашарканмиз, шунга ишонч ҳосил қилдикки, у уй тутишда ҳам, гарчи ҳозирча ёлғиз ўзи яшаса-да, спортдаги каби юқори курсаткичга лойиқ. Ҳамма жиҳозлар ўз ўрнида, саранжом-саришта. Худдики, но-зик дидли уй бекаси бордек. Уни машғулоти кўча-кўйда, одамлар билан муомаласини кузатар эканмиз «қони қайноқ» — бўйдоқликнинг қолаверса, эришаётган ютуқларининг акси ўла-роқ бир синиқлик, силлиқлик кўрдик...

Суҳбатни қоғозга туширар эканмиз, унинг сўзлари хотирга келади: «Бугун иккени олдимми, Худо хоҳласа эрта бир кун, албатта, биринчи бўламан!» Булар шунчаки айтилган сўзлар эмас, юракнинг туб-тубидан отилиб чиққан ўз-ўзига ишонч садоларидир. Ишонч эса интилиш, ҳаракатни тақозо этади. Демак у кунлар яқин. Зотан, Ҳақ таоло ҳам: «Сендан ҳаракат, мендан ба-ракат!» демиш.

*Руслан ЧАГАЕВ:*  
**«САВОНДА БОР АЛАМИМ МЕНИНГ»**

*«Руслан ўзбек боксини санъат даражасига олиб чиқаяётган  
ҳамкасбларимиздан биридир».*

*(М.Абдуллаев, бокс бўйича жаҳон чемпиони)*

**Руслан ЧАГАЕВ 1978 йилнинг 19 октябрида Андижон шаҳрида туғилган.**

**Вазни 91 кг, бўйи 186 см. «Динамо» спорт жамияти аъзоси.**

**Андижон Давлат Университети жисмоний тарбия факультетининг 4-босқич толиби.**

**Халқаро тоифадаги спорт устаси.**

**«Ўзбекистон ифтихори», «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори (1999 йил).**

**Ёқтирган боксчиси: Майк Тайсон.**

Оилада 2 нафар фарзанд: Луиза, Руслан.

Устозлари: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий»лар Александр Размахов, Марс Қўчқоров.

Маълумот учун:

1. Ёшлар спартакиадаси ғолиби (Урганч, 1991 йил).
2. Ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони (1992, 1993, 1994 йиллар).
3. Жаксон турнири ғолиби (Тошкент, 1994 йил).
4. Марказий Осиё ўйинлари ғолиби (Тошкент, 1995 йил).
5. Осиё чемпионати ғолиби (Тошкент, 1995 йил).
6. Ахмед Гомер турнири (Туркия, 1996 йил, 3-ўрин).
7. «Олтин камар» мусобақаси иштирокчиси. (Руминия, 1996 йил).
8. Атланта Олимпиадаси иштирокчиси (1996 йил).
9. Ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионати (1996 йил, 3-ўрин).
10. Халқаро кубок ғолиби ((Италия, 1997 йил).
11. Халқаро турнир ғолиби (Чехия, 1997 йил).
12. «Қирол кубоги» ғолиби (Таиланд, 1997 йил).
13. «Мустақиллик кубоги» ғолиби (Андижон, 1997 йил).
14. Жаҳон чемпиони (Венгрия, 1997 йил).
15. Осиё ўйинлари ғолиби (Бангкок, 1998 йил).
16. Кучлилар турнири ғолиби (Красноярск, 1999 йил).
17. Халқаро мусобақа ғолиби (Болгария, 1996 йил).
18. Жаҳон чемпионати иштирокчиси (Хьюстон, 1999 йил).
19. XX Осиё чемпионати ғолиби (Тошкент, 1999 йил).
20. Ўзбекистон чемпиони (Гулистон, 2000 йил).
21. Халқаро мусобақа ғолиби (Туркия, 2000 йил).

Сафаримиз шанба — дам олиш кунига тўғри келгани, бунинг устига Андижонга тушдан сўнг етиб борганимиз бир бўлди-ю, телефон қилиб Русланни тополмаганимиз бир бўлди. «Гарвузими қўлтиғимиздан тушган» ҳолда унинг яшаш жойини сўраш мақсадида 50-ўрта мактаб ҳудудидаги Андижон бокс мактабига йўл олдик. Бино олдида яқинлашар эканмиз сутдай оппоқ, 10 МОЗ 28 Волга 3110 маркали машинани кўриб, қувониб кетдик. Бу Русланнинг машинаси эди. Залга киргач (дам олиш куни бўлганидан ҳеч ким йўқ эди), Русланнинг ринг ўртасида ёлғиз шуғулланаётганини кўриб (бу ҳол эртасига яна такрорланди), бир чеккада индамай кузата бошладик. У ўз бокс дунёсига

шўнғиб кетган, хаёлан ким биландир қаттиқ жанг қиларди. Эҳтимол, азалий рақиби Савондан Сиднейда қасос олаётгандир. Балки... Мешок (қоп) ураркан, ҳар зарбидан дод дегандай овоз чиқариб, учиб-учиб тушаётган «бечорага» тўғриси раҳмимиз келди. Машғулоти тугаб, «суюкли дунё»сидан ҳаётга қайтар экан, бизга кўзи тушдию, олдимизга келиб, соф ўзбек тилида: «Келин-глар» дея салом-алик қилди. Тер қуйилаётган юзи-ю, сувга пишиб олингандай кийимларига қарарканмиз, беихтиёр бир лаҳза қотиб қолдик. Дарҳақиқат, елкасидан оҳиста буғ кўтарилар эди...

— *Руслан, бўлажак олимпиадага тайёргарлик қандай кетаяпти?*

— Имкониятим даражасида тайёрланаяпман. Ҳозирда кунига уч маҳал машғулот ўтаман. Умумий жисмоний тайёргарликка кўпроқ вақт ажратганман. Чунки ўзингизга маълум, ўтган «алам»нинг бир чеккасига шу томондан бўшлигим сабаб бўлди. Қолаверса, яқинда ҳар хил турнирлар бор, ўзига хос тажриба вазифасини ўтайдиган.

— *Дам олишсиз, бунинг устига ҳар куни уч маҳалдан шуғулланиш сизни ортиқча зўриқтириб қўймайдими?*

— Йўқ. Чунки доимо Муҳаммадқодир ҳам, Ўткир ҳам ҳаммамиз ўзимиз ўқиган РОЎБЮ бош шифокори Мақсуда Собировнанинг назоратидан ўтиб турамыз. Шифокоримиз нимага қодирлигимизни яхши билдилар. Қолаверса, бир кун машғулотга бормасам, оғирлашиб ўзимни ёмон ҳис қиламан. Эртасига тайёргарликда қийналаман.

— *Руслан, боксчилар ринг ортида қалин дўст бўладилар. Сиз ҳам Савон билан?..*

— У билан яқин таниш эмасмиз.. Савон испанча, мен ўзбекча, русча гапиришни биламан. Бир-биримизни тушунмаймиз?

— *Сизнингча, Савон қандай боксчи?*

— Албатта, кучли, буюк боксчи. Фақатгина ҳаётда ҳамма нарсанинг ҳам меъёри, чегараси бор. Ёшларга йўл бериш керак.

— *Руслан, деярли ҳамма сизни Хьюстондаги жаҳон чемпионатида ғалаба қилишингизга ишонганди. Ва ўз-ўзидан мағлубиятингиз ҳақида ҳам ҳар хил фикрлар билдиришади. Шахсан ўзингизни бу борадаги фикрингиз?*

— Мен у ерда касал бўлгандим. Лекин бу сабаб бўлолмайди. Асосийси ғалаба қилишимга ортиқча ишонгандим. Яна бир

нарсани айтишим керакки, жангни нима қилиб бўлса-да, ўз фойдамга ҳал қилишни эмас, муддатидан илгари, чиройли зарба бериб, нокаут билан яқунлашни ният қилгандим. Оқибат очколар ҳисобига ютқаздим.

— *Шу кунгача ўтказган жангларингизнинг ўзингизга ёқадиган энг яхшиси ва аксинча энг ёмони қайси?*

— 1997 йилги Чехиядаги турнирнинг ярим финалида кубалик билан украиналик рўбарў бўлди. Мен ёшман, қолаверса улар тажрибали боксчилар. Ким ютса, финалда мен билан тушади. Хуллас, украиналик ютгач, у билан финалга чиқиб, биринчи ҳужумдаёқ нокаут қилгандим. Бу менинг мазза қилиб эслайдиган жангим.

1996 йил Бишкекдаги Шапаков турнирида эса унча кучли бўлмаган россиялик боксчини менсимасдан жуда толиқиб, «бемаза» жанг қилгандим. Асли ютдим, лекин ўзимдан-ўзим нафратланиб кетдим: «Шунча тайёргарлик қилиб, кўрсатган боксинг шуми?» дея ташлавормоқчи ҳам бўлгандим ўшанда. Кейин ярим финалда минг хаёл билан қозоғистонлик кучли боксчи билан тушдим-да, чиройли тарзда ютдим.

— *Мухлисларингиз сиздан жангни кўпроқ нокаут билан ютишингизни куттишади.*

— Менга ҳам бу нарса ёқади. Лекин бир зарба билан нокаут қилишнигина ният қилмаслик керак экан. Бир зарбага ишонсангиз қаттиқ бир урасиз, нокаут бўлмаса тамом. Ўзингизга ишончсизлик туғилади.

— *Ўзингизни имкониятларидан тўлиқ фойдаланаётган боксчи деб ҳисоблайсизми?*

— Шунга ҳаракат қилаяпман, лекин биламанки, яна шуғулланиб, икки баробар яхши кўрсаткичларга эришишим мумкин.

— *Унда жангни иккинчи раундга чўзмас экансиз-да?*

Кулиб:

— Худо хоҳласа.

— *Руслан, жанг услубингиз кўпчиликка ёқади. Бунга тайёргарлик билан эришганмисиз ёки тугма истейдод?..*

— Билмайман, жанг олиб бораётганимда ўзимга билинмайди. Ташқаридан қараганда, эҳтимол билинар. Лекин буни тугма истейдод десак бўлмас. Устозим Александр Размаховнинг кўрсатмалари натижаси деб биламан.

— *Сизнингча, услубингизда камчиликлар борми?*

— Жуда кўп. Асосийси чапақай бўлганим учун ҳужумни чап қўл билан бошлайман-да, чапда тугатаман. Ўнг қўлим эса камроқ ишлайди. Шунинг учун мураббийим ҳам тенг ишлат деб кўп таъкидлайди.

— *Сиз кўпинча радиоплейер эшитиб шугулланасиз. Нима, бу ўзингизга хос сирли тайёргарлик услубими?*

— Йўқ, нега? Бу шунчаки кўтаринки кайфият бағишлайди. Бир хил машқ бажаравермасангиз миянгишга ҳам таъсир қилади-да, зерикасиз. Радиода эса ҳар хил мусиқалар берилади. Айниқса ёқтирган қўшиғингиз чиқса, руҳланиб қилаётган ишингизни янада берилиб бажарасиз.

— *Андижон бокс мактаби дунёда ҳам ўз мавқеига эга. Агар дунёнинг бошқа бокс мактаблари билан қиёсласак, камчиликлари нимада кўринади?*

— Шароитларни янада яхшилаш керак деб ўйлайман. Айниқса, бирор йиғин ёки мусобақага бориш керак бўлса, маблағ топиш учун мураббийларнинг югур-югурлари бошланади. Гоҳо ўзимизнинг ҳисобимиздан ҳам кетишга тўғри келади. Яна ҳозирги авлод боксчилари профессионал ёки бошқа жойларга кетса, орада ўринбосарлар тайёрламаслигидан узилиш бўлиб қолиши мумкин. Аслида истъоддли болалар жуда кўп. Фақат гап уларга янада яхши шароит яратиб, маҳоратларини оширишда.

— *Сиз вақти келиб, профессионал боксга ўтсангиз, ўрнингизга ўринбосар борми?*

— Албатта, истъоддли болалар кўп. Мана Нозим, Ҳаёт деган оғир вазндаги боксчилар бор. Нафақат Андижонда, умуман Ўзбекистонда ҳам кўп. Фақат ҳали айтганимдек, шароит бўлса бас.

— *Андижонлик боксчиларнинг юксак натижаларга эришаётганининг сирини нимада, сизнингча?*

— Менимча, мураббийларнинг машғулотларни тўғри ташкил қилганида. Бизга ҳеч қачон шунчаки машғулот ўтишмайди ва бир кун ҳам сабабсиз қолдиришмайди. Ҳатто, дам олиш ҳам аъло даражада ташкил этилади.

— *Мураббийингизнинг ўргатиш услуби сизни қониқтиради-ми?*

— Албатта. Лекин дунё боксига янги-янги услублар кириб келаяпти. Шуларни тез ўрганиб, машғулотларга тадбиқ этишга улгуриш керак. Бунинг учун чет элларга тез-тез мусобақа-

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

## Ҳаваскорлар ўртасида



**Р.РИСҚИЕВ**



**Ў.ҲАЙДАРОВ**



**М.АБДУЛЛАЕВ**

## Профессионаллар ўртасида



**А.ГРИГОРЯН**

**12 карра жаҳон чемпиони**

**С.РЎЗИЕВ**  
**Ўзбекистон миллий**  
**олимпия қўмитаси президенти**



**Республика бокс федерациясининг**  
**раҳбар ходимлари**



**Ў. ИСМОИЛОВ**  
Президент



**Ф.РАҲИМОВ**  
Вице-президент



**М.КАРИМОВ**  
Вице-президент



**В.ШИН**  
Вице-президент



**А.ҚОДИРОВ**  
Бош котиб



**Т.ФУЛОМОВ**  
Ҳайъат раиси

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК АИБА РАЎБАРИ ВА АЪЗОЛАРИ



**Ғ. РАҲИМОВ**  
ижроқўм  
аъзоси, Осиё  
олимпия  
қўмитаси  
вице- президенти



**М. КАРИМОВ**  
аъзо



**В. ШИН**  
аъзо

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК АИБА ВА ФААБ ҲАҚАМЛАРИ АИБА ҳақамлари



**Т. ҒУЛОМОВ**



**М. ҚУЧҚОРОВ**



**С. БЎТАЕВ**



**Р. ТИЛЛАЕВ**



**Б. ЖУМАНИЁЗОВ**

## ФААБ ҳақамлари



**Ш.БАДАЛОВ**



**А.БЕКМУРАТОВ**



## ОЛИМПИАЧЛАР



**Д.ЙЎЛДОШЕВ**  
(вазни 48 кг)



**А.РАҲИМОВ**  
(вазни 54кг)



**Т.ТУРФУНОВ**  
(вазни 57 кг)



**М.АБДУЛЛАЕВ**  
(вазни 63,5 кг)



**Ш.ҲУСАНОВ**  
(вазни 67кг)



**Д.ЁРБЕКОВ**  
(вазни 71 кг)



**Ў.ҲАЙДАРОВ**  
(вазни 75кг)



**С.МИХАЙЛОВ**  
(вазни 81 кг)



**Р.ЧАГАЕВ**  
(вазни 91 кг)



**Р.САИДОВ**  
(вазни 91 кг. дан зиёд)

## ОЛИМПИАЧИЛАРНИНГ МУРАББИЙЛАРИ



М.ҚҶЧҚОРОВ



А.РАЗМАХОВ



М.РОМАНЧУК



Х.ДЕҲҚОНОВ



Б.БАТАЛОВ



Кўтаринки кайфият ютуқлар гарови



**Олимпиячиларимиз Республика бокс федерацияси раҳбарлари  
ва мураббийлари билан**



**Ғалабаларга парвоз шу жойдан бошланади**



**АИБА президенти А.Чаудри (чапда) АИБА ижроия қўмитаси аъзоси, Осиё олимпия қўмитаси вице-президенти Ф.Раҳимов билан XX Осиё чемпионати кунларида**



**Андижон вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Д.Оқмирзаев ўз ходимлари - ғолиб боксчиларни муносиб тақдирляпти**



лар уюштирилса, у ерларда малака ошириш имкони яратилса, кони фойда буларди.

— Сизни онасига ўта меҳрибон дейишади...

— Албатта. Аввало у онам, қолаверса опам Луиза иккимизни ёлғиз ўзи қийинчилик билан катта қилди. Кундузи ҳисобчилик, кечаси фаррошлик қилиб боққан. Онамга минг раҳмат. Мана энди Луиза турмушга чиқиб, мени эса қўлимдан оз-моз иш келгач, у уй бекаси. Аслида мени ҳар кунги алмаштирадиган кийимларимнинг ўзи ҳам аямга етиб ортади.

— Руслан, ҳойнаҳой бошқа спорт турларидан футболни ёқтирсангиз керак?

— Йўқ, хоккей билан баскетболни яхши кўраман. Баскетбол билан 3 йил шуғулланиб, республика чемпионатида ҳам қатнашгандим. Сизга тўғриси айтсам, футболда очиқ дарвозага мўлжаллаб тепиб ҳам гол уролмайман. Футболни Муҳаммадқодирга чиқарган. Бангкокда япон боксчилари билан футбол ўйнаб, 12:3 ҳисобида ютган бўлсак, аксарият голларни у урганди. Ўтган йили маҳаллалараро футбол мусобақасида ҳам унинг командаси голиб чиқиб бош мукофот эгаси бўлди.

— Сиз ҳеч боксдан безиб, кетмоқчи бўлганмисиз?

— Венгрияда олган жаҳон чемпиони унвонимни бекор қилишгач, боксда ҳақиқат йўқ деб ҚАТТИҚ жуда ҚАТТИҚ ташлашга аҳд қилгандим.

— Руслан, жаҳон чемпионлигингизни бекор қилиш сабабларига аниқлик киритиб ўтсангиз?

— Жаҳон чемпионатидан илгари Америкага борганимизда йиғин бўлиб ўтган. Шу ерда бизга: «Кел, жанг ўтказ, шунда тай-ёргарлигинг ҳам бекор кетмайди, кўзга кўринасан, пул ҳам топасан» дейишганди. Бизга ҳаваскорлар профессионалда тушиш мумкин эмаслигини айтишмаган. Хуллас, такрор айтаман, тушунмасдан икки марта жанг қилиб ютдим. Сўнг Венгрияда жаҳон чемпиони бўлдим. Савон профессионалда тушганим ҳақида судга ариза бериб, жангларим ҳақидаги газеталарни кўрсатгач, ярим йил ўтиб, чемпионлигимни олиб юборишди.

— «Соҳилни асов дарё, одамни ортиқча мақтов бузади», дейишади...

— Йўқ, мен кўп мақтовларга аҳамият бермайман. Бироз гаплашгач, одамнинг қанақалигини биламан. Ундай тилёғлама одамлар билан кўп муомала қилмайман.

— *Руслан, боксни одам мясига салбий таъсири бор дейишадди. Сиз ўзингизда бунинг аломатларини сезасизми?*

Кулиб:

— Буни тушунмаганлар айтишади. Бир нарсани аниқ айтишим мумкинки, Жаҳон, Европа чемпиони бўлган боксчилардан кейинчалик турли соҳа бўйича фан докторлари чиққан. Бу нарса одам аъзосига боғлиқ. Мана футболда ҳам қаттиқ тепилган тўпни боши билан уришади. Жаҳон тиббий тадқиқотларига кўра бокс жароҳатланиш даражаси жиҳатидан 7-8 ўринда турар экан.

— *Қопни ураётганингизда рақибингиз кўз олдингизга келар...*

— Йўқ, зарбани, услубни қайта-қайта ишлаб мукаммаллаштираман. Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўлади. Мешок уриб, жаҳлдан тушаман. Бир газетада ўқигандим. Японияда ёмон одамнинг макетини ишлашиб, идораларга қўйишарканда, асабийлашган одам уни уриб, тепиб ҳовридан тушаркан.

— *Сизнингча боксда қиёфанинг роли қандай? Ҳамкасбларингиздан бири боксчилар Тайсоннинг башарасини кўрибоқ ўзини йўқотиб қўяди деганди.*

— Менимча, қиёфа рол ўйнамайди. Фақат рингга чиқишдан олдин кўрасизда, ў-ў жисмонан кучли экан, каби фикрларга борасиз. Гонг чалинганча, ҳаммаси унутилади. Энди у сиз билан тенг. Фақат ғалабани ўйлайсиз.

— *Руслан, қандай таомларни кўпроқ истеъмол қиласиз?*

— Ўрикқоқи, ёнғоқ, майизларни юракка қувват беради дейишади. Кўпроқ кучли калорияга эга бўлган гуштли овқатлар ейман. Умуман олганда, лағмон, манти, ош, қозон кабобларни эл қатори яхши кўраман.

— *Севги-муҳаббатга муносабатингиз?*

— Албатта, барча йигитлар қатори кимдир ёқади. Ёки сизлар бизни муҳаббатдан йироқ деб ўйлайсизларми? Ўзга юртларда жанг қиларкансан, ёқтирган қизингни ҳам қараб турганини ўйласанг янада ўзингни бардам сезасан.

— *Бир инсон сифатида қандай камчилигингиз бор?*

— Биров бир нарса сўраса, йўқ деёлмайман. Бу асли яхши. Лекин ёрдам бериб, эвазига тескарисини кўрсангиз хафа бўлиб кетасиз экан.

— *Келажакда профессионал бокс билан айнан қайси давлатда шугулланмоқчисиз?*

— Олдиндан аниқ бир нарса дейишим қийин. Бизга ҳозир Олимпиада олдиндан ёрдам бермоқчи бўлиб, Франциядан йиғинга чақиришяпти. Эҳтимол, кейинчалик маъқул келса, Францияга кетарман. Яна вақт кўрсатади.

**Замира Чагаева.** 1957 йил 2 февралда туғилган. Темур исми бир набираси бор.

— *Замира опа, ўғлингизни бу қадар боксга меҳр қўйганининг сири нимада деб ўйлайсиз?*

— Билмадим. Шунини аниқ айта оламанки, у 1-синфдалигидаёқ бокс хархашасини бошлаган. «Бормаيسان, бокс ёмон, бурнинг қонайди, калтак ейсан» десам ҳам бўлмади. Охири В.Золотаревга олиб борсам: «Вой, бу бола ҳали ёш-ку! Кейинроқ олиб келасиз» деганди. Кейин баскетболга қатнашиб юрди. Бир куни, «бозорлик қилиб қўйдим, олиб кет» деб ишхонадан чақирсам, уч-тўртта болалар автобусдан тушганда пул бер деб уришибди. Шапқаси қийшайган, устлари чанг келаяпти... Русландаги боксга қизиқиш, балки шу воқеа сабабдир. Хуллас, боксга бораман деяверганидан кейин спорт мактабига олиб бордим. Бу пайтда у 6-синфда ўқиётгани учун олишди.

— *Руслан жангининг натижаларини билмай туриб, телевизор орқали кўриш осон бўлмаса керак сизга?*

— Нимасини айтасиз. Айниқса, Венгриядаги жангини телевизор орқали кўриб ўтириб, креслодан диванга, ундан қандай полга тушиб, телевизорнинг тагига бориб қолганимни билмабман. «Руслан урмайсанми, Руслан ур...» дейман холос, бақириб. Кўзларимда эса ёш. Худди шу 19 октябрда Руслан 19 ёшга тўлган. Туғилган кунида Савонни ютганди. Боксчининг онасига осонмас. Булар ҳам майли, одамларнинг миш-миши-чи. Бир куни бири айтади: «Хафа бўлмай ўтирибсизми? Русланни чет элда отиб кетишибди-ку?» дейди. Яхшиям Руслanning яхши одати бор, қаерда бўлса, албатта телефон қилади. Бўлмасам.. Ёки бири: «Руслан реанимациядан чиқдимми, ёмон уришган экан?...» Шунақа. Бизнинг ҳаётимиз ҳам ўзига хос ринг.

— *Руслан жаҳон рингларида кўзга кўрингач, чет эллардан ҳам таклифлар кўп бўлгандир?*

— Ўша Савонни ютгандан кейиноқ Америка, Москва, Қозон каби мамлакатлардан телефон қилишиб, бизга келинлар, ҳамма шароитларни яратиб берамиз, деган гаплар қилишди. Ота-онамиз ҳам шу юртда туғилган, дўстларим ҳам шу ерда бўлса, қаерга кетардик.



Руслан Чагаев... бу номни эшитган ҳар бир юртдошимизда унга нисбатан ажиб бир меҳр, у билан ҳамсуҳбат бўлган киши кўнглидан эса «ажойиб йигит!» деган фикрнинг беихтиёр ўтиши табиий. Бундай муносабат 12 марта Жаҳон, икки марта Олимпия чемпиони бўлган, 33 ёшли кубалик Феликс Савонни 19 ёшидаёқ мағлуб этгани учунгина эмас, кишиларга ҳурмати, катталардек вазмин назар ташлашию, фикрлаши учун ҳамдир. Кимдир мақоламизни ўқиркан, журналистларга мақташ бўлса бўлди, уйланмай туриб қатор машиналарию, орден нишонлари бўлса, яна қандай қилиб... дер. Руслан эса юртимизда, тўғрироғи Андижонда яшайди. Уйи меҳмонлар учун доимо очиқ. Суҳбатлашгач, бизга нисбатан норозилигингиз янада ошса, не ажаб. Фақатгина энди аксинча, шундай юртдош боксимиз ҳақида ёзишни эпшолмаганимиздан. Кўп эмас, яқин йиллар илгари ҳам ҳозиргидек, «Бор вужуди билан боксга берилганидан, кроссовкаси йиртилса, кечки машғулотга тикиб, тайёр келган» (Т.Турғунов сўзи), «Ўта қўли очиқ, қаттиқ тайёргарлик билан жаҳон чемпиони бўлиш мумкинлигини исботлаган...» (М.Абдуллаев сўзи). Руслан ҳамон ўша-ўша. Шунинг учун бокс дунёси унга дарвозаларини ланг очиб бериб, яна энг тўрларидан жой кўрсатаётгандир. Унинг азалий одати ҳар тонгни эрта туриб, югуриш билан қаршилашдир. Шу ўринда бир ривоят хотирга келади. Айтишларича, бир куни бой ўғлидан сўрашибди: «Бу дунёда ўликлар кўпми, тириклар?» «Ўликлар, — жавоб берибди у. — Кўёш чиққач ҳам ётувчилар шубҳасиз, ўликлардир». Эҳтимол, катталарнинг: «Эрта турганларнинг ризқи улуг бўлади», деганларида биз билмаган бир ҳикмат бордир. Эҳтимол, спортчилар субҳи- дамда тураркан, чопиш баробарида она-юртнинг энг мусаффо, энг покиза эпкинларидан тўйиб-тўйиб нафас олиб, вужуд-вужудига сингдирар экан, Ватаннинг нақадар улуг неъмат эканини биздан-да теранроқ англаар. Шу сабабдан Оллоҳ Ватан шони, халқ ғурури учун курашни дунё давраларида кўпроқ уларга раво кўрар. Гоҳо имконсизлик онларида имкон топиб, ғалаба қилишининг сири ҳам балки, шундадир (Боксчиларимиздан Р.Рисқиев, Ў.Ҳайдаров, фристайлчи Л.Черязова матонатларини эсланг). Зеро, ҳар қандай даврда ҳам юрт шони, миллат шавкатини қалбан ҳам жисман ТИРИК инсонлар ҳимоя этган. Кечагина 22 баҳорини қарши олган бу йигит шоир айтганидек, «Қутлуғ бир саҳарда

кўз очган булоқ» эмасми? Булоқ эса доимо эзгу-ниятлар ила кўз очади. **ФАҚАТГИНА:**

Одамлар тегмангиз, майли тошсин у,  
Тоғларни майлига қўрсин йўлида,  
Қўйинг ўз йўлини ўзи очсин у,  
Завқлана олсин у ҳам кураш сўнггида.

*Дилшод ЙЎЛДОШЕВ:*

## «ЖАҲЛГА ЗЎР БЕРИШ МАҒЛУБИЯТ ДЕМАК»

Дилшод ЙЎЛДОШЕВ 1976 йил 29 январда Фарғона шаҳрида туғилган. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Бўйи 162 см, вазни 48 кг. «Динамо» — МҲСК аъзоси. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби. Фарғона Давлат Университетининг жисмоний тарбия факультетини битирган. Оилала. Турмуш ўртоғи Ҳилолаҳон иқтисодчи. Диёрбек исмли ўғиллар бор. Ўн йилдан буён бокс билан шуғулланади.

Мураббийи спорт устаси Ҳамид Деҳқонов.

Ёқтирган боксчиси: Майк Тайсон.

Маълумот учун:

1. Ўзбекистон чемпиони (1994-98 йиллар 1-ўрин, 1999 йил 2-ўрин).
2. Ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги (Туркия, 1994 йил, 3-ўрин).
3. Жаҳон чемпионати иштирокчиси (Германия, 1995 йил).
4. Халқаро мусобақа ғолиби (Туркия, 1996 йил).
5. Жаҳон чемпионати иштирокчиси (Венгрия, 1997 йил).
6. Осиё чемпионати (Малайзия, 1997 йил, 3-ўрин).
7. Жаҳон кубоғи (Хитой, 1998 йил, 3-ўрин).
8. Жаҳон чемпионати иштирокчиси (Хьюстон, 1999 йил).
9. XX Осиё чемпионати ғолиби (Тошкент, 1999 йил).
10. Ўзбекистон чемпионати ғолиби (Гулистон, 2000 йил).
11. Халқаро мусобақа ғолиби (Туркия, 2000 йил, 3-ўрин).

Боксчилар ҳаёти билан анча-мунча таниш одам, албатта бир гапни айтади: «Боксчига осонмас!» Аввало у юртининг ўз вазида энг «зўри» бўлиши шарт. Шундагина халқаро мусобақаларда қатнашади. Жангларда эса Омаднинг «туҳфа»сига имкон қадар сазовор бўлиши лозим. Чунки бу ўзаро куч синашиш эмас, халқнинг шони-шавкати, қудратини ҳимоя этишдир. Аввал бу масъулиятли вазифани тошкентлик Ҳамид Турсунов, кейинчалик бухоролик Жамшид Ҳайитовлар уддалашган бўлса, 1995 йилги Берлинда ўтказилган Жаҳон чемпионатидан сўнг ўзини кўрсатган Дилшод Йўлдошев ўз зиммасига олди. Унинг гарданида кўшимча яна бир кўзга кўринмас шарафли топшириқ бор. Қандай бўлмасин жангни ўз фойдасига ҳал этиши зарур. Чунки қайси мамлакатда бўлмасин боксчиларимиз орасида биринчи бўлиб у юртимиз шарафи учун рингга чиқади. Терма жамоамиз «чарм қўлқоп» усталари эса доим бир жону бир тандир. Бу таннинг улкан Юрагига илк Ишончни Дилшод Йўлдошев ҳадея этади. Ўз-ўзига бўлган ишонч эса шубҳасиз, ғалаба сари ташланган дастлабки дадил қадамдир.

— *Дилшод, бирмунча тажрибали боксчи сифатида айтингчи, боксчи қандай бўлиши керак?*

— Менимча, спортнинг қайси тури билан шуғулланмасин одамнинг оғир-босиқ бўлиши кони фойдадир. Чунки рақибни ҳам икки қўли, оёғи ва ўзига яраша тажрибаси бор. У кўчадан тўғри келиб, сиз билан рингга чиқмайди. То сизга рўпара келгунча анча-мунчасини бошини эгган, яъни пихи қайрилган бўлади. Вазминлик спортчига ғалабани таъминловчи бош омиллардандир. Қолаверса, жанг қурбонсиз бўлмайди. Спортчи ҳам энди тетапоя қила бошлаган чақалоқ каби дастлаб йиқилади, қоқилади... Фақат гап ўша йиқилишлардан тўғри хулоса чиқаришда.

— *Жанг олдидан қандай ҳисларни бошингиздан кечирасизу, рақибингизга қандай қарайсиз?*

— Албатта, ғалаба қилишимга ўзимни ишонтираман. Бироқ рақибимга паст назар билан қарамайман. Халқимизнинг: «Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил» деган мақоли доимо ёдимда туради. Биринчи раунд мен учун, асосан «текшириш» вазифасини ўтайди. Кўпинча мураббийим ташқаридан кузатаркан, менга зарур кўрсатмалар беради. Агар бирон марта илгари у билан рингга чиққан бўлсам услубига мос услуб қўллашга интиламан.

Бераётган зарбаларимнинг натижалари ўз-ўзидан юзида ҳам акс этади.

— *Бокс фаолиятингизда сизга нисбатан бирон марта адолатсизлик қилишганми?*

— Хьюстондаги жаҳон чемпионатида таиландлик Пунон Сунбон билан ярим финалга чиққанимда шундай қилишганди. Хуллас, жанг кетяпти, сезяпманки ютуқ менда. Секундантим буёқдан тайинлайди: «Зарбани бергинда, ўзингни олиб қоч, урдирма, бир зарбага ютыпсан». Бундан руҳланиб, яна учта чиройли зарба бердим. Ҳакамлар ҳисобни 10:10 қилишди-да, унга ғалабани бериб юборишди. Начора... лекин Тошкентдаги чемпионатда ундан аламимни олдим. Бундан аввалги Атланта олимпиадасига йўлланма олишдаги охирги уринишда ҳам малайзияликни ютиб, покистонлик боксчи билан финалга чиқдим. Йўлланмани қўлга киритиш учун жанг қилиб ютдим ҳам. Қани холис иш тутишса, ҳаваскор бокс катталарининг юртдоши бўлгани учун унинг қўлини кўтаришди. Шунда: «Тамом, энди боксни бас қилдим» деб рингни тарк этгандим.

— *Дилшод, услубингизни мукамал деб ҳисоблайсизми?*

— Йўқ. Ҳали камчиликларим бор. Аввало, зарбани берибоқ дарров ортимга қайтолмайман. Рақибим зарбаларини тез илғаб, ўзимни олиб қочишни меъёрига етказиш шарт. Яна яқин масофадан қиладиган ҳужумларимдан кўнглим тўлмайди. Ҳозирда бу камчиликларимга барҳам беришни асосий мақсад қилиб олганман.

— *Футболчилар одатда иримчи буладилар. Боксчиларчи?*

— Шахсан мен ирим қилмайман. Ҳар доим мусобақага бориш олдидан, албатта уйдагилардан, ота-онамдан дуо олиб йўлга тушаман. Ахир, «Кўпнинг дуоси — даъво» дейишади-ку! Рингга чиқиш олдидан эса доим «»Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм» дейиш одатга айланган.

— *Умр йўлдошингизни касбингизга муносабати ижобийми ё?..*

— Рафиқам боксга қарши. Тўғрироғи, бокс туфайли сафарларда кўп бўлганимдан гоҳо, «Қачон одамларга ўхшаб, эрталаб ишга бориб, кечки пайт уйда бўласиз?» дея зорланади.

— *Билишимча, бир-бирингизни билиб, ёқтириб турмуш қурган экансиз-а?*

— Ҳа, шундай. Уйдагилари айтган экан: «Спортчилар ўн кун уйда бўлса, бир ойни кўчада ўтказишади, бунга чидай оласанми?» деб. Тақдир эканми, ёқтиргани учунми бундай қийинчилик-

ларни ўйламаган. Мабодо, жароҳатлансам ёки бирор жойим кўкариб уйга борсам, барибир атрофимда парвона бўлади. Телевизор орқали жангимни тўғридан-тўғри кўришга бардоши етмай, укамга видео тасмага ёздириб олиб, галаба қилсамгина кўрар экан.

— *Дилшод, мағлубиятга учраганингизда боксчи бўлганингиздан афсусланмайсизми?*

— Албатта, ютқазсангиз қилган меҳнатларингиз пучга чиққанидан ўкинасиш, кўзингизга ўз-ўзидан ёш келади. Кўнглингиз бироз чўқади-ю, лекин умидли дунё экан, кейинги мусобақада энгиш орзуси билан яна янгитдан машаққатли тайёргарлик заҳматини бошлайсиз.

— *Ўз устингизда қандай ишлайсиз?*

— Барча ҳамкасбларим қатори тайёргарлик олиб бораман. Аксарият рақибларим билан қилган жангларимни устозим Ҳамид ака Деҳқонов билан биргаликда кузатиб, йул кўйган хатоларимни бартараф этамиз.

— *Айримлар энгил вазндаги боксчиларга осон дейишади?*

— Бу хато фикр. Негаки, ҳамма вазндаги боксчиларнинг ҳам ўзига яраша «зўр»лари бор. Қолаверса, Осие давлатларидаги боксчиларнинг аксарияти энгил вазнда. Демакки, рақобат ҳам кучли.

— *Спортга кириб келишингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз?*

— Дарҳақиқат, боксга кириб қолишим қизиқ бўлган. Ўртоқларим билан футбол ўйнаётсам акамнинг Шуҳрат деган дўсти келиб, тасодифан: «Боксга борасанми?» деб қолди. Рози бўлдим ва унинг уйидаги кўлбола бокс залига ҳафтада икки марта қатнай бошладим. Ярим йиллар ўтиб, Шуҳрат ака армияга кетиш арафасида мени ҳақиқий бокс залига, тажрибали мураббий Ҳамид ака ҳузурига олиб борди. Илгари якка ўзим шуғулланганим учунми, тажрибаларим асқотиб, анча маҳоратли болалар ҳам кеча келган мендек боладан калтак еганидан кўз олдимда гоҳо сўжиш эшитишган. Кўп ўтмай дастлаб 36 кг вазнда мусобақаларга борадиган бўлдим.

— *Келгуси мақсадларингиз хусусида ҳам икки оғиз...*

— Ҳамма ҳамкасбларим каби менинг ҳам ҳозирги энг катта ниятим Сидней олимпиадасида ғолиб бўлиш. Ҳозирча Япония ва Кореядан таклифлар бўлган. Агарда олимпиадада ниятимга эришсам, таклифлар сони янада ортиши табиий.

— *Ҳеч зарбангизнинг юкини ўлчаб кўрганмисиз?*

— *Йўқ, қизиқмаганман.*

— *Чет давлатларда боксчи дўстларингиз борми?*

— *Сўзсиз кўп. Асосан, ўз вазнимдаги Эрон, Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Куба, Таиланд... Хуллас, қайси давлат боксчилари билан рингга чиққан бўлсам уларнинг аксарияти билан дўстлашиб олганман.*

— *Олимпиада рингларида «эски» рақибларингиздан кимлар билан учрашишингиз мумкин?*

— *Кубалик Ромеро билан дуч келишим эҳтимоли бор. У билан 1998 йилги жаҳон кубогида куч синашиб, юқорида айтган камчиликларим ҳисобига мағлуб бўлгандим.*

**Ҳамид Деҳқонов.** 1957 йил 4 февралда туғилган. Спорт устаси.

— *Ҳамид ака, ҳамкорликларингиз давомида қандай қизиқарли воқеалар бўлган?*

— *1991 йил Волгоградда ўтказилган собиқ Иттифоқнинг 1-ёшлар чемпионатидаги воқеа ҳали-ҳали ёдимда. Дилшод қишлоқдан чиққан бола эмасми, бу давргача ҳали нокдаундга учрамаганди. Хуллас, шу ерда нокдаундга учради. Ҳакам русчалаб бунга қараб санаяпти-ю, у бўлса ютдим деб хурсанд ирғияпти.*

— *Инсон сифатида шогирдингизнинг қайси томонлари ёқади?*

— *Қилган яхшилигингизни ҳеч унутмайди. Гоҳо машғулот давомида қаттиқ ҳам гапираман. Тушуниб, оғир олмайди. Шундай шогирдиарим борлигидан тўғриси, кўнглим гурурга тўлади. Халқаро мусобақаларда ютиб, кўзга кўрингач, айрим мураббийлар ўзларига оғдиришмоқчи ҳам бўлишди. Хурсандманки, менинг меҳнатларимни унутмади. Ўзи ҳам сиз ёнимда бўлсангиз доим ютардим деб қўяди. Эсимдан чиқмайди, 1993 йил «Алпомиш» спорт мажмуидаги мусобақада бир оз кечикиб қолибман. Икки раунд бой берган, 3-раунд давом этарди. Шунда одамлар билан бирга далда бериб, ҳайқира бошладим. У менинг овозимни таниб, руҳланганидан қолган раундларда ютганди.*

— *Боксчи сифатида-чи?*

— *Жуда абжир, чаққон. Катта тезликка эга. Рақибни жаҳон чемпиони бўладими, ким эканидан қатъий назар, саросимага тушмайди. Ажойиб томони ўзимиздагига қараганда чет элда яхши жанг қилади. Чапақай бўлгани учун ноқулай рақиб ҳам.*

*Дилшоднинг бокс фаолиятини кузатар эканмиз, унда ўз касбига ўзгача бир меҳрни кўрдик.*

Машқ қийинчиликларидан тортиб, қўлқопигача, ҳатто ўзига ярашган чиройли ҳаракатлари ила мураббий кўрсатмалари асосида қопни ураркан, юзида қилаётган ишига самимият барқ урарди.

— Қопни муштлаётганингизда ютган рақибингиз кўз олдингизда турар? — сўраймиз ундан.

— Ўйласанг, аччиғинг чиқиб, қаттиқроқ урасан демоқчисизда, — жилмайиб биз томон юзланди у. — Эсимга келади, лекин ўзимни қўлга оламан. Боксда, умуман спортда жаҳлга зўр бериш мағлубиятни бўйнига олишдир. Чунки ақл ишдан чиқади, ҳимоя унутилади.

Машғулот тугаб, кийимларини сумкасига жойлаганча биз билан хайрлашаркан, қадимги ривоятни эсладик.

Бир воҳанинг етти иқлимга номи кетган машҳур ошпази бор экан. Унинг ишини зимдан кузатиб юрган бир йигит ўзи ҳам шундай ширин таом тайёрлай олишини айтиб, дўстларига мақтанганча ишга киришибди. Янада ширин бўлсин дея турли зираворлар ҳам қўшибди. Бироқ барибир ўхшамабди. Қайта ҳаракат қилса ҳам ҳеч ўхшамасмиш.

Хуллас, боши қотган йигит бояги ошпазнинг олдига бориб ишни обдон тушунтирганча ўхшамаслик сабабини сўрабди.

— Ишнинг муваффақияти фақат билишда эмас, ҳунарга ўзни бағишлаб, қалбу меҳрни беришда ҳам, — дебди кекса ошпаз.

Дилшоднинг спортдаги ютуқларининг сабаби ўз соҳасига бутун борлигини бахш этишида эмасми?

Бизнинг ҳам: «Боксга бўлган меҳринг ҳеч қачон сўнмасин, дилинг ҳаминиша шод бўлиб юрсин, Дилшод!» — дегимиз келди.

*Сергей МИХАЙЛОВ:*

## «МУХЛИСЛАР ҚАЛБИГА ЯНА ҚАЙТАМАН»

*Сергей етук боксчи бўлиш билан бирга оилапарвар инсон ҳамдир.  
(Руслан Чагаев, халқаро тошфадаги спорт устаси)*

**Сергей МИХАЙЛОВ** 1976 йил 5 мартда Андижон вилояти, Қорасув шаҳрида туғилган. Вазни 81 кг, бўйи 190 см. «Динамо» спорт жамияти аъзоси.

Андижон Давлат Университетининг жисмоний тарбия факультети 4-курс талабаси.

Халқаро тоифадаги спорт устаси.

Устозлари: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий»лар Александр Размахов, Марс Қўчқоров.

Ёқтирган бокечиси: Атланта олимпиадаси чемпиони қозоғистонлик Василий Жиров.

Оилада туққиз нафар фарзанд: Юрий, Вера, Владимир, Виктор, Вячеслав, Анатолий, Александр, Сергей, Татьяна.

Оилали. Рафиқаси Валентина тикувчи. Кристина исмли қизи бор.

Маълумот учун:

1. Ўсмирлар ўртасида собиқ Иттифоқ чемпионати (1991 йил, 3-ўрин).

2. МДХ биринчи ғолиби (1994 йил).

3. Ўзбекистон чемпиони (1997-2000 йиллар).

4. Ёшлар ўртасида халқаро мусобақа иштирокчиси (Туркия, 1994 йил).

5. Халқаро турнир ғолиби (Покистон, 1997 йил).

6. XIX Осиё чемпионати ғолиби (Малайзия, 1997 йил).

7. Осиё ўйинлари ғолиби (Бангкок, 1998 йил).

8. Халқаро мусобақа (Италия, 1998 йил, 3-ўрин, Чехия, 1998 йил, 3-ўрин).

9. Халқаро мусобақа ғолиби (Туркия, 1999 йил).

10. Жаҳон чемпионати иштирокчиси (Хьюстон, 1999 йил).

11. XX Осиё чемпионати ғолиби (Тошкент, 1999 йил).

12. Ўзбекистон чемпиони (Гулистон, 2000 йил)

13. Халқаро мусобақа ғолиби (Туркия, 2000 йил, 2-ўрин)

Бу дунёда энг мураккаб мавжудот одам экани ҳаммага аён. Шу жиҳатдан олиб қараганда спорт журналистларига қийиндан-қийин. Бунинг устига уларнинг қаҳрамонлари спортнинг у ёки бу турида «иш кўрсатган» бўлиб, аксарияти 20-30 ёш ораси, яъни мақтовга суяги йўқроқ ёшда. Бораркансиз ўйлайсиз: «Ишқилиб оёғи ердан узилганлардан бўлмасин-да... Кайфияти яхшимикин... Қайси томонларини ёритсам мухлисларга қизиқроқ...»

Халқ ўз фарзанди ҳақида имкон қадар маълумотларга эга бўлиши ҳам қарз, ҳам фарз. Бироқ қарс якки қўлдан чиқади деганларидек, мақоланинг савияли чиқиши мухбиргагина боғлиқ



эмаслигини ўқувчи қардан билсин. Улар фақат «саҳнадаги асар»ларнигина кўриб баҳо берадилар. «Саҳна» ортидаги ўзига хос драмалар эса уларга қоронғу.

Минг бир хаёллар билан Андижонга яқинлашар эканмиз, бизни яна бир ўй қийнади. Бизга керак спортчининг рус миллатига мансублиги боис, мақоламизнинг қуруқ расмиятчилик тусидаги савол-жавобдан иборат бўлиб қолиш хавотири...

Аммо рус тилида берилган саломимизга соф ўзбек тили (Андижон шеvasи)да, ҳатто ўта тиниқ талаффузда «алик» олиши, қолаверса, унинг ўзбекча расм-русмларни ўрнига қўйишидан лол қолдик. Ва ўз-ўзидан суҳбатимиз шундан бошланди.

— *Сергей, ўзбек тили, удумларини қандай қилиб бу қадар яхши ўзлаштиргансиз?*

— Синфдошлар, ҳозирги бокс мактабимизда шуғулланувчилар орасида битта рус бўлса — у менман. Яна маҳалламиздагиларнинг аксарияти ўзбеклар бўлиб, ҳавас қилгудек қўшничлик муносабатларимиз бор. Шунинг учун оиламиз аъзоларининг ҳаммаси ўзбекчани ўз она тилидек ўзлаштирган. Ҳатто шу даражада ўзбеклашиб кетганмизки, оиламизда ўзбек оилалари каби гўққиз фарзанд туғилиб вояга етди.

— *Ошлангизда сиздан ташқари яна спортчилар борми?*

— Дадам Ёдгор Александрович асалари боққан, онам Раиса ёғ-мой заводида ишлаган. Ҳозир иккиси ҳам нафақада. Акаларим турли соҳа вакиллари. Фақат биргина синглим Татьяна енгил атлетиканинг узунликка сакраш тури бўйича РОЎБЮда таълим олган.

— *Сергей, гапнинг очиги, олдингизга кела туриб, ҳавойи эмасмикин деган хаёлга ҳам борган эдик.*

— Йўғ-е. Кўпроқ ўзининг қўлидан тузук бир иш келмайдиган, ота-онасининг амали соясида ўсган йигитлар шундай бўлишади. Спорт бу тинимсиз меҳнат, машаққат, изланиш, руҳият тарбиясидир.

— *Шу кунгача ўтказган жангларингизнинг энг яхшиси ва энг ёмони қайси?*

— Самарқанддаги Жаксон хотира турнирида ҳакам «бокс» дейиши биланоқ бир зарба билан рақибимни нокаутга учратгандим. Венгриядаги жаҳон чемпионатида эса ирландиялик боксчи бурнимга қаттиқ зарба бергач, қон тўхтамай жангни мажбуран барвақт тугатганман.

— *Сергей, жуда эрта номингиз оғизга тушганди. Аммо негадир кейинги йилларда исму шарифингиз кам тилга олинмоқда?*

— *Ўзим ҳам буни ҳис этаяпман. Начора, ҳар нарсанинг ўз кўтарилиш ва пасайиш жараёни бўларкан! Ҳозир қўйилиш жараёнини бошдан кечиряпман. Кузатишимча спортчиларда 24-28 ёш оралиғида ўз истеъдодини тўла кўрсатиш имконияти пайдо бўлади. Агар шу ёшда у ўзини тутиб кетса кетди, бўлмаса тамом. Мен ҳозир айнан 24 ёшга қадам қўйдим, имкониятларимни ишга соладиган, ўзимни кўрсатадиган давр энди бошланди. Худо хоҳласа, мухлислар қалбига яна қайтаман.*

— *Дўстларингиз Муҳаммадқодир, Русланларнинг услубига солиштирганда сизда талай камчиликлар бордек?*

— *Нимани назарда тутаётганингизни тушундим. Менда яқиндан жанг қилишнинг иложи йўқ: қўлларим, бўйим узун. Шунинг учун ўрта масофада ёки узоқдан вазиятга қараб ишлашга мажбурман.*

— *Гапингизга қараганда жанг услубингиздан кўнглингиз тўлар эканда?*

— *Бутунлай бўлмаса-да, ҳарқалай ўзимга маъқул. Лекин бу бошқалардан ўрганмайман дегани эмас. Русланни ҳам Муҳаммадқодирни ҳам, қолаверса барча боксчиларнинг услубини кўриб хулоса чиқараман. Ёшлигимдан расм чизишни — ижодни ёқтираман. Шунинг таъсирими, биров раҳмдилман, айримларга ўхшаб ютишимни сезсам-да, аямай уравермайман. Боксда эса ёзилмаган қонуният бор — Сен урмасанг сени уради.*

— *Сергей, ҳозир аксарият ҳаваскор боксчилар Тайсонни ёқтиришади. Сиз эса Жировни...*

— *Биласизми, кўпчилик боксчилар бокс деганда шафқатсизликни тушунадилар. Рингга ҳам руҳан шу кайфиятда чиқишади. Жиров эса аксинча, рингга чиқиб дам олади. Айёрона жанг қилиб, рақибининг асабини бузади-да, ҳимоядан чиқариб, чиройли-чиройли зарбалар билан «сийлайди». Пайти келганда шундай ҳужумга ўтадики, қутулишнинг иложи йўқ. У ҳам айнан менинг вазнимда жанг қилиб, ҳаваскор боксчиларнинг энг юксак соврини Вел Баркер кубоги соҳиби бўлган. Ҳозирда профессионалда «юриш»ини давом эттираяпти.*

— *Тошкентдаги чемпионатнинг дастлабки раундларидаги жангингизни кўриб мухлисларни сиздан ҳафсаласи тир бўлганди. Кутилмаганда қандай қилиб 180 даражага ўзгардингиз?*

— Ярим финалда эронлик Жамол Санатини 2-раунддаёқ нокаут қилганим учунми ўзимга ишониб қолган эканман. Бунинг устига Ўлжас Ўрозалиев Қозоғистоннинг кучли спортчиларидан эди. Хуллас, 2-раунд ичида 2 марта ноқдаунд ҳолатига тушгач, мураббийим Сапа Размаховнинг танаффусдаги гапи қаттиқ таъсир қилди: «Эй, нима қиляяпсан? Кўзингни оч, уйингда — Ўзбекистонда — юртимизда турибсан. Ҳамма сенга қараб турганини биласанми?», деганди ўшанда. Бироқ ғалати характерим бор: танишлар қараб турса, кўнгилдагидек ишлолмайман. Юртимиз мустақиллигига бағишлаб Андижонда ўтган чемпионатда ҳам ҳамма: «Ҳа, ҳа Сергей», дейди. Қани ҳаяжондан чиқиб кетолсам. Чет элларда бўлса, таниш кўзлар йўқ, хотиржам рингга чиқаман.

— *Боксда кўпроқ нимага эътибор берасиз?*

— Техник томондан услубимни қиёмига етказишга ҳаракат қиламан ва албатта, устозларимнинг кўрсатмалари муваффақиятларимнинг асосий гарови деб ҳисоблайман.

— *Спортнинг бу тури билан қачондан буён шугулланасиз?*

— Адашмасам, 6-синфда ўқиб юрган пайтимда боксга қатнайдиغان тенгдошимни ургандим. Кейин у залга таклиф этдида, бокс қўлқопларини кийиб олиб, мени роса урди. Шу воқеа сабаб бўлди-ю, шаҳримиздаги 2-ҳунар-техника билим юртининг бокс тўғарагида Одил Юсупов устозлигида бир йил шугуллангач, бутунлай қизиқиб қолиб, 1989 йил Андижондаги РОЎБЮ га ўқишга кирдим.

— *Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?*

— Футбол ўйнашни ёқтираман. Хорижий ва ўзимизнинг эстрада гуруҳларининг кўшиқлари ва фантастик киноларга вақт ажратаман. Рафиқам билан шаҳримиз бўйлаб кечки салқинда сайр қиламан. Ғалабаларим эвазига берилган «Тико»да ота-онам олдига — Қорасувга борамиз. Қизим Кристина эса овунчоғимизга айланган.

**Валентина Михайлова.** 1980 йилда туғилган, касби тикувчи.

— *Барча қизлар элнинг назарига тушган йигитларни ёқтиради. Айтингчи, бундай инсоннинг аёли бўлиш осонми, қийин?*

— Ҳаёт фақат қувончдан иборат бўлмагани каби таниқли спортчининг умр йўлдоши бўлишнинг ҳам ўзига яраша машаққати бор. Одамлар кўпроқ ғалаба қилиб, ҳамма олқишлаётган ҳолатига эътибор берадилар.

Спортчилар сафарларда кўп юришади, бу ёқда сиз саломатмикан дея доим ташвишланасиз. Гоҳо жароҳатланиб келади. Бироқ телевизорда, айниқса ғалаба қилиб, шоҳсупада турганида унинг шаънига юртимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда кўришнинг гашти барибир бошқача.

— *Ҳойнаҳой, сиз ҳам кўпчилик боксчиларнинг аёллари каби спортнинг бу турига қарши бўлсангиз керак?*

— Унчалик қарши эмасман. Чунки аввалдан билиб, севишиб турмуш қурганмиз. Қаерда бўлса ҳам, соғ бўлсин. Асосийси, ҳалол меҳнат қилапти-ку. Бокс ўзига ёқар экан, қаршилиқ қилсангиз кўнгли оғрийдди. Бироқ аёли бир оз қаршилиқ қилса, боксчи асли хурсанд бўлиши керак. Азбаройи зарба еганда ачинганидан айтади-да. Начора, менинг ҳам пешонамга бокс катта ҳарфлар билан битилган экан, чидайман-да. Дадам ҳам боксчи, бобом эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» Валентин Антонович Золотарёв бўлади.

**Александр Размахов.** «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий».

— *Саша ака, шогирдингиз услубининг энг яхши жиҳатлари тўғрисида икки оғиз?..*

— У ўрта ва узоқ масофада яхши ишлайди. Тўғри ва пастдан рақибига жуда зўр зарба беради. Рақибини алдаб, иложи борича ўзи зарба емай ютишни ёқтиради. Кучли руҳиятга эга. Қийин вазиятдан чиқиб кетишда ўзида куч, ирода топа олади.

— *Гоҳо боксчилар ноҳолислик оқибатида маглубиятга учраганини гапиришади. Айтишларича, 1998 йилги Осиё ўйинларида Сергей ҳам бундай адолатсизликнинг қурбони бўлишига оз қолган экан?*

— Унда Сергей чин маънода жасорат кўрсатганди. Ярим финалда ҳиндистонликни ютгач, финалда Атланта олимпиадасининг кумуш медали соҳиби бўлган корейсга рўбарў бўлди. Мен секундант, Марс ҳайъат аъзолари олдида. Ҳисоб 4:4. Биз бир очко олдинга ўтдик, қани берса...

Марсга қарайман: йўқ ишорасини қилади. Танаффусда Сергейга тушунтирдим. Шундай қилдики, ғалабани бермасликнинг ҳеч иложи қолмади.

— *Олимпиада олдидан ўтган мусобақадаги маглубияти кишини ўйлантиради?*

— Айрим сабабларини ўзи ҳам айтгандир. Мен бошқа томонини айтмоқчиман. Боксчига мусобақалар олдидан хотиржамлик, айниқса, жуда зарур, токи бутун фикру хаёлини бир нуқтага — тайёргарликка қаратиши шарт.

Шогирдларимизнинг ўзига яраша турмуш ташвишлари ҳам гоҳо бунга панд беради. Энди Сидней олимпиадаси олдидан АИБА ижроия қўмитаси аъзоси Ғофур Раҳимов ташаббуси ва ҳомийлиги билан ҳамма олимпиадачиларимиз Франция, Америка, Подольск, Алушта шаҳарларида йиғинларда бўлади. Ўйлайманки, бу ўз самарасини беради.

Сергей билан Андижонда бошланган ушбу суҳбатимиз Тошкент залларида-да давом этди. Ва у билан танишлар таъкидлайдиган бир ҳолатнинг биз ҳам гувоҳи бўлдик. Гуё Сергей бокс дунёсига «адашиб» кириб қолгандай... Унинг ўзига хос фикрларию сўзларида, теран нигоҳида бадиий ижод кишиларининг қалби бўй кўрсатади. Бу эса ўз навбатида барча жангларида ўз изини қолдиради. Кўплаб мухлислар гувоҳи бўлган пойтахтдаги XX Осие чмпионатида у матонат билан мағлубият дунёси эшикларини синдириб чиқаркан, азалий одатига «хилоф» иш қилмайди: ҳакам қўлини кўтаргач, қувончдан сакрамайди, маҳзун рақибига ҳамдардлик билдиргандай чин кўнгилдан сўрашаркан, елкасига қоқиб, сўнг мураббийлари билан самимий кўришгач, халққа юракдан таъзим қилади...

Сиз эса беихтиёр курашчи ҳақидаги қадимий ривоятни ўзининг матлаби қилиб олганми, деб ўйлайсиз.

Хуллас, карвонлар тўхтаб ўтадиган гавжум шаҳарда кучли, ёш полвон бор экан. Рақибини йиқитиб, бир оз босиб тургач, сўнг келишган қоматини кўз-кўз этгандек даврани айланганча: «Яна борми, зўрлардан?» деркан.

Халқнинг нафсониятига тегадиган бу қилиқларни кузатиб юрган бир карвонбоши майдонга секин чиқаркан, унинг истехзоли жилмайишидан муштлари тугилибди. Яна бир аламли манзарани кўришга тайёр турган халқ бир лаҳзада рўй берган тескари вазиятдан донг қотиб, сўнг қий-чув кўтариб, карвонбошини олқишлай кетибди. «Йиқилган курашга тўймас» деганларидек, полвон яна карвонбоши йигитни курашга кўндирибдию, иккинчи марта шарманда бўлибди. Бироқ йигит полвонни қандай тез йиқитган бўлса, шундай тезликда турғазиб:

— Ҳайрон бўлманг биродар, сизни асли мен эмас, полвонларнинг ғазобию, халқнинг нафрати йиқитди, — дебди.

Шу ўринда Олимпиадада фақат ва фақат омад тилар эканмиз, «Сизни элу юртнинг меҳри доимо қўлласин, олганингиз Олтин бўлсин, Серёжа, деймиз!»

*Алишер РАҲИМОВ:*

## «СЕВИШГА ВАҚТ ЙЎҚ»

Алишер РАҲИМОВ 1977 йил 23 октябрда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида туғилган. Бўйи 165 см. Вазни 54 кг. «Динамо» спорт жамияти аъзоси.

Ўзбекистон жисмоний тарбия институтининг 5 курсида сиртдан ўқийди. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Оилада 2 фарзанд: Алишер ва Феруза.

Мураббийи: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» — Михаил Михайлович Романчук.

Ёқтирган боксчиси: Уч карра жаҳон чемпиони Константин Цзю.

Маълумот учун:

1. Ёшлар ўртасида собиқ Иттифоқ ғолиби (1989 йил).
2. Ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ғолиби (1991, 1992, 1993 йиллар).
3. МДХ биринчилиги (Рязан, 1993 йил, 2-ўрин).
4. Ўзбекистон кубоги ғолиби (1995 йил).
5. Акропол кубоги (Греция, 1996 йил, 2-ўрин).
6. Халқаро мусобақа (Эрон, 1996 йил 3-ўрин).
7. Ўзбекистон биринчилиги ғолиби (1997 йил).
8. «Қирол кубоги» (Таиланд, 1997-98-99 йиллар, 3-ўрин).
9. Осиё чемпионати (Малайзия, 1997 йил, 2-ўрин).
10. Жаҳон чемпионати иштирокчиси (Венгрия, 1997 йил).
11. Осиё ўйинлари (1997 йил, 2-ўрин).
12. Гареев хотира турнири ғолиби (Иркутск, 1997 йил).
13. Гринхил хотира кубоги (Покистон, 1998 йил, 2-ўрин).
14. Халқаро мусобақа ғолиби (Истамбул, 1998 йил).
15. Стаханов хотира мусобақаси иштирокчиси (Махачкала, 1998 йил).
16. Жаҳон чемпионати иштирокчиси (Хьюстон, 1999 йил).
17. XX Осиё чемпионати ғолиби (Тошкент, 1999 йил).

— Алишер, кўпинча ота-оналар боксга рухсат беришмайди. Сизда ҳам шундай бўлгандир?

— Менда униси ҳам, буниси ҳам бўлган десам тўғри бўлади, яъни отам (Бахтиёржон — электрпайвандчи) ўзи боришимга сабабчи бўлган. Чунки ўзлари ҳам вақтида боксга қатнашиб, собиқ Иттифоқ мусобақаларида юқори натижаларга эришганди. Онам эса (Марямхон — уй бекаси) нимжон, касалга чалинувчан, қолаверса биргина ўғил бўлганим учунми, математика ёки инглиз тили мутахассислиги бўйича ўқишимни хоҳларди. Хуллас, Москвада даволандим, фойдаси бўлмади, боксга қатнашса, соғайиб кетар дея 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига дадамнинг ўзлари олиб бордилар. Аввал биринчи мураббийим Марат Қурбонов жуссамни кўриб, олишга рози бўлмагач, директор дадамни танишлари бўлганидан юзидан ўтолмай, «майли келиб-кегиб юрар», дея мактабга олди.

— Мана ҳозир қоматингизда касалликдан асар ҳам қолмаганлиги аён. Боксдан ташқари яна қайси спорт турлари билан шуғулланасиз?

— Сузиш, футбол, оғир атлетика, югуриш билан. Чунки буларнинг ҳар бири боксни тўлдиради. Сузиш қўлда ишлашга, футбол оёқда тез ҳаракат қилиб, вазн ушлашга, оғир атлетика оёқда узоқ ишлаб, қўлнинг зарбаларини оширишга, югуриш эса бардошлиликка катта ёрдам беради.

— Шу кунгача кўрсатган натижаларингиздан қониқасизми?

— Йўқ, қониқмайман. Бундан ҳам яхши натижаларга эришсам бўларди. Начора, «жанг қурбонсиз бўлмайди» дейдилар. Лекин шу «қурбонлик»ни айбсиз айбдорига айлансанг алам қиларкан.

— Масалан?

— Масалан, 1998 йил Таиландда ўтказилган «Қирол кубог»да америкалик ва корейлик боксчини енгиб, ярим финалда кубалик жаҳон чемпиони ва совриндори Фонд Волдевар Фонд билан 10:10 ҳисобида жанг қилганимни компьютер кўрсатиб турса-да, йўқ жойдан менга нокдаунд бериб, галабани унга бериб юборишди.

— Ўн йилдан ортиқ бокс фаолиятингиз давомида сизга ҳам бирор марта ноҳақдан галаба беришганми? Мабодо, шундай бўлса, қандай йўл тутардингиз?

— Ҳозиргача менда бундай нохолислик бўлгани йўқ ва бўлишини ҳам истамайман. Чунки мен бунинг «маза»сини тотиб

кўрдим. Агарда ютса, ҳалоли бўлсин, ким бўлишидан қатъий назар. Башарти, шундай ҳол бўлган тақдирда «Менмас, бу ғалаба қилди», дейишга ўзимда куч топа олардим. Бўлмаса бир умр виждон азоби қийнайди мени.

— *Нима деб ўйлайсиз, боксчи жаҳлдор бўлгани яхшими?*

— Йўқ. Менимча, жаҳлдорлик боксчига панд бериб қўйиши мумкин. «Жаҳл чиққанда, ақл қочади» дейдилар. Бокс бу кўчадаги каби, рақибнинг тўғри келган жойига уриб, нокаут қилишдангина иборат эмас. Ўз ўрнида ақлий меҳнат ҳамдир. Рингда унинг жанг услубини тез мушоҳада қилиб, унга муносиб жавоб қайтаришингиз даркор.

— *Алишер, «юлдузлар касаллиги»дан қўрқасизми? Бу касалликка йўлиққанларга муносабатингиз?*

— Бу касалликка йўлиқмайман, деб ўйлайман. Аввало, ўзим бундайларни ёқтирмайман. Қолаверса, ёнимда чин дўстларим кўп. Биз бир-биримиздаги салгина «оғишлар»ни сезиб қолсак, дарров юзимизга айтамыз.

— *Агарда сиз боксчи бўлмаганингизда қайси касбни эгаллаган бўлардингиз?*

— Шубҳасиз, учувчи бўлардим. Бир вақтлар авиаракета моделизмига қизиққанман. Бу борада анча-мунча тажрибалар ҳам ўтказиб, кўнгилдагидек натижаларга эришгандим. Боксга қатнашиб юриб, ёшлар ўртасида собиқ Иттифоқ мусобақасида ғолиб бўлганимдан сўнг, ўзимдан боксчи чиқишига ишонч ҳосил қилиб, учувчилик орзусидан воз кечдим.

— *Ғалабаларингизнинг «сири» нимада деб ўйлайсиз?*

— Биласизми, менимча бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. Фақатгина изланиш, интилиш ва қаттиқ меҳнат ҳамда омад. Рингда ким кучли бўлса, ақл билан ишласа, шу ғалаба қилади.

— *Алишер, кўпчилик одамлар сизларга ҳавас билан қарашади. Сизнингча, уларнинг ҳаваслари ўринлими?*

— Ёш, ўсмир болалар бўлса ҳавас қилибдими, бемалол боксга қатнашишсин. Нафақат боксга, спортнинг қайси тури бўлмасин ўзларини синаб кўрсинлар. Албатта, юқорилаш учунгина эмас, инсонни соғлиги учун ҳам спортнинг роли беқиёс-ку. Агар бизнинг чет элларга боришимиз-у, шоҳсупада турганимизни кўриб, ҳавас қилаётган бўлсалар, ринг ортидаги машаққатларимизни кўрса, боксчига ҳам ўзи ўйлаганчалик «маза» эмаслигини англаган бўларди. Аслида бу дунёда осон ишнинг ўзи йўқ. Фақат унга юракдан берилиб, ўзни бағишлашда гап.



— Боксчини энг ажойиб онлари қачон бўлади?

— Билишимча, қандай мусобақа бўлмасин: Ўзбекистон биринчилигимиз, жаҳон чепмпионатими барибир финалда ютиб, шоҳсупага чиққанингда сенинг шарафингга юртинг байроғи кўтарилиб, мадҳия янграганда, мухлисларнинг гулу олқишларга кўмиб юбориши бу боксчининг энг яйрайдиган они деб ўйлайман. Ойлаб қилган меҳнатларинг, чарчоқларинг «ғалаба қилармиканман?» деган тоғдек оғир ўй бу вақтда елкангдан ағдарилиб, Худога шукур дея қушдай енгил бўласан.

— Ҳойнаҳой, ёқтирган қизингиз бордир. Уйланиш мавриди ҳам келиб қолибди. Тўйни қачон бошламоқчисиз?

Кулиб:

— Биласизми, тўғриси бирор қиз билан бемалол гаплашиб, маъқул келса кўнгил беришга ҳам вақт йўқ. Кўраяпсиз, эрталабдан югуриш, машқ, бир оз дам олгач яна машқ... Мусобақа яқинлашгач, қаттиқ режим асосида тайёргарлик сабаб гоҳо телевизор кўришга ҳам эриниб қоламиз. Яқинда Венгрияга, ундан сўнг Францияга кетамиз. Кўраяпсизки, севишга вақт ҳам, имкон ҳам қолмаяпти. Тўйга келсак, насиб этиб Сидней олимпиадасидан ғалаба билан қайтсак бир гап бўлар...

— Қалбингиздаги орзу, умид, армонларингиз нималардан иборат?

— Орзуим келажакда етук боксчи бўлиб, Олимпиадада Ўзбекистонимиз байроғини жаҳон узра баланд ҳилпирашига ўз улушимни қўшиш.

Армонларимга келсак, неки нуфузли мусобақаларда ғалаба қилмаган бўлсам, буларнинг барчаси мен учун армон.

Умидим эса уч-тўрт йиллардан сўнг профессионал боксга ўтиб, ўз ўрним, услубим ва мухлисларимга эга бўлиш. Ҳозирча Америка ва Канада профессионал бокс клубларидан бўлган таклифларни эрта ҳисоблаб, рад этдим.

— Алишер, кунлик режангизни қандай ташкил қилгансиз? Бўш вақтингизни-чи?

— Эрталаб саҳар туриб, уч-тўрт чақирим чопиш мен учун одатга айланган. Кейин икки маҳал залда тайёргарлик. Орада албатта, дам олиш. Кечки пайт эса иложи бўлса телевизор кўраман ёки ўзим ёқтирган детектив асарларни ўқийман. Қўшиқчилардан Юлдуз Усмонова, «Шаҳзод» гуруҳи қўшиқларини севиб тинглайман. Дам олиш кунлари балиқ тутишни, уй йиғиштиришни ёқтираман.

— *Ўзбек боксчиларидан кимларнинг жанг қилиши услуби сизга ёқади?*

— Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг жанг услубини яхши кўраман. Нафақат услубини, инсон сифатида ўзини ҳам жуда ҳурмат қиламан. Қолаверса, Руслан Чагаев, Рустам Саидовлар мен ёқтирган келажаги порлоқ боксчилардир.

— *Мураббийингизнинг ўргатиши услуби сизни қониқтиради-ми ёки?..*

— Албатта, қониқтиради. Биласизми, устозим Михаил Михайлович ўз касбининг устаси. Ҳақиқий фанат. Гоҳо баъзи масалаларда тортишиб қоламиз. У киши ўз фикрини қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар. Баъзан хато қилдимикин деб ўйласам, охиروқибат доим ҳақ бўлиб чиқадилар. Ўз ишига қаттиқ берилганлар. Биз билан 8-9 соатлаб тоғларда чиниқиш машқларини ўтайдилар. Бир сўз билан айтганда, устозим каби мураббийлар Ўзбекистонда кам топилади, десам ёлғон бўлмайди.

— *Сўнги савол, ёш боксчиларга тилакларингиз?*

— Улар ўз танлаган йўлидан сабот билан ҳаракат қилсинлар. Чекиб, ичишни эса ўзига душман ҳисобласинлар. Бу вазнда у бор, бу вазнда бу бор, эртага яхшироқ тайёргарлик қиламан, бугун озгина дам олай демасинлар. Бугун биз бўлсак, эртага шу ёшлар ўрнимизга келиши керак бўлади. Қолаверса, ринг кучлиларники.

**Михаил Михайлович Романчук.** 1967 йил 17 мартда туғилган. Чирчиқ бокс мактабининг бош мураббийи.

— *Михаил Михайлович, шогирдингиз Алишернинг келажагини қандай тасаввур этасиз?*

— Алишер истеъдодли, техникаси кучли боксчи. Боксда ўз услубига эга. Насиб этса, яқин йилларда жаҳон, Олимпиада чемпиони бўлиб етишишига ишонаман.

— *Чирчиқ бокс мактаби кўтарилши онларини бошляпти десак тўғри бўлади. Бу борада сизларга кимлар мададкор бўлмоқда?*

— Тўғри савол бердингиз. Бу ўринда доим биз билан бирга бўлиб, елкама-елка ишлаётган умумий жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий Рафиқ Диганшенга ташаккур айтишим керак.

Ўзингизга маълум, ҳозир маблағингиз, ҳомийингиз бўлмаса бир қадам олдинга силжиш қийин. Муваффақиятларга эришишимизда ўз беминнат ёрдамларини аямаётган АИБА ижроқўми аъзоси Гофур ака Раҳимовга, Чирчиқ ички ишлари бўлими бошлиғи,

бокс федерацияси раиси, полковник Султон Облабековга, Тоймас Ниезовга, РОЎБЮ директори Эркин Юсуповга шогирдларим ва ўзим номимдан алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман. Сабаби, улар бевосита бизнинг тақдиримиз билан қизиқиб, биздан нима ёрдам керак деб, уй-жой масаласидан тортиб, барча муаммоларимизни ижобий ҳал этилишида доимо мададкор.

Янгиободдаги спорт мажмуида бўлажак мусобақага тайёргарлик жараёнида Алишернинг мураббий кўрсатмалари асосида акс-садолари, зални тутаётган кучли, кескин зарбалари, ишончли ҳаракатларини кузатар эканмиз, мустақил Ўзбекистонимиз байроғини жаҳон ринглари узра боқий тутиб турувчи яна бир бақувват куч пайдо бўлаётганига ишонгимиз келди.

Самимий, оппоқ қор мисол, беғубор бу йигитда кибру ҳаводан асар ҳам учратмайсиз. Илк суҳбатдан кейиниоқ, унга нисбатан ҳурмат ҳисси уйғонади сизда.

Эрталаб тоққа чиқиб кетажагини айтиб, хайрлашаркан, ҳазиллашдим:

— Боксчига қийин дейсиз, буёғи саёҳат экан-ку?

— Ҳам саёҳат, ҳам тижорат дейдилар, — ҳазилга ҳазил билан жавоб берди Алишер. — Бу саёҳат эмас, чидамлилиқни ошириш машғулоти аслида. Биласиз, охириги раундларда боксчига қийин. Шундай ҳал қилувчи паллаларда охиригача чидаб, имкониятни қўлдан бой бермаслик учун баъзан тоғларда кун бўйи ўзимизни ўзимиз мажбур қилиб кезамиз.

Тоққа кўтарилаётган Михаил Романчук бошчилигидаги «сайёҳ»ларга қараб турарканмиз, боксчи ҳам машаққат билан тоққа чиқаётган альпинист экан деган фикрга келдик. Тоғ йўли эса равон эмас. тик қоялару, қулашингизга сабабчи бўладиган омонат тошлардан иборат. Биргина Умид ва Ишонч деган мусаффо туйғуларгина олис чўққи сари сизни олға етаклайди.

Ана, Алишер аста-секин одимлаб бораётпти. Нималарни ўйлаётпти экан шу тоб? Бўлажак Олимпиада масъулиятинидир. Эҳтимол, бой берилган имкониятларни ўйлаб қийналаётгандир... билмадик. Лекин бир нарса аниқ: у тобора юқорилаб бораётпти...

**ЙЎЛИНГ ОҚ, МАНГЛАЙИНГ ЯРҚИРОҚ БЎЛСИН, АЛИШЕР!**

Рустам САИДОВ 1978 йилнинг 6 феввалида Душанбе шаҳрида туғилган.

Вазни 91 кг дан зиёд. Бўйи 190 см. «Динамо» — МҲСК аъзоси.

Тошкент вилояти Чирчиқ туманининг РОБЮда 2-босқич толиби.

Оилада 4 нафар фарзанд: Гулчеҳра, Нигина, Рустам, Наргиза. Халқаро тоифадаги спорт устаси.

Мураббийи «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси»

Михаил Романчук.

Ёқтирган боксчилари: В.Кличко, Л.Люис.

Маълумот учун:

1. Ёшлар ўртасида МДҲ финалчиси (Санкт-Петербург, 1995 йил).

2. Марказий Осиё ўйинлари. (Тошкент, 1995 йил, 3-ўрин).

3. Осиё чемпионати иштирокчиси (Тошкент, 1995 йил)

4. Жанубий Россия чемпионати ғолиби (Краснодар, 1997 йил).

5. Россия чемпионати иштирокчиси (Перм, 1997 йил).

6. Халқаро турнир ғолиби (Челябинск, Садка, 1998 йил).

7. Ўзбекистон чемпионати (Самарқанд, 1997 йил, 2-ўрин).

8. Шапаков турнири ғолиби (Бишкек, 1998 йил).

9. Сидней Жаксон турнири (Жиззах, 1998 йил, 2-ўрин).

10. Галим Жалгапов турнири ғолиби (Қарағанда, 1998 йил).

11. Халқаро мусобақа ғолиби (Греция, 1999 йил).

12. Кучлилар турнири ғолиби (Тошкент, 1999 йил).

13. Марказий Осиё турнири ғолиби (Бишкек, 1999 йил).

14. XX Осиё чемпионати ғолиби (Тошкент, 1999 йил).

15. Галим Жалгапов турнири (Қарағанда, 1999 йил, 2-ўрин).

— *Рустам, болаликда ҳамма нарса қизиқ туюлади. Сизнинг бокс дунёсига кириб келишингиз тасодифми ёки тақдир?*

— Тақдир десам тўғри бўлар. Негаки боксчи бўлишимга маҳалладаги дўстларим сабабчи бўлган. Аслида мен қўл тўпи билан шуғулланардим. Нима бўлди-ю, бир куни улар ўзлари машқ қилаётган 37-меҳнат ўринбосарлари тўғарагига мени ҳам етаклашди. Кўрдиму икки ўт орасида қолдим. Билмадим, биринчи мураббийим Мирзо Шамсиевнинг болаларга муносабатими ё у ердаги шароитми ёки аксарият дўстларимнинг боксдалигими

ҳарқалай қай бирига боришни билмай қолдим. Хуллас, ўйлаб, ўйлаб бокс эркаклар шуғулланадиган спорт, қолаверса опам Нигина (У ҳозир Краснодарнинг «Кубан» клуби ҳамда Россия терма жамоаси дарвозабони, қўл тўпи бўйича жаҳон чемпиони) қўл тўпида деб боксга берилиб кетдим. қизиғи, мени боксга бошлаган йигирмадан ортиқ дўстларимдан биргина мен боксда қолдим.

— *Марказий Осиёда кимни ўзингизга жиддий рақиб деб ҳисоблайсиз? У билан муносабатингиз?*

— Ҳозирча қозоғистонлик Мухторхон Дилдабековни кучли рақибларимдан деб биламан. У кучли зарбга эга бўлган узоқ масофада ишловчи, ўз ўрнида анча-муңча калтакни писанд қилмайдиганлардан. Ринг ортида у билан қалин дўстмиз. Тошкентдаги ХХ Осиё чемпионатида шоҳсупада эканимда мардона келиб: «Рустам, ғалаба муборақ, омадингни берсин!» дея табриклагани ҳали-ҳали ёдимда. Яқинда юртимизга келган экан анча суҳбатлашдик. Меҳмоним бўлди.

— *Мусобақаларга тайёргарликни қандай олиб борасизлар?*

— Эрталаб устозим Михаил Романчук раҳбарлигида стадионда 15-20 дақиқа югураимиз. Кейин жисмоний машқлар ва ўз навбатида бокс залида кунлик тайёргарлик. Овқатланиб дам олгач, соат тўртда иккинчи умумий жисмоний тайёргарлик машғулотлари бошланади. Бокс шундайки, кучли услубга эга бўлсангизу, кучли бўлмасангиз ҳеч нарсага эриша олмайсиз.

— *Бокс жанглари ёзилган видеокассеталарни кўриб борасизми?*

— Имкони борича мураббийимдан олиб кўриб тураман. Яқинда ўзим ёқтирган Люиснинг жангларини кузатдим ва ўзимга керакли хулосаларни чиқардим. Яна Тайсон ва Френсис жангини кўрдим.

— *Боксчи сифатида англиялик Френсиснинг Тайсондан мағлубиятининг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз?*

— Менимча, англияликнинг ўзи айбдор. Ғалаба қилса бўларди. У жисмонан ўта бақувват. Фақатгина озгина руҳият етишмай, чўчиб жанг қилди. Оқибатда...

— *Бокс сизга нима берди?*

— Асосийси ўзимга ишонч руҳиятини берди. Ҳар мусобақа олдидан одам ғалаба қилишни ўйлайди, изланади, интилади. Боксчи умуман, спортчи шундайки, яқинда қийналиб эришган ғалабасининг тафти совимай туриб, яна янги мушкул йўлга отланади...

Мен ўз фаолиятим давомида шу нарсани аниқ билдимки, инсон нимани орзу қилиб шу йўлда меҳнат қилса, албатта мақсадига эришар экан.

— *Умрингизни қайта бошлаш имкони тугилса, қайси касбни танлаган бўлардингиз?*

— Мен асли жарроҳ бўлишни ёшлиқдан орзу қилардим. Шунинг учун мактабда ҳам одам анатомияси, химия каби фанларни боксдан ажратмаган ҳолда алоҳида меҳр билан ўзлаштирдим. Боксчи бўлишни эса хаёлимга ҳам келтирмагандим. Шунчаки ўзим учун шуғулланаяпман дегандим. Дўхтирларни оқ халатда юриб, кишилар жонига оро кириши ёқарди. Тасаввур қилинг, оғир ҳолатда ётган бемор дўхтирлар муолажасидан сўнг кўп ўтмай ўрнидан туриб, чиройли жилмайса... Дўхтир бу ерда бир беморгагина эмас, унинг юзлаб яқинларига кулгу бағишлаган бўлади. Ҳозир ҳам тиббиёт ходимларини энг инсонпарвар касб эгалари сифатида жуда ҳурмат қиламан.

— *Рустам, илгари Краснодарда шуғулланган экансиз. Қай тариқа Чирчиқ бокс мактабига келиб қолдингиз?*

— Опам Нигина туфайли 1996 йил Краснодарга бориб шуғулландим. 1997 йил мураббийим Александр Анфимов билан бирга яна Ўзбекистонга, тўғрироғи Самарқандга келиб, у ерда бир йил шуғулландим. Ўзбекистон чемпионати финалида Лазизбек Зокиров билан жангимга ҳозирги мураббийим Михаил Романчук эътибор берган экан. Янгибоддаги мусобақага тайёргарлик жараёнида мени Чирчиқ бокс мактабига таклиф қилиб, яхшигина шароитлар яратиб беришини айтди. Хуллас, 1998 йил бошларида Чирчиққа жўнадим.

— *Ўзбекистон бокси билан Россия боксининг ўзига хос томонлари нимада?*

— Россия ҳудудий жиҳатдан катта бўлганидан бир вазнда боксчилар ҳам бизга қараганда нисбатан кўпроқ. Рақобат кучли. Бироқ икки бокс мактаби орасида собиқ Иттифоқ таъсири сабабми, узвий яқинлик бор.

— *Боксчи фаолиятида мураббийнинг роли қандай ўрин тутади?*

— Ҳар соҳада ҳам устознинг ўрни юксак мақомга эга деб ўйлайман. Чунки у отамиздан ҳам кўпроқ ёнимизда бўлади. Фабамамизни ҳам, мағлубиятимизни ҳам бирга баҳам кўраемиз. Шахсий ва умумий муаммоларимизни ҳамкорликда ҳал этаемиз. Айтиш мумкинки, боксчи елкасидаги оғирликнинг ярми мураб-

бий елкасида бўлади. Мураббийсиз спортчи ҳеч нарсага эриша олмайди.

— *Ғалабага эришишнинг асосий шарти нимада деб ҳисоблайсиз?*

— Мураббий кўрсатмаларига амал қилиб, интизомга риоя қилишда, деб ўйлайман. Интизомга риоя қилмаган спортчи спортчи эмас. Вақтида овқатланиб, дам олгач, эртароқ машғулотга бориб, кўпроқ шуғулланиш керак. Ким чемпион? Эрта бориб бошқалардан кўпроқ тер тукиб ишлаган.

— *Ўзингизни қандай боксчи ҳисоблайсиз, ҳужумкорми ёки?..*

— Ўзимни вазиятга қараб ишловчи боксчи ҳисоблайман. Ўрни билан ҳужумда, ўрни келса ҳимояда. Умуман, бокс ўзи шундай. Унда шоҳмот-шашка каби ўйланиб ўтириб, ҳужумга ўтмайсиз. Рингда боксчи тақдири ҳар лаҳзада ҳал бўлиши мумкин. Ўзингиз ўйланг, тўрт раунд 8 дақиқа жуда қисқа муддат. Сизни қай тариқа жанг қилишингиз рақибингизга боғлиқ. Унинг ҳам икки қўли, икки оёғи, ўзига яраша тажрибаси бор. Рингда асосийси рақибингизни бўш томонини тез ва тўғри илғаб олиш.

— *Сизнингча Ўзбекистон бокс терма жамоасининг Марказий Осиёдаги жиддий рақиб қайси мамлакат боксчилари?*

— Бу шубҳасиз қозоғистонликлар деб ўйлайман. Чунки қаерда Осиё чемпионати бўлса Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон боксчиларидан бир-иккитасигина финалга чиқади. Қозоғистонликлар эса биз билан изма-из юради. Ва кўпроқ финалда қозоқ боксчилари билан жанг қиламиз.

— *Бокс спортчидан кўп қувват талаб этадиган соҳа. Кўпроқ нима истеъмол қиласиз? Ёқтирган овқатингиз?*

— Боксчилар кўпроқ кучли калориялик гўшт маҳсулотларига эга бўлган овқат истеъмол қилиши керак. Ўзим ошни яхши кўраман. Кўк чой, иссиқ нон билан ош бўлса жоннинг роҳати. Ҳатто Россияда эканимда ҳам ўзбекистонликларнинг кафеларига айнан ош ейиш учун борардим.

— *Ҳаётда нимадан қувонасизу, нимадан ташвишланасиз?*

— Ота-онамни ҳаётлигидан, опа-сингилларим борлигидан қувонаман. Уларга Жаҳон ва Олимпиада мусобақаларида яхши натижаларга эришиб, фарзандлик совғамни йўлласам дейман. Опам Нигина билан Сидней Олимпиадасида бирга иштирок этишни ният қилганмиз. Ташвишларимга келсак, фарзанднинг вақти келиб суякли ота-онасидан ажралишини ўйласам, тасаввур қилолмайман.

— *Бўлажак ёрингиз боксдан кетишингизни илтимос қилса, қандай йўл тутасиз?*

— Менимча турмуш ўртоғим тушунади деб ўйлайман. Чунки бу менинг соҳам, менинг ноним, ҳаётим. Мен бунинг орқасидан оила боқаман. Тўғри, телевизор орқали ёки тўғридан-тўғри рингда тегаётган зарбалардан, кўкарган юзларимиздан жони ачиб, хафа бўлар. Начора бу бокс, тушуниши керак.

— *Вақти келиб боксдан кетсангиз, нима иш билан шуғулланмоқчисиз?*

— Насиб этса ички ишлар органларида ишламоқчиман. Кўраяпсиз, турли нохушликлар бўлаяпти. Инсонларни осуда яшашлари учун юртнинг тинчлиги зарур. Ватан тинч бўлса, ҳамма нарса ўз-ўзидан амалга ошаверади.

**Султон Облабеков.** Чирчиқ шаҳар ички ишлари бўлими бошлиғи, бокс федерацияси раиси, полковник.

— *Султон ака, федерация раиси, ҳам ҳомий сифатида боксчиларга катта ёрдам бераяпсиз экан, бунинг боиси нимада?*

— Ўзим ҳам вақтида велоспорт билан жиддий шуғулланган бўлсам-да, боксдан ҳам беҳабар эмасман. Отам «бировга ҳавас қилу, ўзинг ҳаракат қил», деб кўп айтарди. Биз ўзга юрт спортчиларини кўп мақтаймиз. Асли бизда ҳам бундайлар жуда кўп. Фақат уларни излаб топиб, эътибор билан парваришладда гап. Мана, Андижондан иккита жаҳон чемпиони, тўртта олимпиадада етишди. Мен ўтган йили Жанубий Корёяга борганимда жаҳон ҳаваскор бокс ассоциацияси раиси Анвар Чаудри жаноблари ҳам ўзбек боксчиларидан мамнун эканини такрор-такрор айтганди. Бу мамлакатдаги бир воқеа менга қаттиқ таъсир этди. Бир куни бир корейсдан: «Нима, хориж машиналари ёқмайди-ми, кам миносизлар» деб сўрасам, у : «Йўқ, яхши, лекин ўзимиздан чиққан машиналар ёмон бўлса ҳам ундан яхши», деб жавоб берди. Ўсадиган эл бир-бирини ботирим дейди, миллий гурурни юқори қўяди. Шунинг учун бирор байрам баҳона шаҳар ҳокимияти, «Камолот» ёшлар жамғармаси ҳамда ишлаб-чиқариш ташкилотлари биргаликда спортнинг қайси тури бўйича бўлмасин турли мусобақалар ташкил этамиз. Ўтган йили Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган (9 май Хотира ва Қадрлаш кунида хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган 5 нафар ходимимиз хотирасига бағишлаб мусобақа ташкил этиб, биринчи ва иккинчи ўринни олган 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган



иктидорли болаларни спорт билим юртига имтиҳонсиз қабул қилдик. Бу билан Алишер, Рустам, Ғайрат, Икром каби келажакимиз боксчиларига асос солдик, деб ўйлайман. Мураббий Михаил Романчук эса ўз касбининг фидойиси, болаларни кўнгилдагидек тарбиялайди.

— *Рустамнинг келажаги ҳақида қандай фикрдасиз?*

— Биласизми, Рустамнинг келажаги ҳали олдинда. Аксарият боксчиларни кузатсангиз, 30 ёшларда жаҳон, олимпиада чемпиони бўлишган. Рустам эса энди 22 ёшда, лекин кўрсаткичлари ўзингизга маълум. Худо хоҳласа, Сиднейда юксак кўрсаткичларга эришади деб ўйлайман.

... РУСТАМ — не маъноларни замирида жо этмаган бу сўз. Қаҳрамонлик, вафодорлик, она-Ватанга муҳаббат... Азал-азалдан шарқ халқлари оилада ўғил туғилса, ақлда зуккою кучда тенгсиз бўлсин дея Рустам деб атайдилар.

Ва бу Рустамлар мунис оналарнинг эзгу-ниятлари сабабми аксар шундай бўлиб етишадилар. Бу балки, X асрларда форс-тожик адабиётининг мумтоз вакили Фирдавсий томонидан яратилиб, халқнинг мулкига айланиб кетган «Шоҳнома»даги Рустамнинг ўз «адаш»ларига руҳий мададидир.

Куни кеча 22 баҳорни қаршилаган Рустам Саидов фаолиятини кузатар эканмиз, шунини ўйладик. Кўзларидан болаликнинг учқунлари кетмаган бу йигитни дунёга келишидан қувонган ота-она Рустам Достон бўлсин деб исмлаб бунинг ижобатини кўриб, қувонаётган бўлсалар, не ажаб!

Тошкентдаги XX Осиё чемпионати. Рингда Рустам ва қозогистонлик Мухторхон. Юртдошларимиз ҳайқираётган зал сув қуйгандек тинч. Нима бўлди энди? Кетма-кет олинган 6 та олтиннинг еттинчиси олинмаса?.. Қозогистонлик ҳам анойилардан эмас. Қолаверса, ҳаёт доим бир хил кетавермайди...

Шундай фикрлар гирдобида ўтирган мухлислар хаёллари иккинчи раунддаёқ чилпарчин бўлиб кетди. Кетма-кет нишонга тегаётган зарбалар, чиройли ҳаракатлар... «Ўз-бе-кис-тон», «Ўз-бе-кис-тон», «Рус-там», «Рус-там» деган овозлар садосидан зал титраб кетди. У овозлар ҳали-ҳануз кулоқлар остида жаранглайди. Эшитяпсанми, Рустам, улар сени қўллапти...

АТЛАНТА ИШОНЧИ СИДНЕЙДА  
ОҚЛАНАР...МИ?

Дилшод ЁРБЕКОВ 1974 йил 1 майда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида туғилган. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Самарқанд Давлат Университетининг жисмоний тарбия факультетини битирган. Вазни 71 кг, бўйи 179 см. «Динамо» спорт жамияти аъзоси.

Ўн уч йилдан буён бокс билан шуғулланади.

Оилада олти нафар фарзанд: Розихон, Дилфузахон, Ферузахон, Роҳатхон, Шораҳмат, Дилшод.

Мураббийи: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози».

Михаил Романчук.

Ёқтирган боксчиси: Майк Тайсон.

Маълумот учун:

1. Ўзбекистон чемпиони (1992-1998 йиллар).
2. Собиқ Иттифоқ ёшлари ўртасидаги чемпионат ғолиби (Қарағанда, 1990 йил).
3. Осиё ўйинлари (Хиросима, 1994 йил, 3-ўрин).
4. Жаҳон чемпионати (Берлин, 1995 йил, 3-ўрин).
5. Осиё чемпионати ғолиби (Тошкент, 1995 йил).
6. Атланта чемпионати иштирокчиси (1996 йил).
7. Жаҳон чемпионати иштирокчиси (Венгрия, 1997 йил).
8. «Қирол кубоги» ғолиби (Таиланд, 1997-98 йиллар).
9. Осиё ўйинлари (Бангкок, 1998 йил, 2-ўрин).
10. XX Осиё чемпионати иштирокчиси (Тошкент, 1999 йил)
11. Кучлилар турнири ғолиби (Бангкок, 2000 йил).

— 1995 йили Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида энг яхши боксчилардан бири сифатида тан олингандингиз. Кейин, негадир фаолиятингизда орқага кетишдек ҳолат кузатилди?

— Дастлаб, менга Атланта Олимпиадасида қатнашиш катта қувонч келтирган бўлса, охир-оқибат шунча ташвиш ҳам орттирди. Сабаби ўша олимпиаданинг чорак финалида менга қарши рингга чиққан америкалик боксчи билан очкомизни тенг — 8:8 қилиб, ғалабани унга бериб юборишганди. Бир мунча вақт боксдан кўнглим совиб, ташлаш фикрига ҳам бордим.

— *Вазнингизни нега ўзгартирдингиз? Мураббийингиз кўрсатмаси биланми ёки...*

— Ўзим шундай фикрга келдим. Чунки 75 кг да рингга чиқиб омадим келмади. Ушбу вазнда Венгриядаги жаҳон чемпионатида, Атланта олимпиадасида қатнашиб, имкониятларим етарли бўла туриб, қандайдир бир сабаблар билан мусобақалардан қуруқ қайтавердим. Энди 71 кг да қолдим. Ундан умидим катта. Ажаб эмас 75 нинг губорларини ювиб кетса...

— *Қандай масофада жанг қилиш сизга қулайроқ?*

— Менга масофанинг деярли фарқи йўқ. Уччала вазиятда ҳам бир хилда ишлай оламан. Фақат рақибимга ноқулай масофада жанг олиб боришни ғалабага эришишнинг бирдан-бир йўли деб биламан.

— *Нима учун айнан Майк Тайсонни ёқтирасиз?*

— Менимча у ҳақиқий боксчи.

— *Ашаддий рақибингиз кубалик Эрнандес эди. Нима учун ундан энгилардингиз?*

— Тўғри, биринчи бор ундан мағлубиятга учрагандим. Ютқазим сабаби у билан яқин масофада ишламаганлигим эканини тушунгач, Эрнандесни 1995 йилги жаҳон чемпионатида, сўнгра 1996 йилги Олимпиада олдидан ўтказилган саралаш мусобақасида ютган эдим. Бироқ ҳакамларнинг «ҳолис» хизмати туфайли ғалабани унга топширдим.

— *Рақибингизни «очиқ» кутиб олишингиз руҳий ҳужумми ёки услубингиз?*

— Жўртгага бундай қилмайман. Бу болалиқдаги шўхликлардан қолган «асорат» бўлса керак.

— *Дилшод, боксдаги энг ажойиб кунингиз қайси?*

— Собиқ Иттифоқ даврида ёшлар ўртасида ўтказилган Қарағандадаги мусобақада голиб чиқиб, ўн олти ёшимда спорт устаси бўлгандим.

— *Юртимиз ҳаваскор боксчилари билан дунё ҳаваскор боксчиларини таққослаганда спортчиларимизнинг ютуқ ва камчиликлари сизнингча, нимада?*

— Ҳамкасбларимнинг бир-бирига доимо кўмаклашиб, жон куйдириши, айниқса ёқади. Биздаги боксчилар ўзим бўлсам бўлди, деган фикрдан йироқ.

Камчилигига келсак, мураббийларимиз орасида халқаро майдонларда ҳакамлик қиладиганларининг жуда камлиги. Агар

ватанимиздан ҳам нуфузли мусобақаларни бошқарадиганлар кўп бўлганда, бизларни камроқ «чалишар»миди? Негаки, бизнинг бошга солган кунни вақти келиб, ўзбекистонлик ҳакам ҳам шогирдига «инъом» этишидан кўрқади.

— Сизнингча, мураббийлар шогирдларининг қайси томонларига эътибор беришса, янада фойдали бўларди?

— Авваллари гўёки қонундек бўлган бир ҳолат бор эди. Мураббийми унинг гапи-гап, сўзи-сўз. Шогирд эса мисоли роботдек, бефикр бўлиши лозим эди. Мана ҳозир бу нарсалар барҳам топиб, боксчилар сўзига ҳам қулоқ солишадиган бўлишгач, ўзининг ижобий натижаларини берапти.

— Кўпчилик сизни Атланта Олимпиадасида голиб бўлади деб ишонганди. Эҳтимол, бу ишонч Сиднейда оқланар?

— Ҳа, шундай бўлганди. Ўзим ҳам шубҳа қилмасдим. Бироқ юқорида айтганидек, ўзимга боғлиқ бўлмаган жиҳатлар билан «бронза»ни ҳам кўп кўришди. Энди Сиднейга келсак, бу олимпиадага ҳам дунёнинг «мана-ман» деган боксчилари келиши аниқ. Ҳар бирининг кўнглида ғалабага иштиёқ кучлилиги, шубҳасиз. Худди шунингдек, менинг ҳам. Лекин ҳозирдан катта гапиролмайман. Чунки бир сафар оғзим куйди...

— Дилишод, нима учун айнан боксчи бўлгансиз?

— Билмайман. Мана айтайлик, сиз нима учун журналист бўлгансиз? Сабабини ўзингиз ҳам тўла тушунмайсиз, тўғрими? Мен ҳам шундай. Аммо боксни нимасидир мени ўзига тортиб туради.

— Йўқса, нега орада боксни ташлаб кетдингиз?

— Сабаблари жуда кўп. Мураббийлар билан ҳам муросамиз келишмай қолди. Бунинг устига оёғим аниқроғи, тиззам қаттиқ оғриди. Хуллас, 1993 йилнинг охирларида боксдан кетиб, 1994 йилнинг бошларида бусиз яшай олмаслигимни ҳис қилиб, яна шуғуллана бошладим.

— Суҳбатимиз сўнггида, боксга кириб келишингизга аниқлик киритсангиз.

— Болалигимда билмадим, оиламизнинг кенжа фарзанди бўлганим сабабими, маҳалламиздаги болалар билан кўп уришар эдим. Шунинг учун бўлса керак, амакимнинг ўғли Машраббой 6-синфда ўқиётган чоғларим туманимиздаги бокс тўғарагининг раҳбари, биринчи устозим Эркин Эргашевга олиб бориб топширди. Шу-шу бўлди-ю, боксдан кетолмай қолдим.

Михаил Михайлович Романчук. Мураббий.

— Ёрбековга бўлган ишончингизнинг асослари нимада?

— Дилшод бошқа шогирдларимга нисбатан анча тажрибали. Қолаверса, у олимпиада ўйинларида иккинчи бор қатнашиши. Атлантадаги 8:8 аламини олиш ниятидамиз. Яқинда Америкада бўлган йиғиндаги профессионал боксчилар билан синов жанги натижалари умидларимизни янада жонлантирди. Унинг барча услуби, техник, тактик томони жойида. Гап энди омаднинг келишига ҳам боғлиқ.

Синов жанги. Дилшод рақибига оёғида тез-тез ҳаракат қилганча ҳужумга ўтаркан, гўё бирдан ўзидан ҳафсаласи пир бўлгандек, қўллари пастга туширди. Сўнгра бир-икки ёнига сакраркан, туйқус ўлжасини ҳис этган бургут мисол тўхтаб, тиззаларини биров эгганча кўзларини рақибига қаттиқ қадади. Рақибининг ёндан берган зарбаларига укасини эрка ҳужумидан завқланган акадек, эпчиллик билан чап бераркан, тўсатдан юзига кетма-кет мушт туширди. Ҳужум чизигида ҳимояни унутган рақиб эса кутилмаган бу «совға»дан довдираганча полга ўтириб қолди...

— Шундай бўлишини сезганмидингиз ё бу тасодифми?..

— Бу каби «хунук» тугагини ўйламагандиму, лекин шу услубни қўллашдан бошқа чорам ҳам қолмаганди.

Яна тайёргарлик давом этади. Зарбалар, қўлқоплар садоси зални тутати. Буларнинг бари Олимпиада деб аталмиш энг баланд чўққига чиқиш йўлидаги чекилаётган машаққатлардир. Аммо у юксакликни ишғол этишнинг ўзи кифоя эмас. Ҳали дунёнинг турфа бурчакларидан умидларини маҳкам бағрига босганча ишонч карвонлари манзилга кўтарилмоқда. Гап улар билан мардларча жанг қилиб, енгилди! Шундагина Сидней номили юртнинг мусаффо осмонидан кичик, лекин бутун бир халқ кўнглини нурафшон этувчи юлдузча ҳады этилади.

## ТАНИШИНГ: «... ЧЕМПИОНИ ШЕРЗОД ҲУСАНОВ!»

*Шерзод — қўрқув билмас жангчи йигит. Кўнгилдагидек тарбия қилинса, ундан юртимиз шаънининг муносиб ҳимоячиси чиқади».*

*(Марс Қўчқоров. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий)*

**Шерзод ҲУСАНОВ** 1980 йил 27 январда Фарғона шаҳрида туғилган.

Вазни 67 кг, бўйи 180 см.

Халқаро тоифадаги спорт устаси. МҲСК аъзоси. Саккиз йилдан буён бокс билан шуғулланади.

Устози Борис Баталов.

Ёқтирган боксчилари: Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев.

Оилада беш нафар фарзанд: Шухрат, Шоҳида, Шерзод, Шароф, Шоҳиста.

Маълумот учун:

1. Жаксон хотира турнири ғолиби (Чирчиқ, 1997).
2. Ёшлар орасида Ўзбекистон чемпиони (Чирчиқ, 1997)
3. Халқаро мусобақа ғолиби (Ҳиндистон, 1998).
4. Ёшлар ўртасида Осиё чемпионати ғолиби (Ганланд, 1998).
5. Кучлилар турнири ғолиби (Тошкент, 1999).
6. Халқаро мусобақа ғолиби (Жанубий Корея, 2000).
7. Халқаро турнир ғолиби (Украина, 2-раунд накаут).
8. Аҳмад Гомер турнири (Туркия, 2000, 2-ўрин).
9. Халқаро турнир ғолиби (Москва, 2000).

Уни дастлаб кўриб суҳбатлашган олам, умуман боксчига ўхшатмайди, на суратида, на сийратида. Аксарият соҳа вакилларининг касби нуқидан билиниб турса, унинг юзу кўзларидан боксининг бешафқат муҳрларини кўрмайсиз. Беғубор, мулойим нигоҳ, ширин муомала... хуллас, бир ҳамсуҳбат бўлган киши Фарғонада шундай ажойиб йигит борлигини гапириб юради. Лекин хоҳлайсизми, йўқми бу ўша — машаққат билан ўзига йўл очиб, бокс дунёсига кириб келаётган ёш олимпиячиларимиздан бири — Шерзод Ҳусанов бўлади. У юртимиз мустақилликка эришганидан то 1998 йилгача мамлакатимиз шаънини сидқидилдан ҳимоя этиб, ҳозирда Исроилда профессионал бокс клубида

шуғулланаётган Наримон Отаев билан сўнгги бор Хоразмдаги мусобақада рингга чиқиб, ўзининг муносиб ўринбосарлигини кўрсатган.

Шерзод халқаро мусобақаларга боргач, бокс саҳнасига қадам қўяркан, фуқаролик «либос»ларини ринг «кийим»ларига аста алмаштиради. Зеро, ринг кўнда раҳмдилликни хуш кўравермайди. Ғалаба қилмоқ эса жуда зарур. Ахир орқада она юрт — Ўзбекистон қараб турибди...

— Шерзод, ҳанузгача кўнлаб бокс шиқибозларига сир булиб турибсиз. Суҳбатимизни шу «сир»ни очишдан бошласак.

— Биласиз, халқимизда «қонида бор», деган гап бор. Оиламизни яқиндан билганлар ҳам шундай дейишади. Сабаби, дадам асли тиббиёт ходими бўлса-да, вақтида бокс билан жиддий шуғулланиб, спорт устаси бўлган.

Уйимизда, албатта, бокс қўлқопи осиглиқ турарди. Дадам 5-6 ёшимиздан оилавий мусобақа ўтказарди. Хонани икки бурчагига турғазиб қўйиб таништирарди: «Ўнг бурчақда, қизил рангли кийимда жаҳон чемпиони фалончи, чап бурчақда олимпиада голиби пистончи»... Хуллас, фаришталар омин деб, боксга илк меҳр уруғлари ўша пайтда қалбимизга қадалган бўлса керак. Йўқса рассомликка бўлган иштиёқим, истеъдодим ҳам ёмон эмасди. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтим шаҳар мактаблараро ўтказилган мусобақада бобомиз Абу Райҳон Беруний сурадини чизиб, голиб ҳам чиққандим. Начора, бокс бизни ўзига оғдириб кетди. Эндиликда укам Шароф ҳам менинг вазнимда юртимизнинг иккинчи рақамли боксчиси.

— Шу кунгача ўтказган қайси жанларингизни энг ёрқини деб ҳисоблайсиз?

— Украинада ўтказилган халқаро мусобақада 2-раунддаёқ накаутга учратиб, рақибимни дори-дармон билан зўрға турғазингани ёқса-да, 1997 йилдаги 80-81 йилда туғилган болалар ўртасидаги Жаксон хотира турниридаги ғалабам барибир энг «оловли жанг» сифатида ёдимдан чиқмаса керак. Эсласам, бутун вужудим музлаб кетади. Қисқаси, 4 марта Ўзбекистон чемпиони қорақалпоғистонлик Келдибек Ибисинов билан рингга чиқдим. Кўнлаб спортчилар кулган, гўё ўт билан сув туғри келгандек эди. Биринчи раундда 5:0 га ютқаздим. Кейинги раундда ғалаба масъулиятини ўйлаб, «жон чиқиш»га ташлашдим. Ўта оғир бўлган бу жангда 18:8 га голиб чиқиб, мен учун энг унутилмас воқеа — Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилиндим.

— Тошкентдаги ХХ Осиё чемпионатида негадир рингга чиқмадингиз?

— Эҳ, нимасини айтасиз, ёмон хафа қилишди ўшанда. Ҳатто, шундай ажойиб мусобақани кўриш тугул, бокс қўлқопига да қарагим келмай, уйга кетиб қолдим. Менинг ўрнимга Сирожиддин Наимовни туширишди. Уёғи эса барчага маълум... Йўқ, тақдир қўшган бўлса барибир ўзгага насиб этмас экан-у, фақат кўнгил огриғи ёмон экан-да..

— Жанубий Кореядаги мусобақада беш боксчимиздан биргина сиз йўлланмани қўлга киритиб қайтдингиз. Қийин бўлмадимми?

— Ўзига яраша мушкулликлар бўлди. Юртингиз эмас-да ҳарқалай. Менга юқоридаги алам ўти туфайли галабадан бошқа йўл қолмаганди. Биринчи жангни япониялик билан ўтказиб, 2-раунддаёқ тўхтатишга мажбур этдим. Ярим финал эса ўта тахликали, қийин бўлди. Рақибим эронлик анча тажрибали, Атланта олимпиадаси иштирокчиси эди. Бунинг устига жанг 27 январь — туғилган кунимга тўғри келди. Қийналиб бўлса-да, ютдим. Финалда покистонлик рақибим икки йўлланманинг бири унга насиб этгани учунми, жангсиз таслим бўлди.

— Дарҳақиқат, Артур Григорян ва Муҳаммадқодир Абдуллаевларнинг айнан қайси томонлари ёқади?

— Григоряни қўл ва оёқ тезлигига, Абдуллаевнинг охирига қадар қўли тушмай жанг қилишига қойил қоламан. Қийин вазиятларда ҳам улар эсанкираб қолишмайди. Айтайлик, биринчи раундни қай ҳолатда бошлашса, то охиригача жанговарликни сақлай билишади.

— Тайсонга муносабатингиз-чи?

— Албатта, яхши боксчи. Менимча, уни руҳан эзиб юборишди. Оқибатда эса ўта асабий бўлиб қолди. Бу нарса рингда унга қимматга тушиши мумкин.

— Рақибингизга қай тахлит зарба беришни ёқтирасиз?

— Тўғриси, кетма-кет зарба беришни яхши кўраман. Россияликни ҳам шундай қилиб нокаутга учратгандим.

— Қандай масофада ишлаш сизга қулай?

— Буни мен эмас, рақибим белгилайди. Унга қайси масофада ишлаш ноқулай бўлса, мен шу услубда иложи борича жанг олиб боришга ҳаракат қиламан.

— Хорижда бўлганингизда бирор қизиқ ҳолатни бошдан кечирдингизми?



— Деҳлига борганимизда ажойиб воқеа содир бўлди. Ейиш учун банан сотиб олиб кетаётсак, меҳмонлигимизни билиб, думларини хода қилганча маймунлар қувлаб қолса бўладими? Оёғимизда шиппак, қочаётиб йиқилдик. Маймунлар бўлса, хотиржам ҳамма бананларни териб кетишди.

— *Ғалабаларга эришишингизда нималарни асосий мезон деб ўйлайсиз?*

— Устоз ва дадамнинг ўринди маслаҳатлари, боксчи дўстларимнинг йўл-йўриқлари, хатоларимдан тўғри хулоса чиқариш... Лекин шу ўринда бир инсонни алоҳида таъкидлаган ҳолда чуқур миннатдорчилик билдиришни истардим. Булар — ҳамюртим Дилшод Йўлдошев ҳамда менга қолаверса, барча ночор оилаларга беминнат ёрдамини аямайдиган сунъий чарм заводи директори Маъмуржон ака Мамажоновдир.

— *Шерзод, фаолиятингиз билан танишар эканмиз, келажакда етук боксчи бўлишингизга ишонган ҳолда машҳурликка банди бўлмасмикан деган хавотир ҳам бор...*

— Манманлиқдан Худо сақласин. Мен ҳам оддий халқнинг ичидан чиққан боламан. Ёш бўлсам-да, анча-мунча қийинчиликларни бошдан ўтказдим. 96-йиллар тақдир тақозоси билан дадамдан айро яшашга мажбур бўлдик. Акам армияда, онам уй бекаси, оиланинг каттаси мен. Қўлдан келганча пул топиш, мактаб, машғулот... Ишонсангиз буханкани сувга бўктириб еб, укам Шароф билан залга кириб кетган кунларимиз ҳам бўлган. Боксни ташлай десам дадам хатларида қагтиқ шуғулланишга даъват этади... У кунларни унутиб бўларканми? Улуғларимиздан бири айтган:

Улуғликка етсанг янглишма ўзинг,  
Атлас кийсанг агар унутма бўзинг.

— *Шерзод, эзгу орзулар билан чарм қўлқоп кияётган болажонларга тилакларингиз?*

— Тилак билдиришга ёшманмикан... Майли, қайси соҳани танламасин борлигини бағишласинлар, ўзига яраша машаққатларга бардош бериб ўтсалар, шубҳасиз роҳати ҳам булади.

**Борис Баталов**, мураббий. 1944 йил Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида туғилган.

— Шерзод билан 8 йилдан буён ишлаётган бўлсак, нафақат боксчи сифатида, шу билан бирга ажойиб йигитлиги билан ҳам меҳримни қозонди. Ҳар бир ишда тартиб-интизомни ёқтиради. Унда боксчи учун зарур бўлган барча хусусиятлар мавжуд деб ўйлайман. Ёшлиги, бунинг устига бундай олимпиадада биринчи марта қатнашаётганини ўйлаб: «Юқорироқ ўринни эгаллармикансан?», десам, «Нима деяпсиз? Худо хоҳласа, ғалаба қиламан!» деганидан кўнглим кўтарилиб кетди. Ҳозирда у билан тез зарба беришни меъёрига етказаяпмиз.

**Олимжон Ҳусанов.** 1949 йил Фарғона шаҳрида туғилган. Бокс бўйича спорт устаси.

— *Олимжон ака, кўпинча оталар ўзи танлаган соҳани ўзига раво кўрмайди. Сиз эса...*

— Саволингиз тўғри. Бироқ барибир боланинг ўзида қизиқиш, истеъдод бўлса, қаршилик қилсангиз-да бир куни чиқади. Мен спортнинг фойдасини тушунганим учун ҳам ҳеч қаршилик қилмадим, аксинча рағбатлантирардим. Қолаверса, Шерзодда спортга ўзгача меҳр бор эди. Ёшлигидан барча болаларимни саҳар турғизиб югуртираётган бўлсам-да, у ҳеч қачон айримларига ўхшаб, бирон марта уйқуни афзал билмаган.

— *Мана, йигирма олти йил бокс билан ошно бўлган экансиз. У туфайли қалбингизда нима қувончу, нима армон қолди?*

— Аввало, Худога шукур, спорт туфайли эллик ёшдан ўтаётган бўлсам-да, соппа-соғман. Мусобақаларда кўнгилдагидек ютуқларга эришиб, ўзига яраша шодликлар бўлди. Бироқ собиқ Иттифоқдан нарига чиқолмадик-да. Ҳозирги спортчилардаги имкониятларга ҳавасим келиб, гоҳо: «Қани энди 20 яшар бўлиб қолсам», дейман.

Шукурки, икки ўғлим — Шерзод ва Шароф армонларимга малҳам бўладигандек.

**Муҳаммадқодир Абдуллаев,** бокс бўйича жаҳон чемпиони.

— *Муҳаммадқодир, икки-уч йилдирки Шерзод ҳам сизлар билан бирга халқаро мусобақаларда қатнашяпти. Унинг фаолияти ҳақида фикрингиз?*

— Шерзоднинг биринчи марта рингдаги жангини кўрибоқ келажаги борлигига ишонгандим. Унда боксчи учун энг муҳим бўлган нарса — метин руҳият бор. Рингга чиқдим, рақибим кимлигидан қатъий назар ютиш учун имкони борича уринади. Унинг яна бир менга ёқадиган хислати «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» де-

ганларидек, ўзаро йигин бўладими нуфузли мусобақами ютса ҳам ташқаридан кузатаётган бўлсак, албатта келиб сўрайди: «Қандай камчиликка йўл қўйдим?» ёки бирор усулни чиқара олмаётган бўлса, тортинмай маслаҳат олади. Биз билан «пара»да ишлашдан чўчимайди.

Аниқлашларича, аксарият дарахтларнинг илдизи бўйи қадар узун бўларкан. Ва бу дарахтлар анча-мунча шамол, тўполонга парво қилмас — қўпорилмас экан. Асли америкалик бўлган, тақдир тақозоси билан юртимизга келиб, ўзбек бокс мактабига асос солган Сидней Жаксоннинг илк ниҳолларидан бутун улкан бир боғ пайдо бўлдиким, унга бутун дунёнинг қизиқиши, ҳайрати ортмоқда. Давр талотўпларига дош бериб, ўзининг мавжудлигини 1974 йилда бир бор юксак саҳнадан намоёиш этаркан, қачонлардир албатта, бутун борлиғи билан намоён бўлажagini эслатгандек бўлди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, бу боғ бутун сиру-сумба-ти билан халқаро саҳналарга чиқаркан, бокс дунёси уларни кўрганда ҳушёр тортадиган бўлишди. Ахир, синмаган дарахтларнинг мағрур қиёфалари — М.Абдуллаев, Ў.Ҳайдаров, А.ё Григорян, Р.Чагаев, Т.Турғунов, С.Михайловлар юз кўрсата бошлади-да.

Эндиликда Шерзод ҳам буларнинг этагидан тутганча ўзлигини намоён эта бошлади. Ўз навбатида элнинг унга қизиқиши, ҳурмати ортаяпти. Энг муҳими ҳам юртга хизмат қилиб, унинг меҳрини қозонмоқ эмасми? Суҳбатимизни хулосалар эканмиз улуг ҳофизимизнинг самимий тилагини унга-да илиндик: «Эл суйган ўғлон бўлинг!»

## СИДНЕЙГА ОТЛАНГАН ОРЗУЛАР

Халқда юз йил ўйлаб битта гапиради, дейдилар. Бу узоқ ўйларнинг маҳсули бўлган мақоллар эса нишоннинг қоқ марказига теккан ўқни эслатади. Шу боисдан, ҳар бир юксак маррани кўзлаган кимса борки, кўнглидан бот-бот халқнинг: «Яхши ният ярим давлат» сўзларини ўтказаркан, орзунинг оппоқ қанотларига кўнганча мақсад сари интилади. Олислардан эса унинг бутун вужудига қувват бахш этувчи яна бир оҳанрабо нур ўзига чорлайверади. чорлайверади... бу ёлқин УМИДдир.

Шу ўринда катта довон — Сидней олимпиадаси сари отланган, элимиз ишончи бўлган боксчиларимизнинг кўнглида нима гап?

1. Муҳаммадқодир Абдуллаев (1999 йил Тошкентдаги XX Осиё чемпионатида йўлланма олган).

— Худо хоҳласа, халқимизга Олимпиаданинг олтин медалини тортиқ қиламан.

2. Ўткирбек Ҳайдаров (Андижон, 2000 йил Бангкокда йўлланма олган).

— Энг улуғ ниятим: Оллоҳ ол қулим деб, Олимпиада ғолиби бўлиш.

3. Тўлқинбой Турғунов (Андижон, 1999 йил Тошкентдаги XX Осиё чемпионатида йўлланма олган).

— Фикру зикрим насиб этиб, биринчи бўлмоқ.

4. Руслан Чагаев (Андижон, 1999 йил Тошкентдаги XX Осиё чемпионатида йўлланма олган).

— Оллоҳдан тилагим албатта, Олимпиада чемпиони бўлиш. Яна истардимки. Финалда Савонни ютсам...

5. Сергей Михайлов (Андижон, 1999 йил Тошкентдаги XX Осиё чемпионатида йўлланма олган).

— Олимпиадада ютиб, Сиднейни бошимга кўтариб, ҳайқариш...

6. Дилшод Ёрбеков (Самарқанд-Тошкент, 2000 йил Бангкокда йўлланма олган).

— Албатта, ниятим улуғ. Бироқ олдиндан катта гапирмайман.

7. Алишер Раҳимов (Хоразм-Чирчиқ, 1999 йил Тошкентдаги XX Осиё чемпионатида йўлланма олган).

— Ўзга эзгу-ниятим йўқ, ҳозир чемпионликдан бошқа.

8. Дилшод Йўлдошев (Фарғона, 1999 йил Тошкентдаги XX Осиё чемпионатида йўлланма олган).

— Худо қўллаб, албатта ғолиб бўлиш орзуим.

9. Рустам Саидов (Чирчиқ, 1999 йил Тошкентдаги XX Осиё чемпионатида йўлланма олган).

— Ҳаммаси кучли, лекин тушқун кайфиятда эмасман.

10. Шерзод Ҳусанов (Фарғона, 2000 йил Жанубий Кореяда йўлланма олган).

— Кўнглимда ишонч бор. Яратган омадимни берса бас.

## ... ЮРТ ШАЪНИ ҲАР НАРСАДАН УЛУФ

Президентимизнинг «Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри (Австралия)даги XXVII олимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб, очиғи бошим осмонга етди. Чунки халқимиз мутақилликка эришганидан буён юртбошимизнинг биринчи навбатда спортга катта эътибор қаратаётгани ҳаммамизга аён. Бу Фармон эса биз спортчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг навбатдаги ажойиб намунаси бўлиб, ўз навбатида бизга билдирилган улкан ишонч ва масъулиятдир. Ушбу Фармонда ғолибларга талай пул мукофотлари ҳам таъсис этилибди. Биз мукофотларнинг қийматидан қатъий назар, энг сўнгги имкон қадар галаба қилишга ҳаракат қиламиз. Зеро, шундай она-Ватан шаънини ҳимоя этиш биз спортчиларнинг ҳам зиммасига тушган экан, бундай шарафли вазифани виждонан адо этмаслик гуноҳи азимдир.

*Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ,  
бокс бўйича жаҳон чемпиони*

## МИННАТДОРЛИК

Андижон бокс мактаби нафақат республикада, балки дунёда ҳам ўз ўрни, нуфузига эга бўлаётгани барчага аён. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Бунинг замирида бир неча ўнлаб боксчилару, мураббийлар, фидойи инсонлар ва қўли очиқ ҳомийларнинг беминнат ёрдами, машаққатли меҳнати ётибди. Мамлакатимиз истиқлолидан сўнг бир неча Осиё, Жаҳон чемпионларининг етишиб чиқишида шубҳасиз, бу инсонларнинг улуши беқиёс. Шу ўринда биз мураббийлар улар меҳнатини доимо қадрлаган, улуғлаган ҳолда вилоят ИИБ (бошлиғи полковник Дилмурод Оқмирзаев, ўринбосари полковник Мадаминжон Шамсутдинов)га, вилоят «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти (бошлиқ ўринбосари Абдулло Зинаидов)га, вилоят ҳокимиятига, вилоят спорт қўмитаси (раиси Мадор Муҳитдинов)га, «Латин» хусусий савдо фирмаси (директори Нурматбой Латифжонов)га, малакали ўринбосарлар тайёрлаб бераётган вилоят

РОЎБЮ (директори Дилшод Ҳамзаев)га чуқур миннатдорчилик билдирамиз. Айниқса, шогирдларимизнинг ИИБнинг махсус хизматларига жалб этилиб, кўримсиз ҳолга келиб қолган машғулот залимизнинг дунё андозаларига мос тарзда жиҳозлаб, таъмирланиши, ғалабаларимизнинг юксак тақдирланиши, моддий ва маънавий қувватлаш — буларнинг бари бизнинг янги-янги ютуқларни қўлга киритишимизга замин ҳозирламоқда. Биз спортчилар уларга ва барча ёрдам қўлини чўзаётган ҳимматли инсонларга ташаккур айтиб, имкон қадар ишончларини оқлаб, юртимиз байроғини дунё рингларида баланд кўтаришга ҳаракат қиламиз.

*Марс ҚУЧҚОРОВ,  
Александр РАЗМАХОВ,*

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийлар*

## ХАЛҚИМИЗ УМИДИ ОҚЛАНАР АЛБАТ

Бизнинг «Динамо» спорт жамиятимизга яккакураш турлари вакиллариининг барчаси жамланган бўлиб, булар орасида, айниқса, боксчиларимиз алоҳида ўрин эгаллайди. Буни уларнинг Сидней олимпиадасида деярли тўлиқ таркиб билан йўлланма олиши ҳам кўрсатиб турибди. Улар халқимиз ишончини юракдан ҳис этиб, ғолиблар сафида бўлади, деб умид қиламан.

Сабаби ўтган Атланта Олимпиадасидаёқ биринчи маротаба қатнашган юртимиз спортчиларидан боксчимиз Карим Тўлагановнинг 200 га яқин мамлакат спортчилари орасида бронза медалини қўлга киритиши ишончимизга асос бўлади. Албатта, ушбу олимпиада масъулияти, шижоати, кураши осон кечмайди. Унда мана-ман деган спортчилар жон-жаҳди билан юрти, миллати, шаъни учун қаттиқ курашадилар. Бу борада мамлакатимиз «Чарм қўлқоп» усталари ҳам Она-Ватанимиз қадри қимматини барча нарсадан юқори қўйиши, шубҳасиздир. Негаки, ўзим бевосита иштирок этган Осиё ўйинлари (Таиланд, 1998 йил)да бунинг гувоҳи бўлдим. Унда спортчиларимиздан 9 нафари мурасасиз жангларда матонатнинг олий намуналарини намойиш этиб, ғолиб бўлганди. Улар шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда бутун томошабину мусоба-

қага ташриф буюрган Таиланд ҳукумат раҳбарларининг тик туриб олқишлагани нафақат спортчиларимизга, балки барча Ўзбекистон халқига бўлган ҳурматнинг ёрқин ифодаси эди.

Атланта олимпиадасидан кейинги тўрт йил муддат, катта-катта мусобақаларда спортчиларимизнинг иштироки тажриба тўплаб, тобланишига имкон берди. Уларга элимизнинг меҳри, Президентимиз Ислам Каримовнинг кўрсатаётган раҳнамолиги, қолаверса Республика Ички Ишлар вазири генерал-полковник Зокир Алматовнинг ҳар мусобақа олдидан улар билан бевосита қизиқиб, мулоқот уюштириши Сидней Олимпиадасида ҳам ғалабалар сари етакловчи омил бўлишига ишонаман.

*Маҳаматдин ЖАРЫЛКАГАНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси «Динамо» спорт жамияти раиси  
ўринбосари, милиция полковниги.*

## МУНДАРИЖА

С.Рўзиев. Мустақиллигимиз мевасидир бу .....	5
Ғ.Раҳимов. Сиднейда ташлангай тарихий қадам .....	7
М.Каримов. Ўзбекистон номини қалбга жо этиб .....	9
Боксинг пайдо бўлиши .....	11
Ифтихор этсанг арзир .....	13
Муҳаммадқодир Абдуллаев: «Мен ҳамон ўша Муҳаммадқодирман» .....	20
Ўткирбек Ҳайдаров: «Олтин олма, дуо ол» .....	27
Тўлқин Турғунов: «Мақсадим биринчи бўлиш» .....	35
Руслан Чагаев: «Савонда бор алашим менинг» .....	40
Дилшод Йўлдошев: «Жаҳлга зўр бериш мағлубият демак» .....	49
Сергей Михайлов: «Мухлислар қалбига яна қайтаман» .....	54
Алишер Раҳимов: «Севишга вақт йўқ» .....	61
Рустам. ....	67
Дилшод Ёрбеков. Атланта ишончи Сиднейда оқланар...ми? .....	73
Танишинг: «... чемпиони Шерзод Ҳусанов!» .....	77
Сиднейга отланган орзулар .....	82



*Адабий-бадиий нашр*

**ҲАЁТИЛЛО ИСОҚОВ  
УЛУҒБЕК ҲАКИМЖОНОВ**

**ЖАҲОН ВА ОСИЁ ЙЎЛБАРСЛАРИ**

**Муҳаррир Г.Мирзаева  
Рассом Б.Бозоров  
Тех.муҳаррир В.Демченко  
Мусаҳҳиҳ Л.Каримова  
Компьютер устаси Н.Абдурахмонова**

**А.Рисқиев расмларидан фойдаланилди**

**ИБ 3484**

**Босишга рухсат этилди 16.11.2000. Бичими 84x108 1/32.  
Босма тобоғи 2,75 + вкл. 0,25 . Адади 1000 нусха. Буюртма № 179  
Баҳоси келишилган нарҳда.**

**«Янги аср авлоди» нашриёт матбаа маркази. 700113, Тошкент,  
Чилонзор-8, Қатортол, 60**

